


**ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

ТОШКЕНТ-2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ
ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

“СУҒУРТА ИШИ”

йўналиши

“СУҒУРТА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент - 2021

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: ТДИУ "Молия ва бухгалтерия ҳисоби" кафедраси профессори, и.ф.д. Қ.М. Қўлдошев.,
ТДИУ "Молия ва бухгалтерия ҳисоби" кафедраси катта ўқитувчиси Ш.Б. Бабаев.

Тақризчи: ТМИ "Суғурта ва пенсия иши" кафедраси доценти,
PhD, И.Ғ. Кенжаев

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУРИ	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	11
III.	НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	17
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	118
V.	МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	122
VI.	ГЛОССАРИЙ	124
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	140

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий

услуглари бўйича сўнги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «блендед леарнинг», «флиппед сlassroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

"Суғурта технологиялари" модулининг **мақсад ва вазифалари:** суғурта технологияларини ривожлантириш истиқболлари, Ўзбекистонда суғурта ишининг ташкил этилиши, уни ташкил этиш технологиялари, унинг замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, суғурта тармоқлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, суғурта бозори профессионал иштирокчилари ва улар фаолиятини ташкил этиш технологиялари бўйича тингловчиларнинг малакавий кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар.

"Суғурта технологиялари" модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- Ўзбекистон суғурта соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларини;
- Ўзбекистон суғурта бозори тарихи ва замонавий ҳолатини;
- суғурта бозорини ривожланиш истиқболлари ва унинг тузилишини;
- суғурта технологияларини қўллаш принципларини;
- ҳаёт суғуртаси ва унинг моҳиятини;
- ўзаро суғуртани амалга ошириш технологиялари бўйича хориж тажрибасини;
- ўзаро суғуртанинг ҳуқуқий таъминотини;
- қайта суғуртанинг суғурта соҳасида тутган ўрнини;
- қайта суғурта қилиш иштирокчиларини;
- суғурта технологияларини ривожлантириш тамойиллари ва муамолларини *билиши керак*.

Тингловчи:

- Ўзбекистон суғурта соҳасини таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш;
- асосий профессионал иштирокчиларни фаолиятини ташкил этиш;
- суғурта меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини қўллаш;
- суғурта технологияларини қўллаш;
- ҳаётни суғурта қилиш;
- ўзаро суғуртани амалга ошириш;
- ўзаро суғуртанинг ўзига хос хусусиятларини фарқлаш;
- қайта суғурта шартномаси ва уни тузиш бўйича *қўникма ва малакаларини эгаллаши лозим.*

Тингловчи:

- Ўзбекистонда суғурта соҳасининг ишлаш технологиялари ва ривожланиш истиқболларини прогноз қилиш;
- суғурта технологияларини ривожлантириш тамойиллари;
- суғурта технологияларининг асосий усулларини таҳлил қилиш;
- қайта суғуртани амалга оширувчи трансмиллий суғурта компанияларни баҳолаш;
- Ўзбекистонда суғурта технологиялари ривожланишидаги муаммоларни билиш *компетенцияларини эгаллаши лозим.*

Дастурни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.

"Суғурта технологиялари" модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.

"Суғурта технологиялари" модули мазмуни ўқув режадаги "Суғуртанинг долзарб муамолари" ва "Суғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари" ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни.

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Ўзбекистон суғурта соҳасида суғурта технологияларини амалга оширишдаги мавжуд муаммолар ва уларни ечиш, суғурта технологияларининг яқин, ўрта истиқболдаги ривожланиш тенденциялари, сценарийларини тузишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Аудитория ўқув юкلامаси			
		жами	жумладан		
Назарий машғулот	Амалий машғулот		Кўчма машғулот		
1.	Суғурта технологияларининг моҳияти, аҳамияти ва ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари	6	2	4	
2.	Суғурта технологияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари	6	2	4	
3.	Умумий ва ҳаёт суғуртасида суғурта технологияларини қўллаш	6	2	4	
4.	Ўзаро суғуртани амалга ошириш технологияларининг назарий ва амалий жиҳатлари	6	2	2	2
5.	Қайта суғуртанинг назарий асослари ва амалга ошириш технологиялари	6	2	2	2
	Жами:	30	10	16	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу. Суғурта технологияларининг моҳияти, аҳамияти ва ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари

Суғурта технологияси тушунчаси, суғурта технологиялари асосида суғурта ишини ташкил этиш, суғурта технологиялари асосида суғурта ишини ташкил этишнинг аҳамияти, суғурта шакллари, суғуртанинг функциялари, суғурта компаниялари ва суғурта инфратузилмаси, бозор муносабатларининг ривожига суғуртанинг таъсири, суғурта технологияларининг мақсади ва вазифалари, суғурта технологияларини қўллаш принциплари, суғурта технологияларини суғурта соҳалари бўйича қўллаш, суғурта технологияларини ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари.

2-Мавзу. Суғурта технологияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

Суғурта ҳуқуқи, унинг моҳияти ва зарурлиги, суғурта ҳуқуқи нормалари, суғурта ҳуқуқи нормаларининг турлари, суғурта ҳуқуқининг тамойиллари, суғурта ҳуқуқи тизими, суғурта соҳасини тартибга солишга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, суғурта соҳасини тартибга солишга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш технологиялари, суғурта муносабатлари иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, суғурта меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ суғурта технологиялари.

3-Мавзу. Умумий ва ҳаёт суғуртасида суғурта технологияларини қўллаш

Ҳаёт суғуртаси ва унинг моҳияти, ҳаёт суғуртасининг шахсий суғуртадаги ўрни, бахциз ҳодисалардан мажбурий давлат суғуртасини амалга ошириш технологиялари, ҳаёт суғуртаси тармоғида узоқ муддатли суғуртани амалга ошириш технологиялари, ҳаёт суғуртаси тармоғида жамғариб бориладиган суғурта турларини амалга ошириш технологиялари, Умумий суғурта тармоғи ва унинг хусусиятлари, умумий суғурта тармоғида қўлланиладиган суғурта турлари, ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта, ҳаётни суғурта қилиш, оила жуфтлигини биргаликда суғурта қилиш, ҳаётни суғурта қилиш полисларининг турлари, ҳаёт суғуртасини амалга оширишда қўлланиладиган суғурта технологиялари.

4-Мавзу. Ўзаро суғуртани амалга ошириш технологияларининг назарий ва амалий жиҳатлари

Ўзаро суғурта ва унинг назарий жиҳатлари, ўзаро суғуртанинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, ўзаро суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари, ўзаро суғуртанинг тижоратга асосланган суғуртадан фарқли ва афзаллик жиҳатлари, ўзаро суғуртани амалга ошириш технологиялари, ўзаро суғуртани амалга ошириш технологиялари бўйича хориж тажрибаси, ўзаро суғуртада суғуртавий манфаатларнинг умумийлик белгилари, ўзаро суғуртанинг ҳуқуқий таъминоти, ўзаро суғуртада инвестиция фаолиятини амалга ошириш технологиялари, кептив ўзаро суғурталаш жамиятларини ташкил этиш технологиялари.

5-Мавзу. Қайта суғуртанинг назарий асослари ва амалга ошириш технологиялари

Қайта суғуртанинг суғурта соҳасида тутган ўрни, қайта суғуртанинг моҳияти ва турлари, миллий суғурта бозорида қайта суғуртани амалга ошириш технологиялари, халқаро бозорларда қайта суғуртани амалга ошириш технологиялари, қайта суғурта қилиш иштирокчилари, қайта суғурта шартномаси ва уни тузиш технологиялари, қайта суғуртани амалга оширувчи

трансмиллий суғурта компаниялари, қайта суғурталаш усуллари, Ўзбекистонда қайта суғурта фаолияти билан боғлиқ муаммолар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот.

Суғурта технологияларининг моҳияти, аҳамияти ва ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари.

1. Суғурта технологияси тушунчаси, суғурта технологиялари асосида суғурта ишини ташкил этиш.
2. Суғурта технологияларини суғурта соҳалари бўйича қўллаш.
3. Суғурта технологиялари ривожланишининг замонавий йўналишлари. Қўлланиладиган педагогик технологиялар: "интерактив", "блиц сўров", "ақлий хужум" усуллари.

2-амалий машғулот.

Суғурта технологияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари.

1. Суғурта соҳасини тартибга солишга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.
2. Суғурта муносабатлари иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.
3. Суғурта меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ суғурта технологиялари. Қўлланиладиган педагогик технологиялар: "интерактив", "блиц сўров", "ақлий хужум" усуллари.

3-амалий машғулот.

Умумий ва ҳаёт суғуртаси тармоқларида суғурта технологияларини қўллаш.

1. Умумий суғурта тармоғида қўлланиладиган суғурта технологиялари.
2. Ҳаёт суғурта тармоғида қўлланиладиган суғурта технологиялари.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: "интерактив", "блиц сўров", "ақлий хужум", "маъруза-суҳбат" усуллари.

4-амалий машғулот.

Ўзаро суғуртани амалга ошириш технологияларининг назарий ва амалий жиҳатлари.

1. Ўзаро суғурта назарияси.
2. Ўзаро суғуртани амалга ошириш технологиялари.
3. Ўзаро суғуртани амалга ошириш технологияларининг хориж тажрибаси.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: "интерактив", "блиц сўров", "ақлий хужум" усуллари.

5-амалий машғулот.

1. Қайта суғуртанинг суғурта соҳасида тутган ўрни, қайта суғуртанинг моҳияти ва турлари.
2. Миллий суғурта бозорида қайта суғуртани амалга ошириш технологиялари.
3. Халқаро бозорларда қайта суғуртани амалга ошириш технологиялари.
4. Қайта суғурта қилиш иштирокчилари.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ

"Суғурта технологиялари" модули бўйича ўқув дастурида "Ўзаро суғуртани амалга ошириш технологияларининг назарий ва амалий жиҳатлари" ҳамда "Қайта суғуртанинг назарий асослари ва амалга ошириш технологиялари" мавзуларида 4-соатлик кўчма машғулот режалаштирилган.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).


II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Баҳс

Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳсининг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуктаи назарини ифодалаши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршилиқларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қилади.

Психолог – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, хулосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб,

муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.


Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.


- Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар





Вени диаграммаси



SWOT-таҳлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;

Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;


Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилининг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда

унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

“Кучлар таҳлили” графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қондаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлақларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс.

Амалий вазият. Илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътирозлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз грант раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳатимиз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўллари топасиз.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Суғурта технологияларининг моҳияти, аҳамияти ва ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари

Режа.

1. Суғурта технологияси тушунчаси, суғурта технологиялари асосида суғурта ишини ташкил этиш.
2. Суғурта технологиялари ривожланишининг замонавий йўналишлари.
3. Дунё миқёсида суғурта хизматлари глобаллашуви шароитида қўлланилаётган суғурта технологиялари.

Бугунги кундаги суғурта яқин ўтмишда пайдо болмаган. У узок эволюцион жараёни бошидан ўтказган. Дастлаб ўз-ўзини суғурталаш шаклланган. Мисол тариқасида ҳозирги кунда юридик шахслар томонидан захира (резерв) жамғармаларининг шаклантирилишини келтириш мумкин. Аммо ўз-ўзини суғурталаш бир бутун суғурта саналмайди. Унда суғуртанинг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланган “ўз харажатларини махсус ташкил этилган фондлар ҳисобига камайтириш” ҳолати мавжуд эмас. Бу эса субъектларнинг фаолияти билан боғлиқ рискларнинг юз бериши натижасида кўриши мумкин бўлган зарарларини тўлиқ қоплаш имконини бермайди.

Суғуртанг тарихан шаклланган иккинчи шакли - ўзаро суғуртадир (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 960-моддасида 'ЎИкки томонлама суғурта' деб номланган¹). Ўзаро суғуртада суғурта килдирувчилар ва суғурталовчи бир шахсда намоён бўлади.

Суғуртанинг тарихан шаклланган сўнгги шакли, бу тижоратга асосланган классик суғуртадир. Ушбу суғурта шаклида фойда олиш мақсадида суғурта хизматларини кўрсатувчи алоҳида суғурта ташкилоти ташкил этилади. Классик суғурта зарарларни ҳам ҳудудий бирликлар, ҳам маълум муддатларда (вақтларда) тақсимланишини назарда тутди.

Суғурта иқтисодий муносабатларнинг муҳим элементи бўлиб, айнан суғурта воситасида жисмоний ёки юридик шахс кўрган зарарлар кўп сондаги жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тақсимлаш орқали қоплаб берилади². Мазкур зарарлар суғурта ташкилоти тасарруфидаги суғурта фонди маблағлари ҳисобидан қопланади.

Зарарларнинг вужудга келиши инсон назоратида эмаслиги ва турли хил нобуд этувчи омиллар натижасида зарарларнинг юзага келиши

¹ O'zbekiston respublikasining "fuqarolik kodeksi" Toshkent "Adolat" 2011, 432 bet

² Шахов В.В. Страхование. - М.: Страховой полис. 1997. с. 14

жамиятда суғуртага бўлган объектив талабни келтириб чиқаради. Мисол учун табиий офатларни олайлик, бу каби ҳолатларда етказилган зарарни кимдандир ундириб олишнинг имкони йўқ. Фақат аввалдан ташкил этилган заҳирагина (асосан суғурта заҳираси) зарарни қоплаш манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Агар ҳар бир мулкдор ўз мулкига етказилган ёки етказилиши мумкин бўлган зарарларни ўз ҳисобидан қоплашга интилса, у ҳолда мазкур мулкдор ўз мулки қийматига тенг миқдорда моддий ёки пул кўринишидаги жамғармани шакллантириши керак бўлади. Бу ҳолат эса табиийки кўплаб қийинчиликларни вужудга келтиради ва мулкдорнинг фаолият имкониятларини чеклаб қўяди. Бу охир оқибатда уни касодга учраш ҳолатига олиб келиши мумкин. Аммо, манфаатдор тарафлар ўртасида ўзаро келишган ҳолда зарарнинг биргаликда тақсимланиши офатлар ва бошқа ҳодисалар оқибатларини этарли даражада текислайди. Бунда зарар тақсимотида иштирок этувчи манфаатдор тарафлар қанчалик кўп болса, ҳар бир иштирокчига тўғри келадиган маблағ (иштирокчи томонидан тўланадиган бадал) шунча кам бўлади.

Инсонларнинг ҳаётини тажрибаси фавқулотда ҳодисаларнинг кўққисдан (бехосдан) юз бериши, ҳамда етказиладиган зарарнинг тенг эмаслиги тўғрисида хулоса қилишга олиб келган. Бугунги кунда суғурта инсонлар ва

юримдик шахсларнинг барча турдаги мулкчилик шакллари, даромадлари ва бошқа турдаги манфаатлари ҳимоясининг универсал воситасига айланиб улгурган.

Айнан суғурта бир томондан инсонлар фаровонлиги ва юримдик шахслар фаолияти ҳимояси воситаси сифатида, иккинчи томондан эса даромад келтирувчи тадбиркорлик фаолияти тури сифатида юзага чиқади.

Баён этилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда суғуртага қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Маълум иштирокчиларнинг (юримдик ва жисмоний шахсларнинг) пул маблағлари ҳисобига мақсадли суғурта жамғармасини ташкил этиш ва бу маблағларни фавқулотда ҳодиса юз берганда зарарларни қоплаб беришга сарф этилиши борасидаги қайта тақсимлаш муносабатлари мажмуасини ўз ичига олувчи, шунингдек, инсонлар ҳаётида баъзи ҳодисаларнинг юз беришида уларнинг моддий таъминотида оид иқтисодий муносабатлар тизими - суғуртадир”.

Суғуртанинг моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади. Суғуртанинг қуйидаги функцияларини келтириб ўтиш мумкин:

- хавф-хатар;
- заҳиралар ташкил этиш;
- қайта тақсимлаш;
- жамғариш;
- назорат (хавф-хатар йз беришининг олдини олиш мақсадида);
- инвестиция қилиш.

Энди эса қисқа бўлсада суғурта компанияларига тўхталиб ўцак. Суғуртага оид назарий манбаларда суғурта компаниялари қуйидагича таснифланади:

1. Тегишлилига кўра: хусусий, акционерлик, ўзаро (икки томонлама) ва давлат.

2. Амалга оширадиган операцияларига кўра: махсус, универсал ва қайта суғурталаш:

3. Хизмат кўрсатиш ҳудудига кўра: маҳаллий, миллий, минтақавий ва халқаро;

4. Устав капитали ва суғурта мукофотлари ҳажми каби техникавий-иқтисодив кои'саткичларига кўра: йирик, ўрта ва кичик.

Суғурта компанияси молиявий-хўжалик фаолиятининг натижалари биринчи навбатда унинг олган фойдаси ва суғурта заҳираларидаги ўзгаришларда ўз аксини топади.

Суғурта мамлакат иқтисодининг барқарорлигини ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда алоҳида ўрин эгаллаганлиги сабабли, суғурта хизматлари бозорининг самарали фаолиятини таъминлаш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатда суғурта бозори самарали ривожланишининг яна бир шарти суғурта бозори инфратузилмасини яратиш, яъни қайта суғурта, суғурта пуллари ва суғурта компанияларининг бошқа уюшмалари, суғурта воситачилари, аудиторлар, актуарийлар, аджастерлар, сюрвеерлар, маълумот-тахлил марказлари, рейтинг агентликлари, кадрларни тайёрлаш марказлари каби субъектлардан иборат тизимни шакллантириш ҳисобланади.

Қуйида келтирилган асосларга таянган ҳолда, ҳар бир давлатдаги бозор муносабатларининг ривожини ва чуқурлашувига суғурта доимий равишда таъсир кўрсатиб боради деган хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, суғурта жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳим талабларидан бири саналган, хавф-хатарларни бартараф этишга бўлган талабни қондиради. Чунки барча даврларда суғуртанинг моҳияти маълум ҳодисалар юз берганида жисмоний ва юридик шахсларга ёрдам беришда намоён бўлади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулккий манфаатлари кафолатини бериш орқали, суғурта жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлайди.

Иккинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида юридик ва жисмоний шахслар тўлаган суғурта мукофотларидан ҳосил бўлган маблағлар ҳисобидан, ҳамда ўз маблағлари ҳисобидан суғурта компаниялари қўлида катта миқдордаги суғурта заҳираларининг жамланиши ва уларни иқтисодиётнинг турли соҳаларига инвестиция сифатида йўналтирилиши, ўз навбатида ҳар қандай давлат инвестиция салоҳиятини оширади.

Учинчидан, ривожланган суғурта сектори операцион харажатларни камайтириш, ликвидликни яратиш ва мамлакатга ички ва ташқи инвестицияларнинг киришига шарт-шароитлар яратиш каби

ҳолатларда акс этувчи мамлакат молиявий тизимини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида суғуртага қуйидагича та’риф берилган:

“Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ, суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади”³.

Энди эса, суғуртанинг моҳияти ва функциялари тўғрисида қисқа болсада юқорида келтириб ўтилган ҳолатларга таянган ҳолда суғурта технологиялари ва унинг предметига тўхталсак.

Суғурта технологиялари фанининг мақсади суғурта иши йўналишида малака ошираётган тингловчиларга қўйилган талабларни амалга ошириш, ҳамда уларга замонавий суғурта технологиялари тўғрисидаги назарий ва амалий қўникмаларни беришдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда вазифалар белгиланган бўлиб, булар тингловчиларда суғурта технологиялари бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантириш, ҳамда аниқ муаммоларни эчиш мақсадида, олинган билимларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш укувини шакллантиришдан иборат.

Суғурта технологиялари - бу суғурта хизматларини кўрсатиш бўйича тартибга солинган ва кетма-кетликдаги ҳаракатлар йиғиндисидир. Суғурта технологияларини ташкил қилишнинг умумий принциплари қуйидагилардан иборат:

- 1) Потенциал мижозлар сегментини белгилаш;
- 2) Маҳсулотни аниқлаб олиш;
- 3) Сотиш каналларини аниқлаш;
- 4) Технологияларни ҳужжатлаштириш;
- 5) Сотиш технологияларига о’ргатиш;
- 6) Технологияларни амалга ошириш;
- 7) Технологияларни амалга оширишни назорат қилиш.

Суғурта технологияларини мазкур принциплар асосида ташкил этиш суғурта компанияси ишини самарали йўлга қўйиш имкониятини яратади.

Хизматлар сифатини бошқаришнинг асосий йўналишларидан бири унинг сифатини ошириб бориш бўлиб, бунда мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида қўлланилаётган янги технологиялардан кенгрок фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Суғурта соҳасида хизматлар сифатини ошириш истеъмолчи учун кенгрок шароитлар яратиб бериш ва хизматлар нархини пасайтириб боришни англатади.

Ҳозирги пайтда хизматлар тақдим этишнинг қуйидаги бир қанча

³ Norma-hamkor ma' lumotlar ba' zasimng tadbirkorlik bo'limi

нисбатан янги турлари мавжуд:

1. Бизнинг мамлакатимизда қисман қўлланилаётган, бу ҳам бўлса хизматни сотишдан олдинги босқичлар, яъни шартнома тузгунгача бўлган давр учун қўлланилаётган интернет технологиялар.

2. Ўзбекистонда суғурта хизмати сотилгандан кейинги шартнома амал қилиш даврида истеъмолчиларга маслаҳатлар бериш ва суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисидаги хабарни қабул қилиш учун фойдаланиладиган телефон орқали хизматлар кўрсатиш технологияси.

3. Турли соҳаларда қўлланилаётган (банкоматлар, таксофонлар, сув ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш автоматлари, пайнетлар ва бошқалар) автоматлаштирилган ва ярим автоматлаштирилган хизматлар тақдим этувчи технологиялар.

4. Мобил алоқа ва интернет провайдерлари операторлари томонидан қўлланилаётган тўлов карточкалари ёки активация карточкалари.

Суғуртага янги технологияларнинг киритилиши суғурта мукофотлари тариф ставкаларини камайтириш имконини беради, хизматларни тақдим этишда тезкорликни таъминлаб беради ва вақтни тежайди.

Ҳар қандай суғурта компаниясининг муҳим ютуғи, ўзининг доимий мижозларига эга бўлишдир. Ўз ўрнида, ҳар қандай компания янги мижозларга эришиш учун, ҳамда мавжудларини сақлаб қолиш учун ҳаракат қилиши зарур бўлади. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, битта янги мижозни жалб қилиш учун эскисини сақлаб қолишга кетадиган харажатлардан олти марта кўп харажат қилм'оғи керак бўлади⁴. Шундай экан, компания мавжуд мижозларини сақлаб қолишга эътиборни қаратиши, бунинг учун уларга янги қулайликлар яратиши, бонуслар таклиф қилиши, янги хизматлар таклиф қилиши, эгилувчан нарх сиёсатини ишлаб чиқиши зарур.

1-жадвал

Истеъмолчиларнинг қарашларига кўра технологияларнинг қулай ва ноқулай жиҳатлари

Технология	Қулайлиги	Ноқулайлиги
Интернет	Паст суғурта тарифлари	Электрон товламачилик бўйича риск даражасининг юқорилиги
	Хизматни тез олиш имконияти	
	Вақт тежалиши	
	Қоғозбозликнинг йўқолиги	
Call-центр	Хизматни тез олиш имконияти	Тўғридан-тўғри мулоқотнинг йўқлиги
	Вақт тежалиши	

⁴ <http://www.ludidela.ru>, “удержание клиентов и улучшение их обслуживания”

	Қоғозбозликнинг йўқолиги	туфайли товламачилик рискнинг ортиши
--	--------------------------	--------------------------------------

Истеъмолчининг нуқтаи-назаридан қараганда, суғурта хизматлари сервиси сифати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- суғурта шартномасини тузиш ва ушбу шартнома бўйича жорий хизматларни кўрсатишни ўз вақтида, тез ва тўлиқ бажариш;

- шартномада кўзда тутилган суғурта ҳодисалари юз берганда тез, тўлиқ ва ҳаққоний равишда суғурта қопламасини амалга ошириш;

- ходимларнинг мижозларга бўлган яхши муносабати, ҳозиржавоблиги ва жиддий муносабатда бўлиши.

Суғурта хизматларининг бошқа молиявий хизматлардан фарқли жиҳати шундаки, таклиф этилаётган хизмат бошида номоддий характерга эга бўлади, яъни суғурта хизматини сотиб олаётган истеъмолчи суғурталовчидан молиявий қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ваъдани олади. Ҳамма гап ушбу берилган ваъдани бажариш пайти келганда ваъданинг устидан чиқмоқликдир. Берилган ваъдани ўз вақтида ва тўлиқ бажармаслик мижознинг суғурталовчига нисбатан ишончсизлигининг ҳосил бўлишига ва мазкур суғурталовчидан воз кечишига олиб келади.

Суғурталовчи ўз мижозига берган ваъдасини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш имконияти унинг молиявий барқарорлигининг мавжудлигидан келиб чиқади, бунинг учун компания ўзи кўрсатаётган хизматлар учун нархни тўғри белгилаши, рисклар ва активларни тўғри бошқариши ва бошқа барча бизнесларга хос бўлган вазифаларни самарали йўлга қўйиши зарур.

Суғурта компанияси бозорда ўз мавқеига эга бўлиш, янги мижозларга эга бўлиш, ҳамда мавжудларини сақлаб қолишнинг яна бир муҳим факторларидан бири, халқаро сертификатларга эга бўлишдир. Бугунги кунда суғурта хизматларини сертификатлаштириш жараёнларини ривожлантириш учун этарли даражада зарурат ва шарт-шароитлар яратилган бўлиб, булар:

- суғурталовчилар суғурта хизматларини сертификатлаштириш заруратини тушуниб этишди;

- дунё амалиётида этарли даражада тажриба мавжуд бўлган сертификатлаштириш бўйича Ўзбекистонда ҳам маълум тажриба тўпланди. Ўзбекистонда учта суғурта компанияси менежмент сифати тизими бўйича халқаро ИСО 9001:2000 мувофиқлик сертификатига эга;

- қонунчилик базаси яратилган (28.12.1993 йилда “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган);

- кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар (масалан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси тўғрисидаги қонун) сертификатлаштиришга бўлган талабни янада оширмоқда, рақобатни кучайтирмоқда ва сифат менежментига бўлган талабларни оширмоқда.

Сертификат суғурталовчи хизматлари сифатини бошқариш тизими белгиланган стандартларга жавоб беришини тасдиқлайди. Халқаро стандартлар хизмат сифатини белгиловчи аниқ меъёрларни белгилаб бера олмайди. Бундай меъёрларни сертификат олмоқчи бўлган суғурталовчининг ўзи белгилайди. Шу туфайли истеъмолчининг нуқтаи-назаридан келиб чиққанда, сертификат мазкур хизматнинг юқори сифатлилигини белгиламайди. Шундан келиб чиқиб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш учун давлат органлари ва хусусан суғурта фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан стандартлаштириш ва сифат меъёрларини белгилаш зарур.

Юқори даражадаги сифатга эга бўлган суғурта хизматлари билан таъминлашга қуйидаги факторларга асосланган ҳолда меъёрларни тўғри белгилаш ва уларга амал қилиш муҳимдир:

-потенциал суғурталанувчини хизматлар билан таништиришда сифат даражаси, тақдим этиладиган суғурта қопламаси ҳажми, тўланиши талаб этиладиган суғурта мукофотининг суғурта қопламасига нисбати даражаси ҳамда суғурта компанияси ходимининг миждозга муносабати;

-суғурта ҳодисаси бўйича даъвони кўриб чиқишда зарар ҳажмининг қанчалик тўғри аниқланганлиги ва даъвони кўриб чиқиш даврининг қисқалиги;

-барча жараёнларда хизматнинг сифат даражаси ортади, қачонки кўшимча хизматлар тақдим этилса (ҳужжатлар тўплашда ёрдам кўрсатиш, ҳодиса юз берган жойдан эвакуация қилиш, ҳамроҳларнинг ҳодиса билан боғлиқ хизмат харажатларини қоплаб бериш ва ҳоказо).

Юқорида кўрсатилган барча ҳолатлар суғурта шартномасида кўрсатилиши керак. Қонунчилик ҳужжатларида умумий суғурта хизматларини кўрсатиш бўйича стандартлар ва меъёрлар белгиланиши мумкин (масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг “Суғурта шартномасининг муҳим шартлари” деб номланган 929 моддаси). Суғурта хизматлари бир-биридан фарқ қилади, шунинг учун маълум бир суғурта тури учун ишлаб чиқилган стандарт ва меъёрлар бошқа суғурта тури учун қўлланилмаслиги керак. Суғурта турлари бўйича янада аниқ меъёрлар турли усуллар билан белгиланиши мумкин, масалан:

-барча учун умумий бўлган намунавий суғурта қоидаларини ишлаб чиқиш;

-қонунчилик меъёрларини белгилаш;

-Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигида суғурталовчи томонидан суғурта маҳсулотини депонентлаштиришда суғуртанинг ҳар бир типи (класси) га нисбатан турлари бўйича хос хусусиятларни белгилаш.

Стандартлаштириш суғурта терминларига нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Суғурта шартномаларида турли суғурта терминлари қўлланилиши мумкин, аммо ушбу терминларни барча оддий суғурталанувчи тушунавермайди. Баъзида қўлланилган терминларни

турлича тушуниш суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Суғурта терминларини ўзида жамлаган луғатнинг ишлаб чиқилиши бундай келишмовчиликларга чек қўйиши мумкин.

Мустақил Ўзбекистоннинг муҳим ютуқларидан бири суғурта хизматларини амалга оширишда бозор муҳитининг шакллантирилиши ва давлат суғурта монополиясининг йўқотилиши бўлди. Мустақилликнинг ўтган йиллари давомида миллий суғурта бозорида сезиларли даражадаги тузилмавий, ҳуқуқий, технологик ва бошқа ўзгаришлар юз берди.

Молиявий инфратузилма ривожланишининг муҳим йўналишларидан бири “банксуғурта” («бансассурансе») бўлиб, бу ривожланган ва кўпгина ривожланаётган мамлакатлар банк тизимининг муҳим йўналишларидан биридир. Банксуғурта модели дунё тажрибасида 1920 йиллардан бошлаб қўлланиб келинмоқда. «бансассурансе» термини биринчи бўлиб 1970 йилларнинг охирида суғурта хизматларини банк орқали сотиш тушунчаси сифатида Францияда пайдо бўлган. Бугунги кунда ушбу термин суғурта хизматларини банк орқали сотиш маъносини англатиб, банк суғуртачиси «бансассурер» сифатида мижозга банк хизматлари билан бир қаторда суғурта хизматларини ҳам кўрсатувчи ташкилотни тушунилади.

Банк суғурта «бансассурансе» концепсиясининг моҳияти банклар ва суғурта компанияларининг ўз банк ва суғурта хизматларини кўрсатишни мувофиқлаштириш мақсадида ўзаро интеграцияни йўлга қўйиш, банк ва суғурта хизматларини биргаликда олиб бориш, бир мижозга бирданга икки хил хизмат турини таклиф этиш ва кўрсатиш, ҳамда ўз ҳамкорининг молиявий ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишдан иборат. Банк суғурта ҳар бир мамлакатда ушбу мамлакатнинг демографик, иқтисодий ва ҳуқуқий муҳитидан келиб чиққан ҳолда турлича ташкил қилинган. Барча мамлакатлар учун бир хил бўлган банксуғурта концепсияси мавжуд эмас. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, суғурта полисларини банк орқали сотиш суғурта компаниялари жами сотув ҳажмида каттагина қисмни ташкил этмоқда, айниқса бу кўрсаткич ҳаёт суғуртасида катта бўлиб, европа мамлакатларида бу 70 фоизгача этмоқда. Осиё мамлакатларида бу кўрсаткич нисбатан кичик бўлсада, сўнгги йилларда 20 фоизгачани ташкил этмоқда.

Банкларнинг суғурта хизматларини сотишга бўлган қизиқиши молия бозорларининг ривожланиши, улар ўртасида ўзаро рақобатнинг кучайиши, ҳамда аралаш молия хизматларини кўрсатиш орқали қўшимча даромадга эга бўлишда ҳосил бўлмоқда. Банкларнинг суғурта компаниялари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида қарор қабул қилишларига асосий сабаб: қўшимча даромадга эга бўлиш, қўшимча хизматлар яратиш асосида мижозларни ушлаб туриш, мижозлар сонини кўпайтириш ва мижозларга сифатли хизматлар кўрсатишдан иборат.⁵

⁵ Манчурак М.В. Ключевые принципы взаимодействия банков и страховых компаний и их

Банк суғурта назарияси ўзида банк ва унинг ходимларига суғурта хизматларини сотиш назариясини, ҳамда корпоратив ва чакана миждозларга суғурта маҳсулотларини сотиш назариясини бирлаштиради. Ушбу назариянинг муҳим томони, суғурта хизматларини банк ходими томонидан суғурта компаниясининг иштирокисиз амалга оширишидадир.

Банк суғурта назарияси биргаликдаги сотувни амалга ошириш мақсадидаги ҳаракатларни кўзда тутди. Шундай қилиб, ушбу банксуғурта назариясини амалга ошириш учун суғурта компанияси томонидан қилинадиган биринчи кадам, банклар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, маълум талаблардан келиб чиққан ҳолда, улар билан музокаралар олиб боришдан иборат. Бунда суғурта компанияларининг йўл қўядиган кенг тарқалган хатоларидан бири, барча банкларга бирданига ҳаракатни бошлашдир. Агар суғурта компанияси банк билан ҳамкорликни узок йиллар давомида амалга оширишни мақсад қилган бўлса, ходимларга таклиф қиладиган комиссия мукофотлардан ташқари, маълум банк учун яна бошқа ўзига тортадиган манфаатларни таклиф этмоғи зарур. Бундан ташқари суғурта компанияси банкни танлашда унинг хизмат кўрсатиш ҳажми ва стратегиясидаги ўзаро ўхшашликларга, миждозларга юқори маданиятли хизматлар кўрсатилишига, қарорларни тез қабул қилишига ва бошқа жиҳатларига эътибор қаратиши зарур.

Маълумки, банк фаолияти риск даражаси юқори бўлган соҳалардан бири ҳисобланади. Иқтисодиётнинг эркинлашуви кучайиб бораётган ҳозирги шароитда банклар ўртасидаги рақобат кураши кучайиб бориши натижасида улар фаолиятидаги риск даражаси янада ортиб боради. Бундай шароитда ушбу рисклардан ҳимояланишнинг мақбул йўли суғурта хизматларидан фойдаланишдир. Албатта бу ҳамкорлик ўз ўрнида суғурта компанияси учун ҳам янги миждозларга эга бўлишда ва шу билан бозорда ўз ўрнига эга бўлишда қўл келади.

XX асрнинг 90 йилларида Россияда кредитни қайтармаслик ҳолларидан суғурталаш кенг ёйилиб, бу ҳол бир қанча суғуртачиларнинг банкрот бўлишига олиб келган эди. Ўша даврда бу хизмат таркибида анчагина жиноятчилик имкониятлари мавжуд бўлганлигидан уни маъмурият вакиллари ҳам, бозор иштирокчиларининг ўзлари ҳам танқид қилган эдилар. Бинобарин Россияда ҳам кредитни суғурталашнинг истиқболи йўқ деган фикр туғилган эди. Бироқ иқтисодиётнинг ва энг аввало давлат банк тизимининг ҳамда молия бозоридаги суғурта сегментининг ҳозирги ривожланиши бу фикр нотўғри эканлигини кўрсатди. Чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда банкларнинг кредит хатарларини бошқаришда самарали усуллардан бири бўлмиш кредитни суғурталаш истиқболли соҳа деб ишонч билан

айтиш мумкин. Банклар томонидан юридик шахсларни, кичик бизнес корхоналарини оддий кредитлаш ривожланиб бориши билан бир қаторда, ипотека, истеъмол кредити, автокредит, жисмоний шахсларга “зарур эҳтиёжларга” эркин ишлатиш учун микроқарзлар бериш дастурлари ҳам авж олиб бормоқда. Бу дастурларнинг фаол ривожланиши билан, бу соҳада суғурта компаниялари билан банклар ўртасида ҳамкорлик кучайиши кутилмоқда. Энг аввало шуни айтиш керакки, кредитни суғурталашнинг мавжуд турлари банклар таклиф қилаётган кредит маҳсулотларига мослаштирилиши керак. Вазифа банклар ва суғурта компанияларига кредит хатарларини самарали бошқариш ва айна вақтда кредит операцияларининг фойдалилиги ва ҳажмларини самайтирмаслик имконини берадиган янги услублар, усуллар ва технологияларни ишлаб чиқишдан иборат. Шулар асосида кредитлаш дастурлари доирасида мижозларга хизмат кўрсатиш харажатларини камайитишга эришиш мумкин. Бундай технологияларга қуйидагилар асос бўлади:

- суғурта ҳужжатларини расмийлаштиришни соддалаштириш;

- электрон ҳужжатлар айланишини жорий этиш;

- жамоавий суғурталаш схемаларини жорий этиш;

- суғуртачи билан банкнинг умумий бренд бўйича маҳсулотлар яратиши.

Ҳозирги пайтда банк учун ўз суғуртачилари гуруҳини ташкил этиш фойдали бўлиб, бу гуруҳ кредит сўраб мурожаат қиладиган истеъмолчилар томонидан гаровга қўйиладиган кўчмас мулк, машина ва бошқалар билан шуғулланади. Бундай ҳамкорлик иккала томонга ҳам фойда келтиради. Суғурта компаниялари банкнинг корпоратив мижозлари ва жисмоний шахслар гаровга қўйган мол-мулкни суғурталаш имконига эга бўлади ва суғурта мукофотлари тариф ставкаларини пасайтириш имкони туғилади.

Қарз олувчиларни суғурталаш шартномаси бўйича банк суғуртачи вазифасини бажаради ва у ҳар бир алоҳида қарз олувчига яқка тартибда полис расмийлаштиришдан воз кечиши мумкин. Суғурта қилдирган банк мижозларининг рўйхатини вақти-вақти билан суғурта компаниясига бериб туриши кифоя. Бундай иш тутиш тартиб-таомилни анча соддалаштиради. Кредитни суғурталашнинг бундай услубияти кредит карталари эгаларини суғурталаш чоғида ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда банкнинг мижози эмас, балки банкнинг ўзи суғурта қилдирувчи, ва равшанки, фойда кўрувчи бўлади. Иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналарни кредитлаш билан боғлиқ бўлган кредитни суғурталаш хусусида қуйидагиларни айтиш лозим.

Корпоратив мижозларга, йирик корхоналарга хизмат кўрсатиш бозоридаги кескин рақобат банкларни янги хизмат турларини излаб топишга, юридик шахсларнинг турли “вазн- тоифалари” учун маҳсулот яратишга мажбур қилмоқда. Ана шундай маҳсулотлардан бири кичик бизнесга мўлжалланган маҳсулотлардир. Банк билан бирга суғурта

компанияси ҳам ўз маҳсулоти, ўз технологияларини ўзгартириш ва такомиллаштиришга мажбур. Чунки банк билан суғурта компанияси ўртасидаги илгари амал қилиб келган ҳамкорлик моделлари кичик бизнес билан ишлаш учун унчалик мос келмайди. Банк олдида чиқимларни қисқартириш, мижозга имкон қадар тез ва қулай хизмат кўрсатиш масаласи туради. Банк бу муаммони суғуртачи билан биргаликда, кредитни суғурталаш жараёнида, гаров билан таъминлашда бевосита қатнашган ҳолда бемалол ҳал қила олади.

Банклар ва суғурта компаниялари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига сабаб бўлувчи яна муҳим омиллардан бири суғурта компанияларининг инвестиция бозоридаги инвестор сифатидаги фаолиятidir. Катта миқдордаги бўш маблағларга эга бўлган суғурта компаниялари ўз инвестицияга мўлжалланган маблағларининг асосий қисмини банк депозитлари ва қимматли қоғозларига йўналтирмақдалар. Бундай имконият икки томонга ҳам қўл келмоқда, чунки суғурта компаниялари ўз инвестицион маблағларини риск даражаси нисбатан паст бўлган ва маълум даражадаги аниқ даромад келтирувчи банкларга жойлаштириш имкониятига эга бўлсалар, ўз ўрнида банклар кредит фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган катта миқдордаги маблағларга эга бўладилар.

Банклар ва суғурта компаниялари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари бўйиғча келтирилган фикрлардан хулоса қилиб айтганда, банклар билан суғурта компаниялари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳар томонлама ривожланишига этарли сабаб ва омиллар мавжуд бўлиб, ушбу омиллар банклар ва суғурта компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни бундан буён янада кенг ривожланишига олиб келади. Бундай ҳамкорликдан банклар ўз фаолиятида ортиб бораётган рискларни кафолатлаш имкониятига ва шу асосда ўз мижозларига ҳар томонлама қулай хизматлар кўрсатиш имкониятига, ўз ўрнида суғурта компаниялари ҳам суғурта хизматлари ҳажмини кенгайтириш имкониятига эга бўладилар.

Ҳозирги замон дунё суғурта хўжалигининг ўзига хос хусусияти унинг глобаллашаётганлигидир. Бу жараён хизматлар ва товарлар савдосини амалга оширувчи барча соҳаларда давом этмоқда. Бу жараённинг амалий натижасини географик жиҳатдан бир ҳудуддаги мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликка асосланган иттифоқлар, келишувлар ва умумий бозорларни ташкил этилганлигида кўриш мумкин.

Европанинг олти мамлакати ўртасида 1957 йилда тузилган Рим келишуви ҳозирги пайтга келиб ўзида 15 та мамлакатни бирлаштириб турган йирик Европа иттифоқининг юзага келишига асос болди. 1988 йилда Шимолий Америка давлатлари ўртасида тузилган келишув учта мамлакатнинг ҳудудида барча соҳадаги савдо алоқаларини ўрнатиш имконини берди. 1991 йилда Жанубий Америкадаги тўртта давлатни бирлаштирган Жанубий Америка умумий бозори ташкил этилди. Ушбу

халқаро келишувларнинг барчасида суғурта хизматларини кўрсатиш бўйича алоҳида келишувлар мавжуд.

Европа иттифоқи мамлакатлари иқтисодий интеграциясининг вазибаларидан бири ягона суғурта бозорини ташкил қилишдир. Ягона суғурта бозорини ташкил қилишдан мақсад суғурта хизматлари, суғурта капитали ва суғурта брокерларининг ушбу мамлакатлар бўйлаб эркин ҳаракатини таъминлашдан иборатдир. Бу фаолиятнинг раҳбари ва мувофиқлаштирувчиси суғурта бўйича Европа кўмитаси бўлиб, ушбу кўмитада Европа иттифоқи давлатларининг барча миллий иттифоқлари ва суғурта ассоциацияларининг вакиллари бор. Европа суғурта кўмитасининг суғуртани тартибга солиш воситасининг асосини ушбу кўмита томонидан ишлаб чиқилган Европа иттифоқи директивалари ташкил этади.

Европа иттифоқи директиваларида суғурта назоратини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу иттифоқ томонидан суғурта назорати миллий органларига кўйилган минимум талаблар қуйидагилардан иборат:

-улар назоратни амалга оширганда биринчи ўринда суғурта компанияларининг тўловга қобиллиги ва активларни жойлаштиришга эътибор қаратишлари керак;

-суғурта компаниялари фаолиятини назорат қилишнинг ишончли маъмурий ва ҳисоб воситаларини ҳамда ҳар бир компанияга хос ички назорат механизминини ишлаб чиқиши керак.

Европа иттифоқида ягона суғурта бозорини шакллантиришнинг муҳим қадами бўлиб, ягона лицензия қондасининг ишлаб чиқилганлиги бўлди. Ушбу қондага кўра суғурта компаниясининг ташкил этишда ягона ташкилий-ҳуқуқий шаклдан фойдаланиш, фақат суғурта фаолияти билан шуғулланиш, суғурта операциялари схемасини тақдим қилиш, яъни уч йилда қилинадиган ҳаражатлар ҳисобини тақдим қилиш, минимал устав капитали, малакали, тўғри бошқарув имкониятини яратиш талаб этилади.

Турли соҳаларда халқаро миқёсда амалга ошаётган йирик ҳажмдаги хизматлар ва товарлар савдосининг халқаро миқёсда тартибга солиш зарурати ҳам ўз ўрнида пайдо бўлди ва кучайиб борди. Бундай ҳолатда ҳар бир мамлакатнинг ҳукумати номидан иш кўрувчи суғурта назорати органлари фаолиятининг ҳам мувофиқлаштириш зарурати туғилди. 1994 йилда ташкил этилган суғурта назорати органлари халқаро ассоциацияси шундай орган сифатида ўз фаолиятининг бошлади. Ҳозирги пайтда дунёдаги жуда кўплаб мамлакатларнинг суғурта назорати билан шуғулланувчи давлат органлари ушбу ассоциациянинг аъзоси ҳисобланади.

Суғурта фаолиятининг назорат қилиш ва тартибга солишдаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида 2008 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг суғурта назорати халқаро ассоциациясига аъзо бўлиш тўғрисида”ги қарори қабул

қилинди. Ушбу қарор асосида Ўзбекистонни мазкур ассоциацияга аъзо бўлиши масаласида ишлар олиб борилиб 2009 йилдан мамлакатимиз мазкур ассоциациянинг тўлақонли аъзосига айланди ва бугунги кунда мамлакатимизда суғурта фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишда мазкур ассоциация талабларидан фойдаланилмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, суғурта - ташкилот ва аҳоли пул маблағларини хўжалик фаолиятига жалб қилиш ва умумлаштиришнинг самарали воситаси, ҳамда макроиқтисодиётнинг барқарорлиги ва иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир қилувчи омилдир.

Давлат бозор муносабатларида давлат суғурта ташкилотлари орқали суғурталовчи сифатида қатнашиши мумкин ва суғурта бозори фаолиятига турли ҳуқуқий белгилар билан кенг қамровли таъсир кўрсатиши мумкин. Ғарбнинг ривожланган мамлакатларида суғурта бозори давлатнинг онгли бошқарув объекти ҳисобланади.

Хорижий тажриба шундан далолат берадики, суғурта бозорига самарали ривожланиш омиллари хос бўлиб, булар устунлик ва ташаббускорлик, суғурталанувчиларнинг талабларини тўлалигича қондирилишидан иборат. Суғурта фаолиятининг давлат томонидан бошқарилиши суғуртанинг бозор механизмини тўлдириб, ижобий томонларини кучайтиради. Бунда суғурта фаолиятини давлат бошқаруви механизми суғуртанинг бозор механизми билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон жаҳон хўжалиги тизимида боғланганлиги, дунёдаги молиявий марказлар билан алоқаларнинг кенгайтирилаётганлигини ҳисобга олиб, мамлакатимизда суғурта тизимини ривожлантириш об'ектив заруратга айланди. Бунинг учун суғурта тизимини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва бу соҳада жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ҳар томонлама фойдаланиш лозим.

Бундай вазифаларни бажариш учун аввало суғурта соҳасида жаҳон талабларига жавоб берадиган ходимларни тайёрлаш ва аҳолини суғурта тўғрисидаги ахборотлардан хабардор қилиб бориш муҳим ҳисобланади.

Суғуртанинг жамиятда муҳим ўрни борлигини асослаш учун суғурта объектлари бўйича юз берган суғурта ҳодисалари оқибатида кўрилган зарарларни қоплаш мақсадида суғурталанувчилар тўлаган суғурта мукофотлари эвазига вужудга келтирилган суғурта захиралари ва маълум давр мобайнида бўш турган маблағларни ички инвестицияга йўналтиришдан давлатнинг манфаатдорлигини эслатиб ўтиш kifоядир.

Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий беқарорлиги шароитида суғурта фаолиятининг иқтисодиётдаги ўрни янада муҳим аҳамиятга эга бўлиб боради. Бунинг рўёбга чиқаришнинг асосий воситаси, фаолиятга ахборот- коммуникация технологияларини кенг жорий этишдан иборат бўлади.

Масаланинг бундай қўйилиши, яъни, суғурта бизнесини бошқаришда АКТдан фойдаланишни такомиллаштириш зарурлиги,

иқтисодийнинг асосий услубиёт тамойиллари ва амалий йўналишлари ахборот тизимларига боғлиқлигини кўзда тутди. Шунинг учун, суғурта бизнесида ахборот маҳсулотлари тушунчаси ва хусусиятлари мазкур соҳани ахборотлаштиришда муҳим омил ҳисобланади. Суғурта компанияси фаолиятида асосий жараён ва функцияларни автоматлаштириш нафақат ходимнинг меҳнат унумдорлигини ошириши, балки, малакали мутахассисларнинг асосий вазифалари билан кўпроқ шуғулланишига, бизнеснинг кейинги ривожланиши йўлида маркетинг воситаларини ҳар томонлама жорий қилиб бориш учун зарурий шарт-шароитларни яратади. Умумий ҳолда, ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий этиш жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, ҳозирги кунда суғурта бизнесини замонавий усулда ахборотлаштиришни қуйидаги кўринишда шакллантириш мумкин:

- асосий бизнес жараёнларни автоматлаштириш учун ахборот тизими мажмуасини (ЭРП - тизимлар) жорий қилиш;
- мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш тизимларини жорий қилиш (СРМ - тизимлар ва Business Intelligence);
- интернет-суғурта.

Суғурта қилувчилар ўртасида полисларни рўйхатга олиш, суғурталаш ва қайта суғурталаш шартномаларини юритиш, брокерлик ва агентлик шартномаларини юритиш, бухгалтерлик ва ходимлар рўйхати функциялари каби суғурта фаолияти тўлиқ тўпламини ўз ичига олувчи ЭРП-тизимлар замон талабларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилмоқда. ЭРП-тизимлар ҳар қандай суғурта компаниялари суғурта шартномалари, рисклар, мукофотлар, тўловлар ҳамда келгусида компаниянинг статистик ва иқтисодий ҳисоб-китоблари учун зарур бўлган бошқа ахборотлар ҳақидаги бошлангич маълумотларни тўплаб бориш мақсадида кенг жорий қилинади. Бу тизим маълумотнома, классификаторларини тузиш, суғурта шартномаси ва полисларини юритиш, қайта суғурталаш шартномаларини юритиш, шартномаларнинг асосий кўрсаткичларини киритиш ёки ҳисоб-китоб қилиш, барча шартномалар бўйича ҳисоб-китобларни автоматлаштириш функцияларини таркиб топтириш ва бухгалтерлик, суғурта ҳамда қайта суғурталаш блоклари ўртасида икки томонлама ахборот айирбошлаш тизимлари мавжудлигини эътиборга олади. Суғурта хизматлари истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш соҳасида айнан замонавий АКТларнинг жорий қилиниши рақобатчилар билан курашда қўшимча устунликларни беради. СРМ-стратегиялари мижозларга хизмат кўрсатиш, савдо ва маркетинг соҳасидаги бизнес жараёнларини автоматлаштириш ҳамда такомиллаштиришга имкон берувчи махсус технологиялар ва дастурий таъминот тўплами ёрдамида амалга оширилади. Бу эса компанияларга хизматлар буюртмачиларига энг мақбул вақт мобайнида, энг қулай алоқа тармоқлари орқали даромад келтирувчи таклифлар киритиш имкониятини яратади. Суғурта компанияларининг интернет-суғурта хизматини йўлга қўйишлари

дастлабки босқичда бўлиб, интернет-порталдан фақат ахборот-реклама сифатида фойдаланилмоқда.

Республикамизда суғурта соҳасида барча фаолиятни қамраб олувчи АКТ ишланмалари кам ва улар асосан, кичик компанияларда жорий қилинган бўлиб, республикамиздаги мавжуд маҳаллий фирмалар томонидан ишлаб чиқилган суғурта АКТ тизимлари йирик компанияларнинг талабларини қондира олмайди. Шу билан бирга, суғурта компаниялари фаолиятига жорий қилинган ахборот-коммуникация технологиялари суғурта фаолиятини тўла қамраб олиш даражасида эмас, балки фаолиятнинг маълум бир функцияларини амалга оширишга йўналтирилган. Шу билан бирга, суғурта соҳасидаги мавжуд АКТ бозорида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган мукамал маҳсулотлар ҳозирга қадар тақлиф этилмаган. Шунинг учун суғурта компаниялари жуда катта рисклар билан боғлиқ бўлган имконияти чегараланган хусусий эчимларни ишлаб чиққан ҳолда, ахборот тизимларини мустақил ривожлантиришда давом этмоқдалар. Шуларни эътиборга олган ҳолда яқин элажақда ҳорижий маҳсулотларга бўлган талаб ошиб кетишини башорат қилиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, ахборотлашган суғурта фаолияти шароитида эчилаётган функционал масалалар суғурта бозори иштирокчиларининг ахборот алмашувида бўлган иқтисодий манфаатларини уйғунлаштиришга олиб келади.

2-мавзу. Суғурта технологияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

Режа.

1. Суғурта соҳасини тартибга солишга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.
2. Суғурта бозори профессионал иштирокчилари ҳуқуқий мақомининг умумий асослари.
3. Мустақил Ўзбекистонда суғурта бозорининг шаклланиши ва бозорни тартибга солиш бўйича ҳуқуқий асосларнинг яратилиши.

1. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва бозор иқтисодиётини ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳасини, яъни бозор инфратузилмасини такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бозор инфратузилмасининг ажралмас қисми сифатида суғурта соҳаси ҳам иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Бир неча ҳуқуқ соҳалари тўқнашган чегарада мавжуд қонунчиликнинг маълум бир тармоғи ва фан соҳаси сифатида юзага келадиган ҳуқуқ тури - суғурта ҳуқуқи ҳисобланади. Суғурта ҳуқуқи

энг аввало фуқаролик ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқ каби ҳуқуқ тармоқлари билан, шунингдек, иқтисодиёт асослари, суғурта иши, молиявий таҳлил, актуар ҳисоблар каби иқтисодий фан соҳалари билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай экан, суғурта ҳуқуқи қайд этиб ўтилган соҳаларга хос тамойилларга таянган ҳолда иш кўради.

Хусусан, суғурта ташкилоти ва суғурта қилдирувчи, ёки наф олувчи бўлган жисмоний ҳамда юридик шахслар ўртасида суғурта шартномаси тузиш ва уни ижро этишга оид муносабатлар суғурта шартномаси тарафларининг (муносабат иштирокчиларининг) ўзаро тенглиги тамойилига асосланади. Шу сабабли, бу турдаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш пайтида томонларнинг тенглиги, ҳуқуқий муносабатлар юз беришининг ихтиёрийлиги каби фуқаровий ҳуқуқий тамойиллар узага чиқади. Суғурта ташкилоти ҳамда суғурта фаолияти устидан назорат олиб борувчи давлат органи ўртасидаги муносабатлар эса моҳиятан маъмурий бошқарув муносабатлари ҳисобланади ва улар ўртасидаги муносабатлар ўзаро бўйсунуш тамойилига асосланади. Суғурта ташкилоти ихтиёридаги молиявий маблағлар юзасидан давлат бюджети билан бўладиган муносабатлар молиявий-ҳуқуқий муносабатлар бўлганлиги учун, молия ҳуқуқига хос бўлган тамойиллар юзага чиқади.

Демак, суғурта ҳуқуқи - бу маълум юридик манбаларда (қонун, фармон, қарор ва ҳ.к.) намоён бўлувчи, суғурта фаолиятини амалга ошириш жараёнида иштирок этувчи субъектлар (суғурта қилдирувчи, наф олувчи, суғурталанган шахс, суғурта бозори профессионал иштирокчилари ва махсус ваколатли давлат органи) ўртасида юзага келадиган барча ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий институтдир.

Суғурта ҳуқуқи суғурта ҳуқуқи нормаларидан (лотинча “норма” - койда, намуна маъноларини англатади) иборат бўлган бир бутун тизимни ташкил этади.

Суғурта ҳуқуқи нормаларини моҳияти, мазмуни ва хусусиятига кўра куйидаги турларга ажратиш мумкин:

-мажбурият юқловчи. Масалан, тўловларни кафолатлаш жамғармасининг молиявий фаолияти ҳар йили аудиторлик текширувидан ўтказилиши шарт (“Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги” Қонуннинг 31- моддаси).

- ваколат берувчи. Масалан, махсус ваколатли давлат органи суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишини, тўловга қобилиятлиликнинг белгиланган нормативлари ва молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари бажарилишини назорат қилади (Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддаси);

- таъқиқловчи. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларини интеллектуал мулкка қўйилмалар (дастурий таъминот, маълумотлар базаси, адабиёт, фирма номлари ва товар белгиларини харид қилиш бундан мустасно)га жойлаштириш тақиқланади (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.2008 йилда 1806-сон билан рўйхатга олинган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги” Низомнинг 23-банди).

Юқоридагилар асосида, суғурта ҳуқуқининг предметига қўйидагича таъриф бериш мумкин: “Суғурта фаолиятини амалга ошириш жараёнида суғурта қилдирувчи, наф олувчи, суғурталанган шахс ва суғурта бозори профессионал иштирокчилари ҳамда суғурта бозори профессионал иштирокчилари ва суғурта фаолияти устидан назорат олиб боровчи ваколатли давлат органи ўртасида юзага келадиган барча суғуртаий муносабатлар - суғурта ҳуқуқининг предметиدير”.

Шу ўринда “суғурта фаолияти ўзи нима?” деган табиий савол туғилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни 3-моддасига кўра суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади.

Суғурта ҳуқуқи тизими

Суғурта ҳуқуқи тизими - бу ички яхлитлиги ва ўзаро мувофиқлиги билан ажралиб турадиган турли-туман, лекин ўзаро мустаҳкам алоқада бўлган, ҳамда суғурта ҳуқуқига оид муносабатларни тартибга солувчи ва суғурта ҳуқуқига оид ҳуқуқий нормалар мужассамлашган суғурта ҳуқуқи институтлари йиғиндисиدير.

Суғурта ҳуқуқи тизими таркибидаги маълум муносабатларни тартибга солувчи суғурта ҳуқуқига оид ҳуқуқий нормалар мажмуасини суғурта ҳуқуқи институти деб аташ мумкин. Мисол учун, суғурта ташкилотлари ва суғурта брокерларини лицензиялаш тартиби институти, тиббий суғуртанинг ҳуқуқий асослари институти ва ҳ.к.

Суғурта ҳуқуқида халқаро ҳуқуқ тизимлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Суғурта ҳуқуқининг манбалари

Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий манбалар шартли равишда б (олти) поғонали тизимдан иборат дейиш мумкин. Булар,

1. Ўзбекистон Республикаси кодекслари;
2. Суғурта фаолиятига оид махсус қонунлар;

3. Ҳукуматнинг махсус ҳуқуқий ҳужжатлари;
 4. Вазирлик ва кўмиталарнинг махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;
 5. Ўзбекистон Республикасининг суғурта борасидаги халқаро шартномалари;
 6. Суғурта ташкилотларининг ички ҳужжатлари;
- Биринчи поғонани Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Солиқ кодекслари ташкил этади.

Суғурта муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 йилдаги 257-И-сонли қарорига мувофиқ 1997 йилнинг 1 мартдан кучга киритилган) кўплаб нормалари ва боблари билан тартибга солинади⁶. Ушбу Кодекснинг 52-боби тўғридан-тўғри суғурта шартномасининг ҳуқуқий асосларини белгилайди ва суғурта муносабатларининг фуқаровий қисмига бағишланган. 52-боб ўз ичига 914-961-моддаларни олади.

Шунингдек, Фуқаролик Кодексининг Биринчи қисм 3-боб “Фуқаролар (жисмоний шахслар)” (16-38 моддалар), 4-боб “Юридик шахслар” (39-80 моддалар), 9-боб “Битимлар” (101-128 моддалар), 10-боб “Вакиллик ва ишончнома” (129-144 моддалар), 11-боб “Муддатларни ҳисоблаш” (145-148 моддалар), 12-боб “Даъво муддати” (149-163 моддалар), 20- боб “Мажбурият тушунчаси ва тарафлари” (234-352 моддалар), 26-боб “Шартнома тушунчаси ва шартлари” (353-385 моддалар) ҳамда иккинчи қисм 48-боби “Воситачилик” (832-848 моддалар), 57-боб “Зарар этказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар” (985-1022 моддалар) ва ҳоказолар билан ҳам суғуртага оид муносабатлар тартибга солинади.

Суғурта муносабатларига оид нормалар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2007 йилдаги 136- ЎРҚ-сонли қонуни билан тасдиқланган) ҳам учрайди. Хусусан, солиқ кодексининг махсус қисм 5-бўлим 23-боби айнан “Суғурта ташкилотларининг даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланади ва 150-151-моддалар бу ҳолатларга бағишлангандир.

Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи махсус қонун бўлиб “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун саналади. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 05.04.2002 йилдаги 359-ИИ-сонли қарорига мувофиқ амалга киритилган. Қонун 29-моддадан иборат.

Мазкур қонун асосан суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати, давлат назорати ва суғурта ишини ташкил этиш билан боғлиқ нормалардан иборат.

⁶ O‘zbekiston respublikasining fuqarolik kodeksi Toshkent "Adolat" 2011

Ҳукуматнинг махсус меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини киритиш мумкин. Мисол тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2007 йилдаги №ПҚ-618-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янанда ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини келтириш мумкин.

Вазирлик ва кўмиталарнинг махсус меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг асосий қисмини суғурта назорати функциясини амалга оширувчи махсус ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади. Булар сирасига “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 12.05.2008 йилда №1806-сон билан рўйхатга олинган), “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисида Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 15.12.2008 йилда № 1882- сон билан рўйхатга олинган) ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг суғурта борасидаги халқаро шартномаларига ҳозирда бирон-бир мисол келтириш қийин. Лекин, бу турдаги ҳужжатлар суғурта ҳуқуқининг манбаи эканлигига “Суғурта фаолияти тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддаси далилдир.

Ниҳоят сўнги поғанада суғурта ташкилотларининг ички ҳужжатлари жойлашган. Буларга, суғурта ташкилоти ваколатли органи ва шахслари томонидан тасдиқланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳамда суғурта турларига оид намунавий суғурта шартномаларини киритиш мумкин.

Суғуртага оид ҳуқуқий муносабат тушунчаси

Суғурта бозори профессионал иштирокчилари ва махсус ваколатли давлат органи ўртасида вужудга келадиган, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари намоён бўладиган ва суғурта ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар - суғуртага оид ҳуқуқий муносабатлардир.

Суғуртага оид ҳуқуқий муносабатлар бир хил эмас. Шу сабабли, уларни 2 та гуруҳга ажратиш ўринли:

1. Тўғридан-тўғри суғурта муносабатлари. Бу каби муносабатларга мисол сифатида суғурта компанияси ва суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган суғурта шартномасини келтириш мумкин. Бу гуруҳ муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солиниб борилади. Чунки бу муносабатлар суғурта шартномалари ёки маълум суғурта турлари бўйича қабул қилинган қонунлар асосида юзага келади.

2. Суғурта фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлар. Бунга суғурта компаниялари, қайта суғурта компаниялари, ўзаро суғурталаш жамиятлари, суғурта брокерлари, суғурта агентлари, актуарий ва аджастерлар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ

муносабатлар киради. Бу каби муносабатларда маъмурий ҳуқуқ белгилари мавжуддир.

Суғуртага оид ҳуқуқий муносабат объекти

Суғуртага оид ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳаракати тўғридан-тўғри қаратилган нарса суғуртага оид ҳуқуқий муносабатнинг объектидир.

Масалан, тузилган суғурта шартномасига асосан, суғурта қилдирувчи суғурта хизматидан фойдаланишга ҳақли ва ўз ўрнида суғурта ташкилотига тегишли суғурта мукофотини тўлашга мажбур. Суғурта ташкилоти эса суғурта қилдирувчидан суғурта мукофотини олишга ҳақли ва суғурта шартномаси талабларидан келиб чиққан ҳолда суғурта хизматини кўрсатиш мажбуриятини олади. Демак, кўрсатилаётган ва қабул қилиб олинаётган суғурта хизмати мазкур муносабатнинг объекти саналади.

Суғуртага оид ҳуқуқий муносабат субъектлари

Суғуртага оид ҳуқуқий муносабатларда қатнашиб, ўз субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга ошира оладиган, онгли ва иродавий ҳатти-ҳаракатлар содир этишга қодир шахслар бу муносабатларнинг субъекти саналадилар.

Суғуртага оид ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларини умумий тарзда қуйидагиларга ажратишимиз мумкин:

1. Жисмоний шахслар. Буларга ҳар бир давлатнинг фуқаролари, бошқа давлат фуқаролари (ажнабийлар) ва фуқаролиги бўлмаган шахслар киради.

2. Юридик шахслар. Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотлар ва муассасалар юридик шахс ҳисобланади. Қандай юридик шахс ўз мустақил баланси ёки сметасига эга бўлиши керак. Юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 40-моддасига кўра 2 та турга ажратилади. Булар фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган - тижоратчи ташкилотлар ва фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган - тижоратчи бўлмаган ташкилотлардир. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахсларга мисол тариқасида хўжалик ширкати ва жамиятлари ҳисобланган акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятларни ҳамда унитар корхоналарни, тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахслар жамоат бирлашмалари ва фондларни киритиш мумкин.

3. Давлат суғурта муносабатлари субъектлари ўзларининг суғурта соҳасидаги субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бемалол амалга оширишлари учун зарур ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим.

Юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина унинг муомала лаёқати юзага келади.

Суғуртага оид ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи махсус номланган субъектлар қуйидагилардир:

1. Суғурта қилдирувчи.
2. Суғурта ташкилоти.
3. Суғурталанган шахс.
4. Наф олувчи.
5. Аджастер.
6. Сюрвеер.
7. Ассистанс.
8. Актуарий.
9. Суғурта брокери.
10. Қайта суғурта брокери.
11. Суғурта агенти.
12. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги.

Суғуртага оид ҳуқуқий муносабатларни ташкил этиш технологиялари

Юқорида баён этилганидек, суғуртага оид ҳуқуқий муносабатнинг учинчи таркибий элементи - бу унинг мазмуни саналади.

Ўзаро ҳуқуқий муносабатга киришган суғуртага оид ҳуқуқий муносабат субъектларининг ушбу муносабатга киришишлари оқибатида эга бўлган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳажми ҳамда ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш бўйича аниқ ҳаракатлар суғуртага оид ҳуқуқий муносабат мазмунини ташкил этади.

Масалан, аджастерлик хизмати бўйича ҳуқуқий муносабатнинг мазмунини аджастернинг суғурта ташкилотига улар ўртасида тузилган шартнома доирасида хизмат кўрсатиши ва бунинг эвазига ҳақ олишини келтириш мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, суғуртага оид ҳуқуқий муносабатнинг мазмуни суғуртага оид ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасида тузилган суғурта соҳасидаги фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларнинг мазмунига мос келади.

Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг -амалдаги қонучилик ҳужжатлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисидаги” қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618 -сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-табирлари тўғрисида” ги Қарори ва бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва уларда тасдиқланган Низомлар, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2003 йил 01 февралда 1213-сон билан рўйхатга олинган “Суғурта агентлари тўғрисидаги” Низом, “Актуар малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги” Низом, Ўзбекистон

Республикаси Молия Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган адж астер, актуар, сюрвеер ва ассистанс хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар ҳамда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг таъсис ва локал ҳужжатларида белгилаб берилган.

Суғурта ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 6-моддасида суғурталовчига қуйидагича таъриф берилади:

“Тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга, бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс суғурталовчи деб эътироф этилади”.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 925- моддасига кўра, тижорат ташкилотлари ҳисобланган ва тегишли турдаги суғуртани амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахслар, агар қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, суғурталовчилар сифатида суғурта шартномаларини тузиши мумкин.

Суғурталовчилар суғуртани амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Амалдаги қонун ҳужжатларига асосан суғурталовчиниринг ҳуқуқларига қуйидагилар киради:

- қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари тузиш;

- ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайта суғурта қилиш;

- махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

- қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш. Бунда мазкур фаолият турини амалга ошириш учун суғурталовчининг лицензия олиши талаб қилинмайди;

- суғурта (қайта суғурта қилиш) соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни, шунингдек суғурта агенти сифатида суғурта воситачилигини амалга ошириш;

- суғурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирларини махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда молиялаштириш;

- суғурталовчи томонидан амалга ошириладиган суғурта турларига доир қоидаларни (шартларни) қонун-ҳужжатларига мувофиқ белгилаш;

- суғурта товони миқдорини белгилаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва ҳужжатлами ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

- суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари билан тегишли

шартномалар тузиш;

- суғурта товони тўлашни қонун ҳужжатларида ва (ёки) суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда рад этиш, суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш;

- суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ахборотни текширишни, суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси талаблари ва шартларини бажариши устидан назоратни суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган тартибда амалга ошириш;

- чет эл суғурталовчиларига сюрвеер ва аджастер хизматлари кўрсатиш;

- илгари суғурталовчи томонидан ўз эҳтиёжлари учун олинган ёки суғурта шартномасини амалга ошириш натижасида унинг ихтиёрига ўтган мол-мулкни реализация қилиш ёки ижарага бериш;

- Ўзбекистон Республикасининг рейтинг ташкилотлари ва чет эл рейтинг ташкилотлари рейтингларини олиш;

- ўзининг алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурталовчининг мажбуриятлари эса қуйидагилардир:

- суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

- суғурта фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг маҳфийлигини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ таъминлаши;

- ўзи ваколат берган суғурта агентларининг реестрини юритиши;

- қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига биноан тақдим этиши;

- суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, қонун ҳужжатларида ёки суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириши ва суғурта товони тўлаши;

- фирманинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган эри ўзгарган тақдирда, бу ҳақдаги ахборотни суғурта қилдирувчиларга ушбу Қонунда белгиланган тартибда этказиши;

- суғурта заҳираларини махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда шакллантириши ҳамда жойлаштириши;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши;

- махсус ваколатли давлат органи белгилаган тартибда бир йилда камида бир марта актуарийни (актуар ташкилотни) актуар хизматлар кўрсатиш учун жалб этиши;

- махсус ваколатли давлат органи белгилаган шаклда, тартибда ва муддатларда йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиши;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиши шарт.

Суғурталовчининг зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида суғурта ташкилотларига қуйидагича ҳуқуқий меъёрлар ва талаблар белгиланган:

1. Суғурталовчи устав фондининг камида тўқсон фоизи муассисларнинг (иштирокчиларнинг) пул маблағларидан шакллантирилади. Суғурталовчининг устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

2. Суғурталовчининг фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган манзили ўзгарган тақдирда суғурталовчи бу ҳақда суғурта қилдирувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали, ўз ижросидаги бир йилдан ортиқ муддатли суғурта шартномалари бўйича эса ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

3. Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас (умумий суғурта соҳасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган айрим турлари (класслари) бундан мустасно) ва ўз ўрнида умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

4. Суғурталовчининг лицензияси амал қилишининг тўхтатиб турилиши унинг янги суғурта шартномалари тузиши тақиқланишига, шу жумладан амалдаги суғурта шартномалари узайтирилишининг тақиқланишига сабаб бўлади.

5. Суғурталовчиларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш махсус ваколатли давлат органининг рухсатномаси билан амалга оширилиши мумкин.

6. Суғурталовчи ўзининг муассислари (иштирокчилари) ёки суғурталовчининг таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган бошқарув органи қарорига биноан тугатилаётганда махсус ваколатли давлат органининг рухсатномаси талаб қилинади.

7. Қабул қилинган суғурта мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун суғурталовчилар ҳам сўмда, ҳам чет эл валютасида тўланган суғурта мукофотларидан махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда суғурта заҳираларини шакллантиришлари ва жойлаштиришлари керак. Суғурталовчининг суғурта заҳираларига мос келувчи активлари олиб қўйилиши мумкин эмас.

8. Суғурталовчилар айрим таваккалчиликлар бўйича йўл

қўйиладиган энг кўп миқдордан ва мажбуриятлар жамининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдоридан ортиқ мажбуриятларни ўз зиммаларига олишлари мумкин эмас (уларнинг бу мажбуриятларни бажариш қобилияти тўловга қобилиятлилик нормативларига ва молиявий барқарорликнинг бошқа талабларига мувофиқ қайта суғурта қилинган ҳоллар бундан мустаснодир).

9. Суғурталовчилар, суғурта брокерлари ва қайта суғурта брокерлари махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритадилар.

Суғурта воситачилари фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Юқорида таъкидланганидек, суғурта брокери, қайта суғурта брокери ва суғурта агенти суғурта воситачилари ҳисобланадилар.

Суғурта ва қайта суғурта брокери. Суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс суғурта брокери ҳисобланади.

Ўз номидан ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи тариқасида иштирок этувчи суғурталовчининг топшириғига биноан қайта суғурта қилиш шартномаси тузилишини ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахс қайта суғурта брокеридир.

Қайта суғурта брокери фаолиятини истисно этган ҳолда суғурта брокерининг фаолияти суғурта соҳасидаги бошқа фаолият турлари билан қўшиб олиб борилиши мумкин эмас.

Суғурта брокери (қайта суғурта брокери) ўзи билан суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатади.

Суғурта брокери (қайта суғурта брокери) хизматларига ҳақ тўлаш воситачилик тақдирлаш пули шаклида амалга оширилади, унинг миқдори эса суғурта брокери (қайта суғурта брокери) ва суғурта қилдирувчи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари суғурта турлари бўйича тушунтириш ишлари олиб борадилар, суғурталовчилар томонидан таклиф этилган дастурлар ва суғурталаш (қайта суғурталаш) шартларини уларнинг самарадорлиги юзасидан текширадилар ва улардан энг мақбул вариантни танлаб оладилар.

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз ваколатлари доирасида суғурталаш (қайта суғурталаш)нинг ҳар қандай тури бўйича воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

- суғурталовчидан лицензия мавжудлиги, устав фонди миқдорлари, суғурта заҳиралари ва қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек унинг тўловга қодирлиги ва молиявий барқарорлигининг бошқа кўрсаткичларини олиш;

- эксперт ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

- суғурта брокери (қайта суғурта брокери) ва суғурта қилдирувчи

ой'тасида тузиладиган шартномада белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари қуйидагиларга мажбур:

- суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш;
- мижозларнинг сўровлари бўйича суғурта шартномаси тузиш ва бажариш бўйича тўлиқ, ишончли ва холисона ахборотни тақдим этиш;
- мижознинг тижорат сири ва бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларни ошкор қилмаслик;
- суғурта битимлари ва операцияларини тузишда мустақиллик ва бетарафликка риоя қилиш;

қонун ҳужжатлари ва суғурта брокери (қайта суғурта брокери) ва суғурта қилдирувчи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бажариш.

Суғурта агенти. Суғурталовчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс суғурта агенти ҳисобланади.

Суғурталовчининг бошқарув органлари раҳбарлари суғурта агенти бўла олмайдилар.

Суғурта агенти ўз фаолиятини суғурталовчилар билан тузилган топшириқ шартномалари (агент битимлари) асосида амалга оширади.

Суғурта агенти фақат ўзи билан топшириқ шартномаси (агент битими) тузган суғурталовчи реестрига киритилганидан кейин ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин. Суғурта агентлари хизматларига ҳақ тўлаш суғурта агенти билан тузилган суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотлари (тўловлар)дан воситачилик тақдирлаш пули шаклида амалга оширилади.

Суғурта агенти фаолиятида қуйидагилар таъқиқланади:

- суғурта агентининг тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлмаган суғурталовчилар номидан суғурта шартномалари тузиш;

- агар Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномаларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта бўйича суғурта агентининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган чет эл суғурта ташкилотлари номидан суғурта шартномалари тузиш билан боғлиқ бўлган воситачилик фаолиятини олиб бориш;

-суғурта агенти - жисмоний шахс ўз номига, тўловлар нақд пуллар билан амалга оширилганида эса яқин қариндошлари (отаси, онаси, хотини, эри, ўғли, қизи, опа-сингиллари ва ака-укалари) номига суғурта шартномалари бўйича ҳужжатлар ёзиш, шунингдек ўз фойдасига суғурта шартномалари тузиш ва бунда мазкур суғурта шартномаси бўйича суғурта агенти сифатида иш кўриш.

Суғурта агенти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчи томонидан берилган ваколатлар доирасида суғуртанинг ҳар қандай тури, шу жумладан мажбурий суғурта турлари

бўйича воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

суғуртага қабул қилинаётган суғурта таваккалчилигини баҳолашда, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта тўловини тўлашда ва суғурта қилдирувчининг суғурта мукофотини тўлиқ ҳажмда ҳамда суғурта шартномасида белгиланган муддатларда тўлашида зарур кўмак кўрсатиш;

суғурталовчидан лицензиянинг мавжудлиги, устав фонди миқдорлари, суғурта заҳиралари ҳамда қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисида, шунингдек суғурталовчининг тўловга қобилиятлилиги ва молиявий барқарорлигига доир бошқа кўрсаткичлар тўғрисида маълумотлар олиш;

-суғурта шартномаси (суғурта полиси) тузиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш;

- суғурта қилдирувчидан қабул қилиб олинаётган таваккалчиликлар тўғрисида суғурталовчига тўлиқроқ ахборот бериш мақсадида барча учун очиқ бўлган манбалардан таваккалчилик ва суғурта қилдирувчи тўғрисида суғурта қилдирувчининг шахсий ҳаётига аралашмаган ҳолда маълумотлар тўплаш.

3. Ҳар қандай соҳани тартибга солиш давлат томонидан қабул қилинадиган қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бундай ҳужжатларнинг амал қилиши соҳани тартибга солиш ва соғлом рақобатни таъминлаш билан бирга мазкур фаолиятнинг ривожланишига ҳам шарт-шароит яратиб беради.

Тижоратга асосланган суғурта фаолияти Ўзбекистонда асосан мустақиллик йилларида шаклланди ва ривожланди, унинг ҳуқуқий асослари яратилди ва такомиллаштирилди. 1993 йил 6 майда мамлакат тарихида биринчи марта “Суғурта тўғрисида” қонун қабул қилинди. Ушбу қонун асосида алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлган турли мулк шаклидаги суғурта ташкилотлари ташкил этилди. 1994 йилда Президент фармони асосида ташкил этилган ва 1997 йилда “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси сифатида қайта ташкил этилган давлат мулкига асосланган суғурта компаниянинг ташкил этилиши, 1995 йилда тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурталашга ихтисослашган “Мадад” суғурта агентлиги, 1997 йилда ГОССТРАХ ташкилотининг негизида ташкил этилган “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” давлат акционерлик суғурта компанияларининг ташкил этилиши ва бошқа бир қанча хусусий мулк шаклидаги суғурта компанияларининг ташкил этилиши мамлакатда суғурта бозорининг шаклланиши ва ўзаро рақобатнинг юзага келишига шароит яратди ва суғурта хизматлари бирмунча ривожлана бошлади. 2002 йилга келиб мамлакатда суғурта соҳаси бирмунча ривожланиш даражасига эришди ва амалдаги “Суғурта тўғрисида” ги қонунни қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда амалдаги суғурта тўғрисидаги қонун янги таҳрирда қайта ишланиб, 2002 йилнинг 5 апрелида “Суғурта фаолияти тўғрисида” деб номланган янги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга киритилган энг муҳим ўзгаришлар сифатида суғурта бозорининг

профессионал иштирокчилари бўлган актуарий, сюрвеер, аджастер, ассистанс каби иштирокчиларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

1-жадвал

Ўзбекистон суғурта компаниялари учун белгиланган устав капиталлари минимал миқдорларининг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси⁷

Минг АҚШ доллари миқдорида (2012 йилдан минг Евро, 2018 йилдан млн. сўм)

Суғурта фаолиятининг турлари	Йиллар				
	2003	2008	2012	2014	2018
Умумий суғурта	150	750	1125	1500	7500
Ҳаёт суғуртаси	250	1000	1500	2000	10000
Мажбурий суғурта	500	1500	2250	3000	15000
Қайта суғурта (агар фаолият мазмуни фақат қайта суғурталаш бўлса)	2000	4000	5000	6000	30000
Суғурта фаолиятининг турлари	2020 йил 1 июлдан		2022 йил 1 июлдан		
Умумий суғурта ёки ҳаётни суғурта қилиш тармоғида ихтиёрий суғурта	15000		20000		
Умумий суғурта ёки ҳаётни суғурта қилиш тармоғида мажбурий суғурта	25000		35000		
Фақат қайта суғурта	35000		45000		

2002 йил 27 ноябрда Вазирлар маҳкамаси томонидан қабул қилинган 413-сонли “Суғурта бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилинди. Юқорида келтириб ўтилган қонун ва мазкур қарор суғурта соҳасида туб бурилиш ясади. Ушбу қарорга асосан 2003 йилдан бошлаб суғурта компаниялари лицензияланадиган бўлди ва лицензия беришнинг асосий талаби сифатида устав капиталларининг энг кам миқдорлари белгиланди. Ушбу минимал миқдорлар йиллар давомида босқичма-босқич ошириб борилмоқда.

Ўзбекистонда суғурталовчиларнинг фаолияти бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади ва назорат қилинади. Ушбу қонун ҳужжатларини биз икки қисмга бўлиб ўрганишимиз мумкин. Биринчи қисм суғурта соҳасини тартибга солувчи умумий қонунлар ва иккинчи қисм мазкур фаолиятни тартибга солувчи махсус қонунчилик ҳужжатларидан иборат.

⁷ Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарори, Президентнинг 2007 йил 10 апрелдаги 618-сон қарори.

Суғурта соҳасини тартибга солувчи махсус қонун ва қонуности ҳужжатлари сифатида 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси ва унинг "Суғурта" деб номланган 52-боби, 2008 йил 22 апрелда амалга киритилган "Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низом", 2009 йил 3 июлда амалга киритилган "Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолият тўғрисида Низом" ва 2008 йил 20 ноябрда амалга киритилган "Суғурталовчиларнинг суғурта заҳиралари тўғрисида Низом" ва бошқа бир қанча қонуности ҳужжатлари амал қилиб келмоқда.

2008 йил 20 ноябрда амалга киритилган "Суғурталовчиларнинг суғурта заҳиралари тўғрисида Низом" га кўра суғурта заҳиралари суғурталовчи томонидан суғуртанинг ҳар бир тури (класси) бўйича суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш назарда тутилган валютада шакллантирилади. Суғурталовчи бухгалтерия ҳисоботини тузишда ҳисобот санасига суғурта фаолиятини амалга оширишдан олинган молиявий натижаларини аниқлашда суғурта заҳиралари ҳажмини ҳисоблайди. Суғурта заҳиралари ҳисоб-китоби суғурталовчининг ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Мазкур низомга кўра суғурталовчи ўзининг балансида мажбурият ёки активлар сифатида ҳисобга олинувчи қуйидаги техник заҳираларни шакллантириши шарт:

а) ишлаб топилмаган мукофот заҳираси (умумий суғурта (қайта суғурта қилиш) бўйича фаолиятни амалга оширишда);

б) мукофотлар заҳираси (ҳаётни суғурта қилиш бўйича фаолиятни амалга оширишда);

в) транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш заҳираси (мазкур мажбурий суғурта турини амалга ошираётган суғурталовчилар учун);

г) иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолиятни амалга оширишда (мазкур мажбурий суғурта турини амалга ошираётган суғурталовчилар учун);

д) суғурта ҳодисасининг юз бериши билан келиб чиқувчи ҳамда суғурта шартномаси шартлари бўйича қопланиши лозим бўлган зарар ҳажмига мувофиқ ҳолда аниқланадиган ва қуйидагилардан таркиб топган зарарлар заҳираси:

- хабар қилинган, лекин баргараф этилмаган зарарлар заҳираси;

- содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар заҳираси.

Суғурталовчи кўшимча равишда огоҳлантириш чора-тадбирлари заҳирасини, фалокатлар заҳирасини, зарарлиликнинг тебраниши заҳирасини, активларнинг номувофиқлиги заҳирасини ва бошқа шу турдаги заҳираларни ташкил этиши мумкин.

Мазкур низомда юқорида келтирилган заҳираларни ҳисоблаш усуллари ҳам белгилаб берилган.

Низомда “ажратилган активлар” тушунчасига таъриф берилган бўлиб, ажратилган активлар – суғурталовчининг суғурта заҳиралари суммасига мувофиқ келувчи активларидир дея тушунча берилади. Ушбу низомга кўра суғурталовчи суғурта заҳиралари маблағлари қийматига эквивалент бўлган суммадаги активларни ажратиши шарт эканлиги, ажратилган активларнинг умумий қиймати суғурта заҳиралари маблағларининг жами миқдоридан кам бўлмаслиги лозимлиги, ажратилган активлар қиймати суғурта заҳиралари суммасидан кам бўлган ҳолатда, суғурталовчи ажратилган активлар қийматини суғурта заҳиралари суммасидан кам бўлмаган қийматга ошириш ва суғурта заҳиралари ҳажмининг 105 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда кўпайтириш учун этарли миқдордаги қўшимча активларни ажратиши шарт.

Мазкур низомда ажратилган активларнинг 70% дан кам бўлмаган қисми қуйидагилардан (ёки уларнинг баъзиларидан) таркиб топиши лозимлиги белгилаб қўйилган:

-Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари;

-банк омонатлари (депозитлар);

-кассадаги ва/ёки ҳисоб (валюта) рақамлардаги ва ўзга банк рақамларидаги пул маблағлари, шунингдек уларга тенглаштирилган маблағлар;

-хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозлари (Давсуғуртаназорат билан келишган ҳолда);

-Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқариш ва муомалага киритишга рухсат берилган, ёки тегишли ваколатли орган томонидан берилган рухсат берувчи лицензияга эга бўлган хорижий эмитентлар томонидан чиқарилган ҳамда қимматли қоғозлар бозорида муомалага қўйилган қимматли қоғозлардан ташкил топган бўлиши белгилаб қўйилган.

2008 йил 22 апрелда қабул қилинган ”Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низом”нинг ИВ-бўлимида суғурталовчилар активларини жойлаштиришга оид талаблар белгиланган бўлиб, бундай талаблар сифатида суғурталовчининг бошқа юридик шахсларнинг устав капиталларига жойлаштирадиган активларига нисбатан чегаралар, суғурталовчининг ҳар қандай битта юридик шахснинг устав капиталидаги улушига нисбатан чегара, суғурталовчи активларини кўчмас мулк объектларига жойлаштириш бўйича чегара, кредит ташкилотларига жойлаштириладиган маблағлар бўйича чегаралар белгиланган бўлиб, бундан ташқари суғурталовчи активларини йўналтириш таъқиқланган соҳалар ҳам белгиланган.

Мазкур низомда қарз бериш масаласи ҳам кўзда тутилган бўлиб, унга кўра суғурталовчи ўз таъсисчилари, акциядорлари ва ходимларига, шунингдек у билан ҳаёт суғуртаси шартномасини тузган суғурталовувчиларга ушбу шартномалар билан кафолатланган қарзлар беришга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу низом асосида суғурталовчининг маблағларни жойлаштириш фаолиятига этарли даражада кўп чегаралар ва чекловлар белгиланган бўлиб,

бундан мақсад жойлаштирилаётган маблағларнинг диверсификациясини, кайтишлигини, фойдалилигини ҳамда ликвидлигини таъминлашдан иборат.

Давлат суғурта назорати суғурта фаолиятини тартибга солишнинг муҳим унсури ҳисобланади. Ўзбекистонда суғурта назорати Вазирлар маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сонли қарорига асосан Молия вазирлиги зиммасига юклатилган бўлиб, ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида молия вазирлиги қошида суғурта назорати давлат инспекцияси ташкил этилган.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг давлат назорати зарурлиги бир қатор омилларнинг таъсири билан боғлиқ бўлиб, бизнинг фикримизча ушбу омилларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- суғурта тармоғи, бир томондан давлат молия тизими институтларининг, иккинчи томондан, мулкчиликни ҳимоя қилиш институтларининг бир қисми сифатида алоҳида вазифаларни бажаради. Суғурта тармоғи бир қатор ўта муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал этади, унинг маҳсулоти эса қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- суғурта полиси сотилаётган пайтда суғурта хизмати сифатини баҳолашнинг имконсизлиги, қийматининг ноаниқлиги, давлат томонидан тартибга солишнинг алоҳида воситалардан фойдаланишни талаб қилувчи суғурта мажбуриятларини таъминлашнинг катта қалтисликка эга эканлиги;

- суғурта қилдирувчилар мулкни ҳимоялаш омили. У айниқса иқтисодий жараёнларнинг беқарор ривожланиши билан кузатиладиган бозор иқтисодиёти шароитида муҳим рол ўйнайди;

- суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш зарурлигининг яна бир омили суғурта компанияси суғурта қилдирувчи олдидаги ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолларда суғурта компанияларининг тўловга қодир эмаслиги ёки молиявий беқарорлигининг умуман иқтисодиёт учун катта, баъзан эса фожеали оқибатлари билан боғлиқдир;

- аҳолини таъсир доирасидан фойдаланиб, яъни иш жойи раҳбарлари буйруғи, боғча, мактаб мутасаддиларини мажбурий суғурта қилдиришлари амалиётлари кузатилади. Бундай шароитда давлат назоратининг муҳим функцияларидан бири ушбу амалиётнинг олдини олишдан иборат.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат суғурта тизимини ривожлантириш учун бутун имкониятларни ишга солади, суғурта тизимининг ривожланишига ёрдам берувчи ҳуқуқий асосларни яратади, суғурта компанияларини ташкил этиш учун молиявий манбаларни қидириб топади ва ушбу компанияларга лицензия бериш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27 ноябр 2002 йилда қабул қилинган 413 сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори⁸ асосида суғурта классификатори қабул қилиниб, бу классификатор бўйича суғурта қуйидаги икки тармоққа бўлинди:

⁸ Norma-hamkor qonunchilik bazaci

I. Ҳаёт суғуртаси тармоғи.

Бу тармоқ қуйидаги классларни ўз ичига олади:

1. Ҳаёт ва аннуитетлар.
2. Никоҳ ва тугилиш.
3. Ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш.
4. Соғлиқни суғурта қилиш.

II. Умумий суғурта тармоғи.

Бу суғурта тармоғи қуйидаги класслардан ташкил топган:

1. Бахқиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш.
2. Касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш.
3. Эр усти транспорт воситаларини суғурта қилиш.
4. Ҳаракатланадиган темир йўл таркибини суғурта қилиш.
5. Авиация суғуртаси.
6. Денгиз суғуртаси.
7. Йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш.
8. Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш.
9. Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш
10. Автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш.
11. Авиация суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш.
12. Денгиз суғуртаси доирасида жавобгарликни суғурта қилиш.
13. Умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш.
14. Кредитларни суғурта қилиш.
15. Кафилликни (кафолатлами) суғурта қилиш.
16. Бошқа молиявий таваккалчиликлардан суғурта қилиш.
17. Ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаражатларни суғурта қилиш.

Суғурта компаниялари ва суғурта брокерлари ушбу классификатор асосида лицензияланади.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бири суғурта компанияларини лицензиялашдир. Вазирлар маҳкамасининг йқорида келтирилган қарори асосида суғурта фаолияти лицензияланадиган бўлди ва ушбу қарор асосида лицензия талаблари белгиланди.

Суғурта компанияларига фаолият кўрсатиш учун рухсат берувчи лицензиялар юқорида келтирилган класслар асосида берилади. Лицензия талаблари сифатида асосан қуйидагилар белгиланган:

- давлат рўйхатидан ўтиш;
- йридик манзилга ва фаолият йритиш учун малакали ходимлар вас харт-шароитларга эга бўлиш;
- давлат томонидан белгиланган минимал устав капиталига эга бўлиш;
- ҳудудий филиалларга эга бўлиш.

Юқоридаги қарорда суғурта компаниялари учун минимал устав капиталлари миқдорлари ҳам белгиланди. Бунда ҳаёт суғуртаси тармоғи

класслари асосида фаолият кўрсатиш учун лицензия олишга талабгор компаниялар учун белгиланган устав капиталнинг минимал миқдорлари умумий суғурта тармоги класслари асосида фаолият кўрсатишга талабгор компаниялар учун белгиланган минимал миқдорлардан бирмунча юқори қилиб белгиланган.

Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг элементларидан бири бозордаги рақобатни сунъий равишда йўқотиш, яъни бошқа қатнашчиларни бу бозорга киришига йўл қўймаслик мақсадида икки ёки ундан ортиқ компанияларнинг ўзаро тил бириктириши ва ўзаро келишувларига йўл қўймасликдан иборатдир. Рақобатнинг носоғлом усул ва воситалари бўлмиш тарифларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, суғурталанувчиларга суғуртанинг маълум бир тури тўғрисида ёки ушбу турини амалга оширувчи ўз рақобатчилари тўғрисида ёлғон маълумотлар бериб уларни аросатга қўйиш мумкин бўлмаган ҳолатлардир. Бундай ҳолатларга нисбатан давлат қонунлар воситасида доимий қарши чоралар кўриб боради.

Суғуртани солиқлар воситасида назорат қилиш ёки маълум имтиёзлар бериш давлат томонидан амалга ошириладиган муҳим воситалардан биридир. Бу борадаги чет эл тажрибасига эътибор қиладиган бўлсак, суғурта бизнесини солиққа тортиш турли мамлакатларда турлича. Масалан Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция ва Японияда суғурта фаолиятини солиққа тортиш бошқа соҳалардан фарқ қилмайди. Бу мамлакатлардаги суғуртачилар бошқа мамлакатларда суғурта фаолиятини юрицалар ушбу фаолият тўғрисида ва тузилган шартномалар тўғрисида маълумотни солиқчиларга тақдим қилишлари керак. “Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти” (ОЕСР) га аъзо мамлакатларда (Чехия ва Полшадан ташқари) ташкилотлар тўлаган суғурта мукофотлари солиқдан чегириб ташланади. Россияда суғурта фаолияти кўшимча қиймат солиғига тортилмайди (суғурта қонунчилигига кўра).

Суғурталовчилар инвестицион фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизими умумий кўринишда услуб, сиёсат, бошқариш даражаси ва тартибга солиш объекти каби қисмлардан ташкил топади.

Иқтисодий адабиётларда суғурталовчилар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг икки хил ёндашувини ажратиб кўрсатадилар:

1) Европача ёндашув, ушбу ёндошув суғурта фаолиятини инвестицион фаолиятни ҳисобга олмаган ҳолда даромадли натижага эришишнинг шарт эканлигини кўзда туттади;

2) Америкача ёндашув, ушбу ёндошувга кўра суғурта фаолияти зарар кўрган ҳолда ҳам фаолият кўрсатиши мумкин, фақат инвестицион фаолиятдан олинган даромад ушбу зарарни қоплаши шарт.

Европа иттифоқи мамлакатларида суғурта компаниясининг инвестицион фаолияти мазкур суғурта ташкилоти инвестицион фаолиятни қайси мамлакатда амалга оширишидан қатъий назар, суғурта компанияси ташкил этилиб рўйхатдан ўтган мамлакат қонунчилиги асосида тартибга

солинади. Тартибга солиш қоидалари ва талаблар Европа иттифоқи мамлакатлари тажрибаларини қўллаган ҳолда умумлаштирилган ва бир хиллаштирилган. Унга кўра суғурта компанияси қанча жавобгарликни олган бўлса, шунча миқдордаги захирага эга бўлиши талаб этилади. Захиралар хажми ва уларни жойлаштириш қоидалари давлат томонидан белгиланади.

Заҳира маблағлари Европа иттифоқининг ҳар қандай мамлакатада жойлаштирилиши мумкин. Европа иттифоқи директивалари асосида бир инвестицион объектга қанча миқдорда инвестиция жойлаштириш бўйича чегаралар белгилаб қўйилган. Барча йўналишлар бўйича аниқ меъёрлар ҳар бир мамлакат томонидан ушбу мамлакат шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Ушбу меъёрлар юқори чегараларни эмас, балки қуйи чегараларни ҳам белгилайди.

Масалан, Италия суғурта қонунчилигида саккизта инвестицион чоҳанинг ҳар бири учун минимал ва максимал чегаралар ҳамда турли вариантлар белгиланган.

Ўзбекистонда амалда қўлланилмаётган ҳосилавий қимматли қоғозлар – опсион, фьючерс ва своп операцияларидан Европа Иттифоқи мамлакатларида, агар улар инвестицион портфелни самарали бошқариш имконини берса ва инвестицион рискларни камайтириш имконини берса, уларни ҳам техник захираларни қопловчи восита сифатида ишлатишга рухсат этилган.

Ушбу мамлакатларда ташкиллаштирилган фонд бозорида олди-сотди объекти ҳисобланмаган қимматли қоғозларни ҳам, агар улар тез сотилувчан ёки Европа иттифоқи мамлакатларида ташкил этилган кредит муассасалари, ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта ташкилотлари, инвестиция ташкилотлари ушбу қимматли қоғозлар эмитентларининг ҳаммуассислари бўлсалар ушбу қимматли қоғозлар ҳам техник захираларни қоплаш мақсадида ишлатилиши мумкин.

Дунё амалиётида қўлланиб келаётган принциплардан бири кафолатлилик принципи бўлиб, бу кўпгина мамлакатларда, шу жумладан бизнинг мамлакатимизда қайтишлилик принципига мос келади. Яъни жойлаштирилган активларнинг тўлиқ ҳолда қайтиши кафолатланган бўлиши керак.

Ликвидлилик принципининг моҳияти шундан иборатки, суғурталовчи ўзи олган жавобгарликлар бўйича доим тайёр туриши, яъни ҳодиса юз берганда белгиланган муддатда кўрилган зарар қоплаб берилиши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда, жойлаштирилган активларнинг маълум қисми тезда пул маблағига айланиш хусусиятига эга бўлиши талаб этилади.

Аралаштириб ва бўлиб-бўлиб жойлаштириш принципи инвестицион фаолиятнинг рисклилик даражасини пасайтириш мақсадида қўлланилади. Ушбу принцип кўпгина мамлакатларда ва хусусан бизнинг мамлакатимизда диверсификация деб аталади. Чет мамлакатларда бу масалага алоҳида эътибор қаратилади ва хусусан, маблағларни бир тармоқ объектларида тўпланиб қолишига умуман йўл қўйилмайди.

Инвестицион маблағларнинг рентабеллиги ва даромадлилиги принципи ҳам ўзига хос принцип бўлиб, албатта бу бўйича аниқ чегаралар белгиланмасада, ушбу масала ҳам эътибордан четда қолмайди. Бу борада эътиборни суғурта ташкилотларининг ўзлари қаратишлари шубҳасиз. Аммо назорат органлари томонидан мазкур масалани эътиборга олган ҳолда тартиб-қоидаларнинг белгиланиши инвестицион фаолиятнинг рентабеллиги ва даромадлилигининг ортишига олиб келади.

3-мавзу. Умумий ва ҳаёт суғуртаси тармоқларида суғурта технологияларини қўллаш.

Режа.

1. Ҳаёт суғурта тармоғида қўлланиладиган суғурта технологиялари.
2. Умумий суғурта тармоғида қўлланиладиган суғурта технологиялари.

1. Ҳаёт суғуртаси ғарб мамлакатлари суғурта бозорида суғурта мукофотларини тўплаш бўйича этакчи ва мустаҳкам ўринларни эгаллаб, ҳар бир меҳнат қобилиятига эга бўлган фуқаронинг ҳаётига кириб борган. Ҳаёт суғуртаси бизнинг мамлакатимизда ҳамдўстлик мамлакатларида бўлгани каби ривожланишнинг қуйи босқичини бошидан кечирмоқда.

Хўш, ҳаёт суғуртаси бу қандай суғурта тури, унинг объекти ва предмети нима ва бошқа суғурта турларидан қандай жиҳатлари билан фарқ қилади? Ҳаёт суғуртаси шахсий суғурта тармоғининг асосини ташкил этиб, мазкур суғурта орқали инсоннинг ҳаёти унинг вафот этишидан, маълум ёшга этишидан, касалликдан, бахциз ходисадан, инсон ҳаётидаги муҳим воқеалар ҳисобланувчи фарзанд туғилиши, никоҳга киришиш ва бошқа ҳолатлар натижасида юзага келадиган моддий манфаатлар томонлар ўртасида ихтиёрийлик асосида тузилган суғурта шартномасида келишилган суғурта суммаси доирасида суғурталовчи томонидан қоплаб берилишидан иборат суғурта фаолиятidir.

Ҳаёт суғуртасининг объекти бўлиб инсоннинг ҳаёти билан боғлиқ мулкӣ манфаатлар ҳисобланади. Предмети сифатида инсоннинг вафот этиши, маълум ёшга этиши, касаллик, бахсиз ходиса, фарзанд туғилиши, никоҳга киришиш ва бошқа ҳолатлар ҳисобланади.

Ҳаёт суғуртасида суғурта ходисаси сифатида тузилган суғурта шартномаси муддатининг тугаши, яъни суғурталанган шахснинг шу муддатгача яшаши, ҳаётни аралаш суғуртаси турларида эса суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурталанувчининг вафот этиши, ишлаб чиқариш ёки бошқа шароитларда жароҳат олиши ҳолатлари суғурта ходисаси сифатида қабул қилинади. Бу халқимизнинг ўзаро ёрдам, таянч ва ижтимоӣ ҳимоя каби анъаналарига мос келади.

Мамлакатимизда ҳаёт суғуртаси ҳозирча шаклланиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Бунинг қандай сабаблари бор? Бунинг сабаларидан бири, совет тузумида фуқароларнинг ҳаёти ва фаолиятининг ҳимояси учун

жавобгарлик тўлиқ давлатнинг зиммасида эди. Бу эса мамлакатимизда суғурта соҳасининг, ҳамда халқимиз суғурта маданиятининг этарли даражада ривожланмай қолишига сабаб бўлди. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат фуқаролар ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ ўз функцияларини аста-секинлик билан жамиятга бериб боради. Бу эса ўз-ўзидан жамиятнинг бир бўғини бўлган суғурта ташкилотлари фаолиятига мазкур вазифани маълум даражада юклайди.

Ҳаёт суғуртаси бошқа суғурта турлари каби шартнома билан расмийлаштирилади, унга кўра суғурталанувчи томонидан тўланган суғурта мукофоти эвазига шартномада келишилган суғурта суммасини шартноманинг амал қилиш даврида шартномада кўзда тутилган ҳолатлар (вафот этиш ёки маълум ёшга этиш ва бошқа ҳолатлар) юз берганда тўлаб беришни суғурталовчи ўз зиммасига олади. Шу билан бирга мазкур шартнома суғурталанувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам тартибга солади.

Ҳаёт суғуртасининг қуйидаги турлари амалиётда кенг қўлланиб келинмоқда: вафот этиш ҳодисасидан суғурталаш, жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси, ҳаётни аралаш суғурталаш, жамоа суғуртаси. Ҳаёт суғуртаси шахсий суғуртанинг бир бўғини сифатида иқтисодиётнинг ўзгарувчан қисми бўлган ишчи кучи билан боғлиқ. Ушбу суғурта турида суғурта ҳимоясининг объекти бўлиб фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва меҳнат қобилияти ҳисобланади. Мулк суғуртасидан фарқли ўлароқ, ҳаёт суғуртасининг объектлари маълум қийматга эга эмас.

ҲАЁТНИ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ

Ҳаётни суғурта қилдириш бўйича полислар, номидан кўриниб турганидек, суғурта қилдирган муайян шахснинг ҳаётига асосланади ва бу шахс вафот этган тақдирда тўловлар амалга оширилади. Музокараларни суғурта қилдирувчининг соғлиғи билан боғлиқ маълумотларни аниқлаш ва суғурта шартномаси муддатини белгилаш ва шу асосда суғурталанувчининг вафот этиш эҳтимоллиги даражасини аниқлашдан бошлаш зарур. Бу эса тарифф ставкасини белгилаш имконини беради. Суғурта шартномасининг барча шартлари бўйича томонлар ўртасида келишувга эришилиб, шартнома имзолангандан кейин, келишилган тартибда суғурта мукофоти тўлангач, суғурталанувчига суғурта полиси тақдим этилади.

Полислар хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилиши мумкин:

-ўз ҳаётини суғурта қилдириш полислари, бунда суғурта қилдирувчи ва унинг ҳаёти полис бўйича ҳимоя қилинган шахс бир киши ҳисобланади. Масалан, боқимандаларни ўзининг кутилмаган ўлимидан кейин моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида боқувчи (суғурталанувчи) бундай полис харид қилиши мумкин. Полисларнинг катта қисми шу гуруҳга киради;

-учинчи шахснинг ҳаётини суғурта қилдириш полислари, улар бўйича полис ушбу учинчи шахснинг ҳаётидан суғурта манфаати мавжудлиги шартида суғурта қилдирувчидан бошқа шахс ҳаётини ҳимоя қилади.

Масалан, моддий қарам шахс ўз боқувчисининг ҳаётини ҳимоя қилиш учун бундай полис харид қилиши мумкин;

- меҳнатга қобилият жиҳатидан фаол ҳаёт даврида қарилик даврида бошланадиган меҳнатга қобилиятизлик даврида ўзини моддий жиҳатдан таъминлаш ва бир вақтнинг ўзида кутилмаганда вафот этиши ёки барвақт меҳнатга қобилиятизликнинг юзага келиши ҳолатида оила-аъзоларини моддий таъминлаш мақсадида ўз ҳаётини жамғариб бориладиган суғурта тури асосида суғурталаш.

ҲАЁТНИ БИРГАЛИКДА СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ

Суғурта қопламсининг бошқа шакли иккита суғурта қилдирувчи томонидан фойдаланилиши мумкин ва одатда оила жуфтликларини суғурта қилдиришда фойдаланилади. Назарияда суғурта манфаати мавжудлиги шартида бундан кўпроқ сонли суғурта қилдирувчилар бўлишига ҳам йўл қўйилади. Ҳаётни биргаликда суғурта қилдиришнинг бу турлари одатда биринчи ўлимга ёки иккинчи ўлимга асосланади.

- «биринчи ўлим бўйича» ҳаётни биргаликда суғурта қилдириш полиси суғурта қилдирган икки шахсдан бирининг ўлиmidан сўнг суғурта тўловлари тўланишини кўзда тутди. Биринчи ўлим бўйича ҳаётни биргаликда суғурта қилдириш ва оилавий даромадларни суғурта қилдириш одатда оила манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланилади, «биринчи ўлимгача» қўшимча шартли суғурта эса уй-жой харид қилиш билан боғлиқ битимларда кенг қўлланади.

- «иккинчи ўлим бўйича» ҳаётни биргаликда суғурта қилдириш полиси (баъзида охирги тирик қолганни суғурта қилдириш полиси деб ҳам аталади) кўпинча мерос солиғининг катта эканлигидан ҳимоя қилиш чораси сифатида, баъзида эса инвестиция тариқасида фойдаланилади.

«Биринчи ўлим бўйича» ҳаётни биргаликда суғурта қилдириш полиси «иккинчи ўлим бўйича» суғурта қилдиришдан қимматроқ, чунки тўлов даввоси қисқа вақт ичида қондирилади, шундай экан, суғурта мукофоти киритиш муддати камроқ бўлади, инвестицион даромад эса тўлов муддати кейинроқ келадиган «иккинчи ўлим бўйича» полислари билан таққослаганда камроқ бўлади.

ҲАЁТНИ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ПОЛИС ТУРЛАРИ

Одатда одамлар ёки оила аъзоларини ўзининг бевақт ўлиmidан ҳимоя қилиш учун, ёки келажакда белгиланган молиявий вазифаларни бажариш учун инвестициялар сифатида ҳаётни суғурта қилдириш ҳақида шартнома тузади. Полислар қуйидаги тарзда гуруҳларга ажратилиши мумкин:

- муддатли суғурта;
- умрбод суғурта;
- қолган умрни суғурта қилдириш.

Муддатли суғурта одатда белгиланган муддат давомида ўлим ҳолати рўй беришидан ҳимоя қилиш учун фойдаланилади ва шу муддатга шартнома тузилади. Агар ушбу вақт муддати давомида ўлим ҳолати рўй бермаса, ҳеч қандай тўлов амалга оширилмайди ва суғурта қилдирувчи киритилган

мукофот пулини қайтариб олмайди. Шу сабабдан суғурта мукофотлари жуда паст бўлиши мумкин, чунки улар ўлим бўйича даъволарни қоплашга тўлик кетади ва агарда шартноманинг амал қилиш муддати тугаган пайтга келиб, суғурта қилдирувчи тирик бўлган ҳолларда қайтарилмайди.

Умрбод суғурта қилдириш асосан у тақдим этадиган ҳимоя учун фойдаланилади. Суғурта суммаси суғурта қилдирган шахснинг ўлими билан тўланади. Бундай шартномалар узоқ муддатли бўлиши сабабли, улар инвестицион таркибий қисмларни ўз ичига олади ва шартнома амал қилишининг маълум бир босқичида полис даромад келтира бошлайди (муддатли суғуртадан фарқли равишда). Бундай полислар жорий қийматга (қайта сотиб олиш суммаси) эга бўлиб, одатда бу суғурта мукофотлари тўланган дастлабки икки-уч йилдан сўг рўй беради.

Қолган умрни суғурта қилдириш кўпроқ инвестицион шартномаларга ўхшаб кетади. Қолган умрни суғурта қилдириш полисларида келажакда белгиланган вақт маҳалида ёки шу муддат тугагунга қадар ўлим ҳолати рўй берганда суғурта суммаси тўланиши кўзда тутилади. В этих полисах присутствует элемент защиты. Улар учун, худди умрбод суғурта полислари каби, қайта сотиб олиш суммаси мавжуд бўлади.

ИНВЕСТИЦИОН ПОЛИСЛАР

Суғурта қилувчининг нуқтаи назаридан, муддатли суғуртада инвестицион элемент умуман мавжуд эмас. Бу полислар фақат ҳимоя учун мўлжалланган ва суғурта қоплами чекланган муддатда амал қилиши сабабли ҳаётни суғурта қилдириш бўйича компаниядан тўлов муқаррар саналмайди.

Қолган умрни суғурта қилдириш полислари ёки умрбод суғурта полислари қуйидагича бўлиши мумкин:

- кафолатланган суммага даромадсиз полислар,
- муайян суғурта компаниясининг инвестицион фаолият самарадорлигига боғлиқ бўлган даромад билан боғлиқ даромадли полислар.

ДАРОМАДЛИ ПОЛИСЛАР

Полисларнинг ушбу тури суғурта қилдирувчига суғурта компанияси оладиган фойдани тақсимлашда иштирок этишга имкон беради. Ҳаётни суғурта қилдириш бўйича компания ҳар йили ўз активлари ва мажбуриятларини баҳолайди ва суғурта суммасига кўшимча сифатида олинган барча фойдадан бонус ёки мукофот ҳисоблаб чиқади. Бу кўшимча тўловлар суғурта қилдирувчининг ўлими ёки полис бўйича тўлов муддати келмагунга қадар олиниши мумкин эмас.

Амалиётда бонус тўловларининг турли хил вариантлари учрайди, лекин мазкур дарсликда шуни таъкидлаш kifояки, улар одатда ҳар йили суғурта суммаларидан фоиз шаклида белгиланади. Бу бонуслар ёки суғурта суммасидан, ёки илгари ҳисобланган бонусларни ҳисобга олган ҳолда суғурта суммасидан ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

Ҳаётни суғурта қилиш бўйича компания кўшимча равишда «якуний бонус» тайинлаши мумкин бўлиб, у фақат суғурта қилдирувчининг ўлими ёки полис бўйича тўлов муддати келган ҳолдагина тўланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, қолган умрни суғурта қилдириш полислари ва умрбод суғурта полислари қайта сотиб олиш суммасига эга, шу сабабли бу полислар бўйича бонуслар ҳисоблаб чиқилади, лекин улар камроқ бўлади ва одатда улар учун якуний бонус фойдаланилмайди.

Пировардида даромадли полислар қуйидагиларни таъминлайди;

- келишилган муддат келган ёки ўлим ҳолати рўй берганда кафолатланган сумма,
- йиллик бонуслар,
- келишилган муддат келган ёки ўлим ҳолати рўй берганда қўшиладиган якуний бонус,
- қайта харид қилиш суммаси, жумладан, йиллик бонусларнинг маълум бир қисми.

Даромадли полислар бўйича мукофотлар одатда суғурта суммаси бир хил бўлган даромадсиз полислардан юқори бўлади ва бу улар келтирадиган қўшимча даромадларни акс эттиради.

УЛУШЛИ (ҲИССАЛИ) ПОЛИСЛАР

Улушли полислар инвесторларга даромад даражаси бевосита ҳаётни суғурта қилиш бўйича компанияларнинг инвестицион фаолият самарадорлиги билан боғлиқ бўлган полислар таклиф қилиш усули сифатида пайдо бўлган. Одатда бунга улушли полислар қийматини суғурта компанияси ёки бошқа бошқарувчи томонидан бошқариладиган траст фондидаги улушлар қийматига боғлаб қўйиш йўли билан эришилган.

Улушли полислар бўйича олинадиган мукофотларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жорий нарх бўйича траст фондида улушлар харид қилиш учун фойдаланилган. Полисларнинг жорий қиймати бу улушлар қиймати билан биргаликда ўзгариб боради. Гарчи чакқон бозорда у ўсадиган бўсада, нарх тушаб кетган ҳолларда уларнинг эгалари ютқазиб қўйиши ҳам мумкин.

Ушбу босқичда инвестицион полисларнинг бу жиҳати ҳақида батафсил тўхталиб ўтишга зарурат йўқ.

МУДДАТЛИ СУҒУРТА

Юқорида кўриб чиқилганидек, муддатли суғурта белгиланган вақт даврини камраб оладиган ҳаётни суғурта қилдириш бўйича шартномаларнинг бошланғич (базавий) тури ҳисобланади. Ушбу шартномалар турининг бир неча хил вариантлари мавжуд:

- қайд қилиб қўйилган муддатли суғурта,
- қайта тикланадиган муддатли суғурта,
- конвертацияланадиган муддатли суғурта,
- суғурта суммаси камайиб борадиган муддатли суғурта,
- суғурта суммаси ўсиб борадиган муддатли суғурта,
- оила даромадларини суғурта қилдириш,
- суғурта суммаси ўсиб оила даромадларини суғурта қилдириш.

Келинг, бу вариантларга хос бўлган устунликлар ва мукофотларни таққослаймиз ва уларнинг ҳар бирини қўллаш бўйича шартларни кўриб чиқамиз.

ҚАЙД ҚИЛИБ ҚЎЙИЛГАН МУДДАТЛИ СУҒУРТА

Бу муддатли суғурта қилдиришнинг энг оддий ва шу билан бир пайтда арзон варианты ҳисобланади, чунки шартноманинг амал қилиш муддати давомида доимий бўлиб турадиган мукофот эвазига ҳаётни суғурта қилиш бўйича суғурта компанияси суғурта қилдирувчи шартноманинг амал қилиш муддати яқунлангунга қадар ўлган ҳолларда суғурта суммаси тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бу муддат яқунлангач, полис ўз қийматини йўқотади.

Ушбу вариантнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- суғурта мукофоти пастлиги,
- суғурта қоплами чекланган вақт давомида амал қилади,
- суғурта мукофоти ва суммаси шартномада қайд қилиб қўйилади,
- на полиснинг жорий қиймати ва на қайта харид қилиш суммаси мавжуд эмас,
- шартнома тугагандан сўнг тўловлар йўқ,
- мукофотлар киритиш келишиб олинган кутиш муддатидан ўтиб кетган ҳолларда полис амал қилишни тўхтатади.

Ушбу полисдан фойдаланишнинг эҳтимоли энг юқори бўлган вариант – қарз олувчининг ўлими ҳолатида қарзнинг қайтарилишини таъминлаш.

Суғурта суммаси камайиб борадиган муддатли суғурта

Муддатли суғуртанинг ушбу вариантыда полис амал қилиш муддатининг охирида нолга тенг бўладиган ҳар йили белгиланган миқдорда пасайиб борадиган суғурта суммаси кўзда тутилади.

Ушбу вариантга қуйидагилар хос:

- мукофот доимий бўлиб қолаверади,
- қолган суғурта суммаси жуда кичик бўлиб, мукофотни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш учун мукофотни тўлаш даври шартноманинг амал қилиш муддатидан кичик бўлиши мумкин,
- мукофот ҳатто қайд қилиб қўйилган муддатли суғуртадан ҳамс паст бўлиши ёки камроқ вақт тўланиши мумкин.

Суғурта суммаси ўсиб борадиган муддатли суғурта

Суғурта қопламининг ушбу тури шартноманинг амал қилиш муддати давомида пулнинг қиммати пасайиб кетиши сабабли суғурта қопламининг реал қийматини пасайтирадиган инфлясия таъсирини ҳисобга олиш учун қўлланади. Бунга ёки суғурта суммасини ҳар йили белгиланган фоизга ошириш ҳисобига, ёки оширилган сумма билан бирга узайтирилиши мумкин бўлган қисқа муддатли полислардан фойдаланиш ёрдамида эришиш мумкин. Одатда тўғри келадиган инфлясия коэффициентини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилишнинг индексли усулидан фойдаланилади.

Ушбу вариантга хос бўлган хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- суғурта қоплами суммаси тиббий текширувсиз полиснинг амал қилиш муддати давомида ўсиб боради;
- суғурта мукофотлари суғурта суммасининг ўсиши билан биргаликда ўсиб боради;

- суғурта мукофотлари полис узайтирилганда суғурта қилдирувчининг ёшига мувофиқ ўсиб боради;

- бошланғич суғурта мукофотлари эквивалент қайд қилинган муддатли суғурта қилдиришда бўлган ҳолатдан кўра юқори;

- суғурта қоплами 60-65 ёшгача амал қилиши мумкин.

ВИЧ-инфекция ва ОИТС кенг тарқалиб кетганлиги туфайли охириги пайтларда бу полисларни харид қилиш қийинлашган.

Оила даромадларини суғурта қилдириши

Суғурта қопламининг ушбу тури, ўз номидан кўриниб турибдики, боқувчини йўқотиш ҳолатларида оила учун даромадни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Суғурта суммаси оила боқувчиси вафот этган пайтдан бошлаб то шартнома яқунлангунга қадар қисмлаб тўлаб борилади. Баъзида жорий қиймат ёки келишиб олинган сумма қисмлаб тўлаш ўрнига боқувчи вафот этиши билан бир мартада тўланиши мумкин.

Бу муддатли суғурта қилдиришнинг нисбатан арзон варианты ҳисобланади, чунки суғурта қилдирувчи қанчалик узоқ яшаса, у ўлган тақдирда шунчалик кам пул тўлаш зарур бўлади. Агарда у шартноманинг амал қилиш муддати яқунланадиган пайтга келиб тирик бўлса, суғурта қилдирувчи умуман ҳеч нима олмайди.

Ушбу вариантнинг асосий хусусиятлари қуйидагича:

- ўлим бўйича тўловлар қисмлаб амалга оширилади,

- полислар нисбатан арзон бўлади,

- тўловлар фойда сифатида кўриб чиқилиши ва солиққа тортилиши мумкин.

УМРБОД ПОЛИСЛАР

Умрбод полисларни иккита асосий жиҳат ажратиб туради:

- полис бўйича суғурта суммаси суғурта қилдирувчи шахс ўлганидан сўнг тўланади,

- суғурта мукофотлари муддатли суғурта ҳолатидан кўра юқори бўлади, чунки даъво албатта ўринга эга бўлади.

Бу доимий полислар бўлиб, яқунланиш муддати билан чегараланмайди ва ушбу полис бўйича барибир пул тўланиши сабабли у ссуда учун дурустгина таъминот бўлиб хизмат қилиши мумкин. Умрбод полисларнинг бир неча хил турлари мавжуд.

Даромадсиз умрбод полислар

Даромадсиз умрбод полислар учун қуйидагилар хосдир:

- амал қилиш муддати давомида суғурта мукофотлари тўлаб борилиши;

- қайд қилиб қўйилган суғурта суммаси.

Айрим полисларда 80 ёки 85 ёшдан кейин суғурта мукофотлари тўлаш кўзда тутилмайди, лекин агар бундай полисни шу ёшда харид қилинадиган бўлса, суғурта мукофотлари анча унчалик юқори бўлмайди, чунки улар қисқа вақт давомида тўланиш эҳтимоли катта.

Даромадли умрбод полислар

Полисларнинг ушбу тури даромадсиз умрбод полисларга ўхшаб кетади ва фақатгина полисда келишиб олинган ва суғурта қилдирувчи ўлганида

тўланадиган кўшимча бонуслар билан фарқ қилади. Суғурта мукофотлари шартнома амал қиладиган бутун муддат давомида тўланиши ёки у 80-85 ёшга этганда тўхтатилиши мумкин.

ҚОЛГАН УМРНИ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ ПОЛИСЛАРИ

Полисланинг яна бир асосий тури қолган умрни суғурта қилдириш полислари ҳисобланади.

Уларнинг асосий хусусиятлари қуйидагича:

- суғурта суммаси полис амал қилиши якун топадиган олдиндан келишиб олинган санада ёки суғурта қилдирувчининг ўлими ундан олдинроқ рўй берган пайтда тўланади,

- ушбу полисга тенг келадигани йўқ – унинг қайта харид қилиш суммас ёки жорий қиймати мавжуд,

- суғурта мукофотлари полис амал қиладиган муддат давомида тўлаб борилади

Қолган умрни суғурта қилдириш бўйича суғурта мукофотлари умрбод полислар бўйича суғурта мукофотларидан катта, чуник полисланинг амал қилиш муддати якунланадиган сана белгиланиши шуни англатадики, даъволарнинг катта қисми олдинроқ билдирилади ва шундай экан, суғурта мукофотлари камроқ вақт давомида тўлаб борилади, суғурта мукофотлари тўланадиган муддат қанчалик кичик бўлса, уларнинг миқдори шунчалик катта бўлади.

Кўплаб полисларда ўлим ҳолати рўй берганда ёки полисланинг амал қилиши якун топадиган санада якуний бонус тўланиши кўзда тутилган бўлиб, бу тўлов шартнома муддатидан олдин бекор қилинган ҳолларда тўланмайди.

Ҳаётни маълум муддатга суғурта қилиш шакли қадимги ва анъанавий суғурта тури ҳисобланади. Бунда суғурта шартномаси маълум белгиланган даврга (бир йил, беш йил, ўн йил), ва суғурта суммаси наф олувчига фақатгина суғурталанувчи шартнома амал қилиш даврида вафот этганда берилади.

Ушбу суғурта тури суғурталанувчининг вафот этиши ҳодисасида суғурта тўловини амалга оширишнинг энг юқори кафолатини беради ва энг минимал суғурта мукофотини белгилайди. Унинг асосий мақсади суғурталанган шахсланинг бевақт вафот этишидан кўриладиган зарардан унинг оила-аъзоларини ҳимоя қилишдир. Суғурта мукофоти шартнома амал қилиши давомида тўлаб борилади. Шартнома суғурталанувчининг суғурталовчи даромадида иштирокини ҳам, инвестицион даромадидаги иштирокини ҳам ва бошқа шу каби ҳолатларни кўзда тутмайди. Суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта суммасини тўлаш бир мартада ёки бўлиб-бўлиб рента кўринишида тўланиши ҳам мумкин.

Ҳаётни бир умрга суғурта қилиш шакли - бу суғурталанган шахсланинг бутун умри давомида вафот этишидан суғурталаш бўлиб, бунда суғурта ҳодисаси қаерда ва қачон юз бериши ҳеч қандай рол ўйнамайди. Шартномада суғурталанувчининг суғурталовчи даромадида иштирок этиши, инвестицион даромадидаги иштироки ва бошқа шу каби

ҳолатлар кўзда тутилади ва бу суғурта ҳодисасининг қачон юз беришига қараб суғурта суммасининг турлича бўлишига олиб келиши мумкин. Суғурта шартномасининг муддати белгиланмайди. Суғурта мукофоти бир мартада ёки бўлиб-бўлиб суғурта шартномаси амал қилиши давомида тўлаб борилиши мумкин. Суғурталанган шахс 75-80 ёшга тўлгандан кейин суғурта мукофотини тўлашдан озод этилади. Суғурта суммаси бир мартада ёки бўлиб-бўлиб рента шаклида тўланиши мумкин.

Ҳаёт суғурта турлари бўйича тариф ставкаларини аниқлаш ва уларнинг қўлланилиши шартларини белгилаш суғурта маҳсулотини тарификация қилиш деб номланади. Тарификациянинг асосий босқичлари сифатида *тарификация тизимини* шакллантириш ва *тариф ставкаларини* ҳисоблашни келтириш мумкин. Маълумки суғурта тарифнинг таркибий қисми бўлган нетто-ставка суғурталовчи учун суғурталанган объектнинг суғурта ҳодисасига учраш эҳтимоллигини ҳисобга олувчи суғурта қопламаси тўланишининг математик кутилишини ифодалайди. Мазкур катталikka қуйидаги омиллар ўз таъсирини ўтказди:

- шартнома бўйича суғурта ҳодисасининг юз бериш эҳтимоллиги;
- суғурта ҳодисасининг кутилаётган оғирлиги (бунда суғурта қопламасининг кутилаётган ҳажмининг суғурта суммасига нисбати назарда тутилади).

2. Юқорида келтириб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрда қабул қилинган 413-сон қарори билан суғурта фаолияти классификатори қабул қилинган. Ушбу классификаторга кўра суғурта соҳаси иккита тармоққа ажратилган бўлиб, биринчиси ҳаёт суғуртаси тармоғи ва иккинчиси умумий суғурта тармоғи деб аталади. Умумий суғурта тармоғи 17 та классдан ташкил топган бўлиб, 3-классдан 9-классгача мулкӣ суғурта турларига тааллуқли класслар ҳисобланади (1-жадвал).

Мулкӣ суғурта ҳар қандай турдаги мулкдорлар (фуқаролар, корхоналар, давлат) мулкнинг йўқотилиши ёки қандайдир даражада зиён этказилиши билан боғлиқ хатарларга доир манфаатлари ҳимоясини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига кўра, мулкӣ суғуртага фуқаронинг ўз мулкига турли ҳодисалар натижасида этадиган зарар ҳамда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар этказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, шунингдек тадбиркорлик фаолиятидан кутилган даромадларни ололмаслик хавфи киради.

Мол-мулк – мулкдор ёки унинг ишончли вакили эгалик қилаётган, фойдаланаётган, тасарруф этаётган моддий объектлар ёки ашёлардир. Шахснинг ёки ташкилотнинг мол-мулки ўз ичига фойдаланишдаги эр участкалари, бинолар, иншоотлар, бино ичидаги жиҳозлар, банк ҳисобварақларидаги маблағлар, ёзилган асарга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи, автомобиллар, ихтиро патентлари, ишлаб чиқариш воситалари, компьютер ва бошқа техник воситалар ва бошқа кўплаб турдаги мулкларни ўз ичига олиши

мумкин. Мулкдор ўз эгалигидаги ана шундай мол-мулкларнинг табиий ва стихияли ҳодисалар натижасида йўқотилиши ёки зарарланишидан, ўғирланишидан, улар воситасида олиниши мумкин бўлган даромаднинг йўқотилишидан суғурта қилдириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 128-моддасида санаб ўтилган мулкый ҳуқуқлар ва фуқаролик ҳуқуқларининг бошқа объектлари ҳам суғурта ҳимояси билан таъминланиши мумкин.

Мол-мулк унинг асралишидан қонун ҳужжатларига ёки шартномага асосланган манфаатга эга бўлган шахс (суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи) фойдасига суғурталаниши мумкин. Суғурталанган мол-мулкнинг асралишидан манфаатдорлик бўлмаган ҳолда тузилган мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси ҳақиқий эмас.

Мол-мулк суғуртаси – суғурта шартномаларини тузиш ва ижро этиш жараёни бўлиб, унга мувофиқ суғурталовчи шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчига ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга суғурталанган мулкка этказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкый манфаатлари билан боғлиқ зарарни тўлаш мажбуриятини олади.

1-жадвал

Умумий суғурта тармоғининг мол-мулкларни суғурталаш класслари⁹

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва суғурта қилиш шартлари бўйича талаблар
3-класс	Эр усти транспорт воситаларини суғурта қилиш	Транспорт воситалари, ўзи юрар машина ва механизмлар, ҳаракатланадиган темир йўл таркиби бундан мустасно, йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
4-класс	Ҳаракатланадиган темир йўл таркибини суғурта қилиш	Ҳаракатланадиган темир йўл таркиби йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
5-класс	Авиация суғуртаси	Ҳаво кемаси, ҳаво кемасининг машина асбоб-ускуналари, жиҳозлари, инвентари, эҳтиёт қисмлари йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
6-класс	Денгиз суғуртаси	Денгиз ва ички дарё кемалари, кемаларнинг машина асбоб-ускуналари, инвентарлари, эҳтиёт қисмлари йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
7-класс	Йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш	Транспортнинг ҳар хил турлари билан ташишда юклар, багаж ва бошқа мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
8-класс	Мол-мулкни	Ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупрокнинг

⁹ Суғурта классификаторига асосан тайёрланди.

	оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш	чўкиши, эмирилиш, эр ости сувлари, сел, яшин уриши, зилзила, ядро энергияси таъсири натижасида мол-мулк (3 ва 7- классларда кўрсатилганлар бундан мустасно) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
9-класс	Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш	8-классда кўрсатилмаган дўл, қалин қор ёғиши ёки қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа воқеалар натижасида мол-мулк (3 ва 7-классларда кўрсатилгандан бошқа) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами

Суғурталанувчи юридик ёки жисмоний шахслар ҳамда суғурталовчи ўртасида тузилган суғурта шартномасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилади.

Суғурталанувчи бўлган юридик ёки жисмоний шахсларнинг мажбуриятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- суғурта объектини кўздан кечириш учун суғурталовчи ёки унинг вакилига имконият яратиб бериш;
- шартнома тузилаётганда суғурталовчига суғурта таваккалчилигини баҳолаш учун аҳамият касб этувчи ўзига маълум барча ҳолатлар ҳақида, шунингдек мазкур суғурта объекти бўйича тузилган ёки тузилажак ҳамма суғурта шартномалари тўғрисида маълумот бериш;
- шартнома тузилгандан кейин суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаш;
- суғурта ҳодисаси юз берганда зарарни камайтириш учун зарур чораларни кўриш ва суғурталовчига суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақида суғурта шартномасида кўрсатилган муддатларда хабар бериш.

Юридик ва жисмоний шахслар суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталанган мулкни кўздан кечириш учун суғурталовчига имконият яратиши ёки мулкнинг барча зарарланган қисмларининг фотосурати ёки видео суратини олдириши ва тиклаш ишлари бошлангунга қадар ўзи қиладиган ишларни суғурталовчи билан келишиб олиши керак.

Суғурталанувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин:

- бутун мулкни ёки унинг айрим қисмларини суғурталаш;
- шартнома амал қилиши даврида объектнинг суғурталанмаган ёки янги қисмларини қўшимча келишув ёки янги суғурта шартномаси асосида суғурталаш;
- суғурта ҳодисаси содир бўлганда ўтказилган экспертизадан қониқмаан ҳолатда мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилиш;
- суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчидан суғурта масалалари борасида маслаҳатлар олиш;
- суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.

Суғурталанувчилар олдида суғурта шартномасига мувофиқ суғурта ташкилоти қуйидаги мажбуриятларга эга бўлади:

- шартномада белгиланган муддатларда суғурта полисини бериш ва шартнома тузишда асосланилган суғурталаш қоидалари билан таништириш;

- суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисалари юз берганда суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақидаги далолатнома тузиш асосида суғурта қопламаси ўз вақтида тўлаш;

- суғурталанувчи мулки тўғрисидаги ўзига маълум бўлган маълумотлар махфийлигини таъминлаш.

Шу билан бир қаторда суғурта ташкилоти қўйидаги ҳолатларда суғурталанувчининг мулкига этказилган зарарни тўлаб бермаслик ҳуқуқига эга бўлади:

- а) суғурталанувчи суғурта ҳодисасини атайлабдан содир этган бўлса;

- б) суғурталанувчи суғурталанган мулк билан боғлиқ таваккалчиликларда юз берган жиддий ўзгаришлар ҳақида суғурталовчини бохабар қилмаган бўлса;

- в) суғурталанувчи суғурта ҳодисаси тўғрисида суғурталовчига хабар бермаган ёки этказилган зарар тафсилотлари, тури ва миқдорини аниқлашда суғурталовчи ёхуд унинг вакили иштирок этишига тўсқинлик қилган бўлса;

- г) суғурталанувчи зарарни аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса.

Суғурталанувчи суғурта мукофотини шартномада кўрсатилган муддатда тўламаганда шартнома юридик кучини йўқотиши мумкин.

Агар суғурталанган мулкнинг йўқотилиши ёки зарарланишига қўйидагилар сабаб бўлса суғурта ташкилоти суғурта жавобгарлигидан озод этилиши мумкин:

- а) суғурталанган мулкдан фойдаланиш қоидаларининг суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан бузилиши натижасида зарар этказилиши;

- б) суғурталанувчининг ёки унинг шартнома бўйича суғурталанган мулк ишониб топширилиши мумкин бўлган ходимларидан, вакилларида ёки бошқа шахслардан бирининг эҳтиёцизлиги, виждонсизлиги, носамимийлиги, шунингдек мулкка мулкдорлик ёхуд эгалик ҳуқуқининг қаллоблик йўли билан бошқа шахсга ўтказилганлиги аниқланса;

- г) доимий таъсир кўрсатувчи фойдаланиш омиллари (эскириш, занглаб чириш) ва об-ҳаво омиллари таъсирида ёхуд суғурталанган нарсалардан фойдаланмаслик оқибатида аста-секин зарарланиш;

- д) суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг қўпол бузилиши;

- э) энгил алангаланадиган модда ва материалларни сақлаш ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши;

- з) суғурталанувчи зарарланган нарсаларни ёки уларнинг қолдиқларини суғурталовчига кўрсатишдан бош тортган тақдирда, бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган нарсалар бундан мустаснодир;

- и) уруш ёки уруш ҳаракатлари (уруш эълон қилингани-қилинмаганидан қати назар), ғалаён, инқилоб, қўзғолон, исён, фитна, иш ташлаш, ноқонуний йўл билан ҳокимиятни қўлга олиш, суиқасд, кўпоровчилик ҳаракати, амалда ёки қонуний мавжуд бўлган ҳукуматнинг ёки бирор ҳокимият органининг

фармойиши билан мусодара қилиш, реквизиция, бузиш ёки зарарлантириш, ядро реакцияси, ядро нурланиши ёхуд радиоактив зарарланиш.

Мулк суғуртасини амалга оширишдан мақсад - мулкка етказилган зарарни қоплаб беришдир. Мулклами суғурталаш тизимида суғуртанинг турли шаклларида фойдаланилади. Суғурталаш шаклларига биргаликда суғурталаш, ўзаро суғурталаш, қўшалок суғурталаш ва бошқа шакллар киради.

Суғурта шартномаси - томонларнинг аниқ юридик ва молиявий мажбуриятларини белгилаб берувчи ҳужжатдир. Шартномада францҳиза қўлланилиши мумкин. Францҳиза - суғурталанувчи мулккага этган зарарнинг муайян қисми бўлиб, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта ташкилоти ана шу қисм доирасида қоплама тўлашдан озод этилади.

Суғурталовчи суғурталанувчиларга тегишли мол-мулкларни ёнғин, зилзила, тошқин, сув босиши, кўчки, бўрон, эр чўкиши, ички санитария техникаси тизимлари бузилиши натижасида тўлиқ ёки қисман нобуд бўлганда суғурта қопламасини, суғурталанувчи эса суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаш ва шартноманинг бошқа шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Мана шу қайд этилган ҳолатлар суғурта ташкилоти ва суғурталанувчи ўртасида мол- мулкни суғурталаш бўйича тузилган шартноманинг предметини ташкил этади.

Суғурталовчининг шартнома бўйича мажбуриятлари суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушган пайтдан эътиборан кучга киради. Сўнг суғурта полиси суғурталанувчига шартномада кўрсатилган муддат ичида берилади.

Суғурта қопламаси суғурталанувчининг зарарни қоплаш тўғрисидаги ёзма аризаси, шунингдек, ваколатли органлардан олинган тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тўланади. Бундай ҳужжатларнинг тақдим этилмаслиги суғурталовчига ушбу ҳужжатлар билан тасдиқланмаган зарар учун товон тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

Суғурталанувчи суғурта ҳодисаси содир бўлгани ҳақида ариза бергач, зарурат бўлса, комиссия тузилиб, унинг таркибига суғурталанувчининг, суғурталовчининг, зарур ҳолларда эса ваколатли ташкилотларнинг ҳам вакиллари киритилади.

Комиссия муайян муҳлат ичида зарарланиш сабаблари ва миқдорини аниқлайди. Комиссия суғурта ҳодисасини эътироф этган тақдирда йўқотиш ва зарарлар миқдори, шунингдек тўланиши лозим бўлган суғурта қопламасининг миқдори аниқлаш амалга оширилади.

Суғурталанувчи зарарни қоплаш ҳақидаги аризасида қуйидагиларни кўрсатиши шарт:

- суғурта ҳодисаси юз берган сана ва унинг тавсифи;
- суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурталанувчи қилган ишлар;
- зарар миқдори ва суғурталанувчи даъво қилаётган суғурта товонининг миқдори. Бунда тегишли рўйхат ва сумма кўрсатилиши

керак;

-зарарни қоплаш учун учинчи шахслардан олинган товон миқдори (агар олинган бўлса).

Мабодо зарар тўлиқ қопланган бўлса ёки суд қарорига кўра зарар айбдор шахс томонидан қопланадиган бўлса суғурталанувчи суғурта товони олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Шартномада келишилган зарарларни қоплаш учун суғурталовчи-томонидан амалга оширилган ҳар бир тўлов мажбуриятлар чегарасини ана шу тўлов миқдорида, аммо агар масъулият чегарасини қайта тиклаш учун қўшимча суғурта мукофоти тўланмаса, далолатномада қайд этилган зарар миқдоридан кўп бўлмаган ҳажмда камайтиради.

Шартнома томонлар унда кўрсатилган мажбуриятларни бажармай қўйгунларига қадар кучда бўлади.

Томонлардан бирининг камида 30 кун олдин берадиган ёзма аризасига биноан шартнома исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

Агар суғурталанувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишини маълум қилса, суғурта мукофоти унга қайтарилмайди.

Суғурта шартномаси бекор қилинишини суғурталовчи талаб этган тақдирда:

а) суғурталанувчига суғурта мукофоти муддати тамом бўлмаган даврга мутаносиб миқдорда қайтарилади, бунда ўтган даврда қилинган ҳаражатлар суғурта мукофотидан ушлаб қолинади;

б) башарти суғурта шартномаси бекор қилинишининг талаб этилишига ушбу шартномада келишилган шартларнинг суғурталанувчи томонидан бузилиши сабаб бўлса, фақат суғурта мукофоти муддати тамом бўлмаган даврга мутаносиб миқдорда қайтарилади.

Суғурта товони тўлаш ҳақида далолатнома тузилгандан кейин суғурталанувчининг зарар этказилиши учун жавобгар шахсларга нисбатан бўлган ҳуқуқлари тўланган пул миқдорида суғурталовчига ўтади. Суғурталанувчи зарар этказган шахсга бўлган даъвосидан ёки унга нисбатан бўлган талабларнинг амалга оширилишини таъминловчи ҳуқуқларидан воз кечганда, шунингдек регресс талабни қўйиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни суғурталовчига беришдан бош тортганда суғурталовчи суғурта товони тўлашдан озод бўлади.

Суғурта шартномасидан келиб чиқувчи барча низо ва келишмовчиликлар томонларнинг музокара олиб бориши йўли билан ҳал этилади, келишувга эришиб бўлмаган тақдирда эса тегишли муддат ичида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қараб чиқиш учун хўжаликтеги тегишли суд органига оширилади.

Суғурта шартномаси 1 йил муддатга тузилганда суғурта тарифи суғурта объектнинг таваккалчилик даражасига қараб суғурта келишилган суғурта пулига нисбатан фоизларда белгиланади. Масалан, юридик шахслар мол-мулкани суғурталашда тариф ставкаси 0,1% дан 5% гача миқдорда белгиланиши мумкин. Шартноманинг алоҳида шартлари, таваккалчилик даражаси ҳамда суғурта муддатига қараб

суғурта тарифи камайтирилиши ёки оширилиши мумкин. Суғурта шартномаси бир йилдан кам ёки кўп муддатга тузилганда суғурта мукофоти бир йиллик суғурта тўловидан суғурта муддатига нисбатан мутаносиб равишда белгиланади. Томонларнинг келишувига мувофик суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига пул ўтказиш йўли билан ёки суғурталовчининг кассасига ёки у томонидан тайинланган агентга нақд пул тўлаш орқали тўланиши мумкин. Суғурта мукофотини тўлаш тартиби суғурта шартномасида белгиланади. Мисол учун, суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини шартнома тузилгандан сўнг 3 кун ичида ёки 72 соат мобайнида тўлаш шартлиги суғурта шартномасида кўрсатилади. Агар суғурта шартномасида бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган тақдирда, суғурталовчининг жавобгарлиги суғурта мукофотининг тўланган қисмига мутаносиб равишда бўлади.

Суғурта шартномасида суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб, яъни икки ва ундан ортиқ марта тўланиши кўрсатилиши мумкин. Суғурта мукофоти ёки навбатдаги тўлов белгиланган муддатда тўланмаса, агар суғурта шартномасида бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта шартномаси ўз-ўзидан кучини йўқотади ва бунинг учун томонларнинг қўшимча истак билдиришлари шарт эмас. Аввал тўланган суғурта мукофотлари қайтарилмайди.

Гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш. Гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш миллий суғурта бозорларида кенг ривожланган суғурта турларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг гаров муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонунчилигига асосан ашёлар, қимматли қоғозлар, пул маблағлари, шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш, яқка тартибда уй-жой қуриш учун ким ошди савдоси асосида олинган эр участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, турар жой бинолари улар жойлашган эр участкалари билан биргаликда, бошқа мол-мулк ва мулкӣ ҳуқуқлар гаров объекти ҳисобланади.

Юридик ёки жисмоний шахслар ўзларига тегишли мол-мулкни гаровга қўювчи ёки гаровга олувчи бўлишлари мумкин.

Суғурта ташкилотлари томонидан гаровга берилган мол-мулк сув тошқини, бўрон, дўл, кучли қор ёгиши, эрнинг чўкиши, эр ости сувининг таъсири, яшин уриши, чақмоқ чақиши, эр қимирлаши ёнғиндан, портлашдан, учинчи шахснинг қонунга хилоф ҳаракати рискларидан суғурталанмоқда.

Ипотекани суғурталаш. Мазкур суғурта тури ҳам кенг тарқалган суғурта тури бўлиб, кўп ҳолларда ипотека кредити асосида уй-жой сотиб олинганда кредит берувчининг талаби билан мазкур уй-жой суғурталанadi.

◆ Қуйидаги ҳолларда зарар қопланади:

◆ ипотека объектининг ёнғин натижасида ва бошқа табиий ва

стихияли ҳодисалар натижасида қисман ёки тўлиқ зарарланиши;

◆ ипотека обектига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни идора қилиш натижасида учинчи шахсларнинг мол-мулки ва/ёки ҳаёти, соғлиғига зарар етиши;

◆ ипотека обектига эгалик қилиш ҳуқуқини йўқотиш натижасида ундан маҳрум бўлиш;

◆ учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик ва мулкдорлик ҳуқуқи йўқотилиши юзага келганда ҳуқуқий ҳимоя билан боғлиқ харажатлар.

Агар ипотека обекти қуйидагилар натижасида зарарланса ёки йўқотилса қоплама тўланмайди:

◆ куя, паразитлар, термитлар ёки бошқа ҳашаротлар, табиий камчиликлар, яширин нуқсонлар, табиий эскириш, қуруқлик ва намлик натижасида емирилиш, моғорлаш, атмосфера намлиги натижасида, смог ёки ҳаво ҳарорати таъсирида зарарланиш ёки тўлиқ йўқотилиш;

◆ мутасадди идоралар ёзма розилигисиз тузилма ва планировканинг ўзгартирилиши;

◆ мол-мулкни тушунтирилмаган ҳолда қисман ёки бутунлай йўқолиши;

◆ занглаш, чириш, ўзидан-ўзи ёниш ёки предметларнинг бошқа табиий хусусиятлари;

◆ мол-мулкни хато лойиҳалаштирилиши;

◆ ўзгартирилиши, таъмирланиши ёки нуқсонли материални ёки камчиликларни бартараф этилиши.

Шунингдек қуйидагилар қопланмайди:

◆ Ўзбекистон Республикаси қонунларини бузганлик учун мол-мулкни мусодара этилиши натижасида кўрилган бевосита ёки билвосита заралар;

◆ шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик туфайли юзага келган жавобгарлик, шунингдек олди-сотди операцияларини амалга оширишда юзага келган жавобгарлик;

◆ сув тошиши ва/ёки сантехника тизимлари ёрилиши натижасида юзага келган зарарлар;

◆ суд амалиётлари натижасида даромад, фойда йўқотилиши билан боғлиқ харажат ва зарарлар;

◆ кредитлар бўйича фоизлар;

◆ жарима, пеня, неустойкалар.

Шартномада бошқа истиснолар ҳам назарда тутилиши мумкин.

5-класс - Авиация суғуртаси. Авиация суғуртаси ҳаво кемаси, ҳаво кемасининг машина асбоб-ускуналари, жиҳозлари, инвентари, эҳтиёт қисмлари йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами бўлиб, ҳаво кемасининг аварияга учраши, зарарланиши ёки нобуд бўлиши қалтислигидан суғурталаш; авиа юкларни суғурталаш; учиш даврида йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун юзага келган мас'улиятни суғурталаш ҳамда уларнинг юкларининг йўқолиши ёки зарарланиши

учун юзага келган мас'улиятни суғурталаш; аэропортларнинг эгаларининг мас'улиятини суғурталаш; авария натижасида транспорт воситасидан фойдаланиб бўлмаслиги оқибатида фойданинг йўқотилишидан суғурталаш.

Авиация суғуртаси 20 аср бошлариди пайдо бўла бошлаган. Илк авиация полиси 1911 йили Лондон ЛЛойди томонидан ёзилган.

1933 йилда халқаро авиация суғуртаси бирлашмаси тузилди, унинг таркибига 8 та Европа авиация суғурталовчи компаниялар кирди.

Ҳаво кемалари барча хавфлардан суғурта ҳимоясига олиниши мумкин. Суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта шартномаси амалда бўлган даврда етказилган зарарни тўлаб бериши ёки етказилган зарарни камайтириши мумкин.

Ҳаво кемасига тўлиқ зарар етган ҳолларда суғурта қопламаси суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта суммаси миқдорида тўлаб берилиши лозим. Ҳаво кемаси барча хавфлардан суғурта қилинган ҳолларда, унга етказилган ҳар қандай зарарлар қоплаб берилади.

Транспорт воситалари суғуртасининг объекти бўлиб ҳар қандай ўзиюлар транспорт воситалари (барча турдаги энгил ва юк автомобиллари, автобуслар, мотоцикл ва мотороллерлар, тракторлар ва бошқалар) ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган тиркамалар (энгил ва юк тиркамалари, тракторларнинг тиркамалари ва бошқалар) ҳисобланади.

Транспорт воситалари ихтиёрий суғуртаси бўйича суғурталанган транспорт воситасига тури табиий ҳодисалар, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида этазилган зарар, учинчи шахслар томонидан етказилган зарарлар натижасида транспорт воситасига қисман зарар этиши ёки тўлиқ равишда зарар етказилиши натижасида яроқсиз ҳолга келиши, ҳамда ўғирлик содир этилиши натижасида йўқотилиши ҳолатлари суғурта ҳодисалари бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Транспорт воситалари ихтиёрий суғуртаси бўйича суғурта шартномасини тузишда томонларнинг келишувига кўра транспорт воситаси тўлиқ қиймати бўйича ёки тўлиқ қийматига нисбатан маълум фоизда ҳисобланган қиймати бўйича суғурталаниши мумкин. Транспорт воситаси тўлиқ қийматига нисбатан маълум фоиздаги қийматига суғурталанганда шартномада кўзда тутилган суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида зарар этганда, суғурта қопламаси транспорт воситасининг шартномада кўрсатилган тўлиқ қийматига нисбатан белгиланган фоиздаги қийматга мутаносиб равишда қоплама ҳисобланиб тўлаб берилади.

Шартномада умумий суғурта суммасига нисбатан фоиз кўринишидаги шартли ёки шарқиз франқхиза қўлланилиши мумкин. Шартли франқхиза қўлланилганда франқхиза суммасидан ошмаган зарар юз берганда қоплама тўлаб берилмайди, зарар франқхиза суммасидан ошганда эса зарар франқхиза суммаси билан қўшган ҳолда тўлиқ тўлаб берилади. Шарқиз франқхиза қўлланилганда эса ҳодиса юз

берганда зарар францҳиза суммасидан ошмаганда тўлаб берилмайди, зарар францҳиза суммасидан ошганда эса ушбу ошган зарар қисми тўлаб берилади.

Шартномада абандон тушунчаси қўлланилиши мумкин. Шартномада абандон қўлланилганда, суғурта ҳодисаси юз берган ҳолатда транспорт воситаси эгасининг хоҳишига кўра ушбу транспорт воситасидан суғурта ташкилоти фойдасига воз кечиши воз кечиши мумкин ва бундай ҳолатда суғурта ташкилоти транспорт воситаси эгасига шундай марказдаги ва шундай қийматдаги бошқа транспорт воситасини тақдим этиши зарур бўлади.

Ўзбекистонда автотранспорт воситалари кўп ҳолларда барча рисклардан суғурталаниб, бунда суғурта тарифи суғурта суммасининг 5 фоизидан (мамлакатда ишлаб чиқарилган автомобиллар учун) 15 фоизгача (Чет мамлакатларда ишлаб чиқарилган янги автомобиллар учун) миқдорда қўлланилмоқда. Тарифнинг катта ёки кичик бўлиши автомобилнинг маркасидан ташқари унинг қуввати, қанча юрганлиги, ишлаб чиқариш йили, сақланганлик ҳолати, қўриқлаш сигнализациясининг мавжудлиги, ҳайдовчининг стажи ҳамда олдинги даврларда талофоқиз ишлаганлигига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик транспорт воситалари пастроқ тариф ставкалари асосида суғурталанади.

Тадбиркорлик фаолияти тобора ривожланиб бораётган бугунги кунда тадбиркорлар томонидан ўз фаолиятини йўлга қўйиш, шу мақсадда ўзи томонидан ишлаб чиқилган бизнес-режани амалга ошириш мақсадида тижорат банкларининг кредит хизматларидан кенг фойдаланишмоқда. Албатта бундай кредитларни беришда банклар томонидан қўйиладиган асосий талаб берилаётган кредит суммасининг 125 фоизи миқдоридаги мол-мулкни гаровга қўйиш талаб этилади. Бундай мол-мулк сифатида кўп ҳолларда тадбиркорлар ўзларига тегишли транспорт воситаларидан фойдаланадилар. Суғурта компаниялари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг гаровга қўйиладиган мулкларини умумий суғурта тармоғининг 8 ва 9-классларига асосан суғурталанади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталаш ишларини ҳозирги пайтда "Ўзагросуғурта" акциядорлик суғурта компанияси томонидан амалга оширилади. "Компания фаолиятининг асосий йўналиши-қишлоқ хўжалиги соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулк ва маҳсулотларини суғурта йўли билан ҳимоя этиш, банклардан олинган кредитларни қайтаришга суғурта кафолатини тақдим этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этиштириш учун бериладиган аванс маблағларини қайтаришни суғуртавий кафолатлаш, юридик ва жисмоний шахсларга ҳар томонлама суғурта хизматларини кўрсатишдан иборатдир"¹⁰.

¹⁰ "Ўзагросуғурта" АЖ расмий сайти маълумотлари

Ҳозир бу йўналишдаги суғурта ўнга яқин суғурта турини ўзида мужассамлаштиради:

1. Экинлар ҳосилини суғурталаш.
2. Экинларни қайта экилишидан суғурталаш.
3. Табиий пичанзорлар, яйловлар ва тут дарахтлари барги ҳосилини суғурталаш.
4. Боғ ва узумзорларни дўл уришдан суғурталаш.
5. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини суғурталаш.
6. Пилла ҳосилини суғурталаш.
7. Бинолар, иншоотлар ва бошқа мол-мулклар суғуртаси.
8. Юкларни суғуртаси.

Қишлоқ хўжалик корхоналари мол-мулкани суғурталашдаги тамойиллар қуйидагилардан иборат: биринчидан, суғурталаш универсал хусусиятга эга бўлиб, бунда барча табиий офатлар натижасида этказилган зарар ҳисобга олинади; иккинчидан, этказилган зарар ҳар бир бригада эмас, балки хўжалик бўйича ёппасига ҳисобланади; учинчидан, суғурталаш корхонанинг йиллик фаолияти яқунлари билан бевосита боғланган бўлади. Кўрсаткичлар ҳисобланганда бир неча йиллик ҳосилдорлик эиборга олинади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва экинлари суғуртасини амалга ошириш.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари юқумли касалликлар натижасида нобуд бўлишдан, улардан, мажбурий сўйилишдан ихтиёрий суғурта қилинади.

Бу суғуртага:

- а) Қорамоллар, қўй-эчкилар, паррандалар 6 ойлигидан бошлаб;
- б) отлар, туялар, эшаклар ва хачирлар-бир ёшдан бошлаб;
- в) асалари оилалари-қутида;
- г) чўчқалар ва қуёнлар 4 ойликдан бошлаб қабул қилиниши мумкин.

Асосий чорва моллари сифатида қишлоқ хўжалик корхонасининг балансида турувчи ҳайвонларнинг суғурта пули уларнинг жорий йил биринчи январдаги қиймати бўйича белгиланади.

Қишлоқ хўжалик экинлари, боғлар ва узумзорлар, нобуд бўлган кўп йиллик дарахтлар бўйича зарарларни аниқлаш.

Кўрилган зарар миқдори хўжаликдаги шу йил экилган майдон ҳажмида ҳисобидан аниқланади. Бир сентнер ҳосил баҳосини натура ҳисобидаги рақамга кўпайтирсак зарарнинг пул ҳисобидаги умумий қиймати келиб чиқади.

Агар дон учун экилган ловия, нўхат каби дуккакли дон ва дон экинлари маккажўхори ва кунгабоқар экин майдонлари зарарланиши натижасида ҳамма экин майдонидан ёки бир қисмидан дон олиш учун эмас, балки пичан, кўк озуқа ёки силосбоп маҳсулот учун фойдаланилган бўлса, у ҳолда зарар миқдори зарарланган майдондан амалда олинган дон, пичан, озуқа ҳосили ҳамда хўжалик ҳисоботларида

кўрсатилган ҳосил олинган майдонга асосан ҳисобланади.

Очиқ эрда этиштирилган асосий сабзавотлар: карам, бодринг, помидор, сабзи, пиёзларнинг ҳар бири учун алоҳида: бошқа сабзавотлар, такрорий сабзавотлар; укроп, кашнич. бақлажон. туруп, редиска, шолғом ва бошқа экинлар гуруҳ бўйича ҳисобланади.

Экилган озуқабоп экинлар зарарлангандан сўнг экин майдонларидан хўжалик яйлов сифатида фойдаланган бўлса, шу майдонлар учун суғурта қопламаси ҳисобланмайди.

Кўп йиллик мевали дарахтлар зарарланганда ёки нобуд бўлганда зарар миқдори данакли, уруғли, резавор, ёнғоқсимон дарахтлар ва токзор гуруҳлари бўйича фақат ҳосилга кирган майдон учун ҳисобланади.

Кўчатчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар кўчатхоналарда казиб олинган ниҳоллардан ўз эҳтиёжи учун фойдаланадиган бўлса, зарар қийматини аниқлашда минг дона ниҳолнинг нархи ҳисобот йилидаги этиштириш таннархи бўйича ҳисобланади. Махсулотни этиштириш таннархи режалаштирилган таннарх бўйича ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхонаси зарарланган ёки нобуд бўлган дарахтларнинг зарарланганлигини аниқлаш учун тегишли мутахассислар ва қишлоқ хўжалик корхонаси вакиллари билан биргаликда текширув натижалари асосида дарахтларнинг аҳволи ҳақида далолатнома тузилади.

Қишлоқ хўжалик корхонаси зарарланган ёки нобуд бўлган дарахтларни каллаклаш, қирқиш, кўчириш ёки қайта ўстириш учун эр устки қисмини кесиш ишларини бажариб бўлгандан сўнг 15 кун муддат ичида суғурта идораси "Зарар миқдорини ҳисоблаш варақаси"да зарар миқдорини аниқлайди ва қишлоқ хўжалик корхонасига суғурта қопламаси сифатида тўлайди.

Ишлаб чиқаришдаги узилишлардан суғурталашни ташкил этиш технологиялари

Ҳар қандай юридик шахнинг самарали тижорат фаолияти, у махсулот ишлаб чиқариши ёки хизмат кўрсатишидан қатъий назар унинг бир маромда узлуксиз давом этишидадир. Аммо турли кўринишдаги кутилмаган ҳодисалар ушбу жараённинг узилишига сабаб бўлади. Мулкий суғурта шартномалари бўйича суғурта қопламалари фақатгина йўқотилган мулкнинг қиймати учун амалга оширилади. Аммо ёнғин чиққанда ёки ишлаб чиқариш воситаси ишдан чиққанда ва бошқа экстремал ҳолатларда фақатгина бундай харажатлар билан чегараланилмайди. Бундай ҳолатларда тўғридан-тўғри зарарлардан ташқари билвосита зарарлар ҳам юзага келади. Бундай зарарлар сифатида кўзланган фойдани тўлиқ ололмаслик, жорий даромадларни ололмаслик оқибатида хўжалик фаолиятини юритиш харажатларининг қопланмай қолиши, фаолиятни тезлик билан тиклаш учун зарур бўладиган харажатлар кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Бундай харажатлар оддий мулкий суғурта шартномаларида кўзда тутилмайди. Бундай зарарлар ҳажми тўғридан-тўғри бевосита зарарлардан ёки асосий ва айланма маблағларнинг

йўқотилиши ҳажмидан бир неча барабар кўп бўлиши мумкин. Тадбиркорлик фаолиятидаги бундай зарарлар хўжалик фаолиятидаги узилишлардан суғурталаш шартномаси орқали қоплаб берилиши мумкин¹¹.

Хўжалик фаолиятидаги узилишлардан суғурталаш тадбиркорлик фаолиятининг суғурта шартномасида кўзда тутилган ҳодисалар юз бериши натижасида маълум муддатга тўхтаб қолиши туфайли тадбиркорнинг кўрадиган зарарларини қоплашни кўзда тутди. Бу суғурта тури суғурталанувчи учун шундай шароит яратиб беришни кўзда тутдики, бунда тадбиркор суғурта ҳодисаси юз беришидан олдин қандай молиявий имкониятга эга бўлган бўлса, ҳодиса юз бергандан кейин ҳам шундай имконияти сақланади.

Бундай суғурта турининг пайдо бўлиши корхоналарни мулкий суғурта қилиш операцияларининг ривожланиши билан боғлиқ. Бу икки суғурта тури ўзаро боғлиқ бўлиб, кўп ҳолларда хўжалик фаолиятидаги узилишлардан суғурталаш мулкий суғурта шартномасига қўшимча сифатида тузилиб, бир шартнома билан расмийлаштирилади. Алоҳида шартномалар орқали суғурта амалга оширилган ҳолатда ҳам суғурталовчи битта бўлади. Бу, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта ҳодисаси билан боғлиқ ҳолатни ўрганиш ва қарор қабул қилишда қулайлик яратади.

Хўжалик фаолиятидаги узилишлардан суғурталашнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, уларнинг бир-биридан асосий фарқи, ишлаб чиқаришнинг тўхташига нима сабаб бўлишидир. Хўжалик фаолиятидаги узилишлардан суғурталашнинг кенг қўлланилаётган турларидан бири, ишлаб чиқаришнинг ёнғин натижасида ва бошқа ҳолатлар (стихияли ҳодисалар, портлаш, авария) натижасида тўхтаб қолишидан суғурталашдир. Иккинчи кенг тарқалган тури, ишлаб чиқариш воситаларининг бузилиши оқибатида ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолишидан суғурталашдир. Бундай суғуртани алоҳида ишлаб чиқариш машинаси учун ҳам қўллаш мумкин, қачонки бундай машиналарнинг тўхтаб қолиши мазкур корхона фаолиятига жиддий таъсир кўрсатадиган бўлса.

Қурилиш-монтаж рискларини суғурталашнинг ихтиёрий ва мажбурий турларини амалга ошириш технологиялари.

Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бир қанча ўзига хос рисклар билан боғлиқ бўлиб, бу рисклар юз берганда катта миқдордаги кутилмаган йўқотишларга сабаб бўлиши ва натижада қурилиш-монтаж ишларининг тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатнинг олдини олишнинг энг мақбул йўлларида бири суғурталашдир.

Суғурта фаолиятида қурилиш-монтаж рискларини суғурталаш дунё мамлакатларида кенг тарқалган суғурта турларидан ҳисобланади. Ушбу суғурта тури кўпгина мамлакатларда ихтиёрийлик асосида амалга оширилишидан ташқари, давлат маблағлари ва ҳукумат кафолатлари остида олинган кредитлар ҳисобидан барпо этиладиган объектлар билан боғлиқ рисклами мажбурий суғурталаш амалга оширилади. Худди

¹¹ Сплетухов Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование. Москва. ИНФРА-М. 2006 стр.79

шундай объектлар билан боғлиқ рисклар мамлакатимизда ҳам Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сонли “Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қарори асосида мажбурий тарзда амалга ошириш йўлга қўйилган. Мазкур Қарорга ЎЗР ВМ 27.11.2002 й. 413-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

Мазкур мажбурий суғурта тури объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

Низомда назарда тутилган таваккалчиликлами мажбурий суғурта қилиш бўйича чекланган тарифлар суғурта пулининг 0,4 фоизи миқдорида тасдиқланган.

Молиявий мажбуриятларни суғурталаш технологияси

Корхоналар ва тадбиркорлар томонидан бирор бир бизнесни йўлга қўйиш ва юритиш жараёни маълум ўзига хос рисклар билан боғлиқ. Улар ичида энг кенг тарқалган рисклар сифатида шартномада белгиланган пул маблағини тўлай олмаслик ёки ўз вақтида тўлай олмаслик, товар ёки хом-ашёни этказиб бермаслик ҳолатлари ҳисобланади. Молиявий рисклар суғуртаси шундай ҳолатларнинг юз бериши натижасида ҳосил бўладиган зарарлардан суғурталашни назарда тутаяди.

Молиявий рисклар суғуртасининг объекти бўлиб, фойдани ололмаслик, маълум мақсадга йўналтирилган маблағни йўқотиш ёки кўзда тутилмаган ҳаражатларнинг ҳосил бўлиши rischi билан боғлиқ мулкий манфаатлар ҳисобланади.

Суғурта ҳодисаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-ҳамкорнинг имконияцизлигининг юзага келиши, тўловни ўз вақтида тўлай олмаслик ҳолатининг юзага келиши натижасида шартнома мажбуриятларини бажара олмаслик ҳолатининг юзага келиши.

Қуйидаги ҳолатлар суғурта ҳодисаси сифатида қабул қилинади:

-суд қарорининг кучга кириши билан ҳамкорнинг имконияцизлигининг юзага келиши;

-тадбиркор фаолияти билан боғлиқ кўзда тутилмаган ҳаражатларнинг юзага келиши.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар суғурталанувчи томонидан шартномада белгиланган мажбуриятлар ўз вақтида тўлиқ бажарилган ҳолатда суғурта ҳодисаси сифатида қабул қилиниб, белгиланган коплама тўлаб берилади.

Жавобгарликни суғурта қилишнинг умумий тавсифи ва хусусиятлари

Суғурта ишлаб чиқаришнинг ривожланишига кўмаклашиш мақсадида бозор муносабатларига асосланган ўзгарувчан иқтисодиётда ноаниқлик

хавфи даражасини камайтириш имконини берадиган суғурта шартномасини тузиш орқали, ушбу шартномада кўзда тутилган муайян ҳодиса рўй берганида тадбиркорга кўрилган зарарлар мувофиқ тарзда қопланишини кафолатлайди, давлат иқтисодиётига умумий ижобий таъсир кўрсатади, зарарларни қоплашда бюджет маблағларини тежаш имконини беради, узок муддатли инвестицияларнинг энг барқарор манбаларини йратади.¹²

Жавобгарликни суғурта қилиш суғурта фаолиятининг мустақил йўналиши бўлиб, мамлакатимиздаги суғурта фаолияти учун нисбатан янги ҳисобланади. Суғуртанинг ушбу турида суғурта объекти сифатида учинчи шахсларга ёки мулкига этказилган зарар учун суғурталовчининг мажбурий суғурта бўйича қонун доирасида ва ихтиёрий суғурта бўйича шартномага кўра жавобгарлигини кўзда тутилади. Жавобгарликни суғурта қилишда суғурталовчининг жавобгарлиги бошланганлиги суғурта хавфи деб ҳисобланади. Бунда жавобгарлик суд органлари томонидан аниқланиши ёки зарар этказувчининг кўнгилли иқрори орқали белгиланиши мумкин.

Жавобгарликни суғурталаш, этказилган зарар миқдорини аниқлаш энг осон бўладиган суғурта тури ҳисобланади. У суддан ташқари тўловларни, суд харажатларини, шунингдек, суғурта шартномасида келишиб олинган бошқа харажатларни ўз ичига олади.

Суғурта амалиётида фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш, профессионал хизматлар кўрсатишдаги жавобгарликни суғурта қилиш, мажбуриятларни бажармаслик бўйича жавобгарликни суғурта қилиш, шунингдек бирон шахснинг мулкий манфаатлари суғурта қилинган бўлиб, бу тўғрида шартнома тузилган ва ушбу шахснинг фуқаролик жавобгарлигини қонунчилик тартибида учинчи шахсларга этказилган зарарни қоплаш мажбурияти билан боғлиқ ҳолатлар суғурта предмети деб ҳисобланган жавобгарликни суғурта қилишнинг бошқа турлари қўлланилади.

Фуқаролик жавобгарлиги мулкий тусга эга: зарар этказган шахс жабрланувчига, яъни учинчи шахсга зарарни қоплаб бериши лозим. Фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси орқали ушбу мажбурият суғурталовчи зиммасига ўтказилади. Суғурта қилинувчи жиноий, маъмурий жавобгарликка тортилиши, яъни ўзининг учинчи шахсга нисбатан қонунга зид ҳаракатлари учун қонун олдида жавобгар бўлиши мумкин. Лекин, учинчи шахсга этказилган мулкий зарар суғурталовчи зиммасига юклатилади.

Этказилган зарар учун жавобгарликни суғурта қилишнинг ўзига хусусияти шундан иборатки, бундай суғурта зарар этказилиши мумкин бўлган шахслар (наф олувчилар) фойдасига тузилади.

Жавобгарликни суғурта қилиш – суғурта қилинувчига эҳтимолий зарарлар ўрнини қоплашга йўналтирилган суғурта туридир. Суғурталанувчи – жисмоний шахс учун зарарлар шундан иборатки, унга нисбатан даъво кўзғатилганида, мулкни суғурта қилишда бўлганидек

¹² Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institut, Great Britain, 1993, 105 pg

мулкнинг фақат бир қисми, бирон аниқ буюми эмас, балки унинг барча моддий бойликлари хавф остида қолиши мумкин. Суғурта қилинувчи – юридик шахс, агар унга нисбатан учинчи шахслар томонидан даъво кўйсалар, жавобгарликни суғурта қилиниши доирасидаги пассивлар ортишини компенсациялайди.

Шартномасиз (деликт) жавобгарликни суғурта қилиш (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 918-моддаси) ҳамда этказилган зарарни қоплаш ва фуқаролик жавобгарликни шартномавий суғурта қилинишига сабаб бўлувчи фуқаролик қонунлари бузилиши учун жавобгарликни суғурта қилиш (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 919-моддаси) турлари мавжуд.

Жавобгарликни суғурта қилишнинг мақсади – суғурта қилинувчи бўлмаган жабрланувчига зарарни қоплашдан иборат.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликни суғурта қилишда суғурта қилдирувчи (ёки бундай жавобгарлик юклатилиш мумкин бўлган бошқа шахс) нинг жисмоний шахсга ёки унинг мулкига, шунингдек юридик шахсга этказган зарарини қоплаши билан боғлиқ бўлган манфаатлари суғурта объекти деб ҳисобланади.

Фуқаровий жавобгарлик бўйича даъво тақдим этиш учун қуйидагилар мавжуд бўлиши лозим:

- жисмоний, маънавий, молиявий, моддий ва бошқа зарарлар;

- ҳуқуқбузарнинг айби ёки қонунга зид ҳаракати (ҳаракацизлиги), улар орасидаги боғлиқлик;

Жавобгарликни суғурта қилишдаги суғурта ҳодисасини тартибга солишда суғурта қилинувчи, суғурталовчи ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатлар муҳим аҳамиятга эга.

ИШ БЕРУВЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Иш берувчининг жавобгарлигини суғурта қилиш қонун бўйича жавобгарлик ҳолатларида ўз хизматчиларининг функционал мажбуриятларни бажариш жараёнида этказилган жароҳат, шикастланиш ёки вужудга келган касб касалликлари ва этказилган зарар учун товон тўланишини кўзда тутаяди. тўланадиган товон миқдорида даъвогарнинг суд ишини юритиш бўйича харажатлари ҳам киритилади. Бундай суғуртадан мақсад – иш берувчининг унинг хизматчилари ҳалок бўлган ёки жароҳатланган ҳолатларда даъво аризалари билан боғлиқ ҳар қандай харажатларини қоплашдир. Хизматчилар кийим-бошига ёки мулкига этказилган зарар бунга киритилмайди (гарчи иш берувчи бунинг учун жавобгар бўлиши мумкин бўлсада).

Суғурта мукофоти ҳажми одатда турли тоифадаги ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақига боғлиқ бўлади. Бунинг сабаби шундаки, ишчи ва хизматчилар бажарадиган ишлар уларга зарар этказилиш эҳтимоли бўйича фарқланади. Энг хавфсиз ходимлар тоифалари бу – хизматчилар ва бошқарув персоналидир. Қурилишдаги рисклар эса жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи турли тоифадаги ишчиларни намоиш этиш учун яхши мисол бўла олади. Уларнинг орасида портлатувчилар, ғишт терувчилар ва деярли битказилган бинода ишлайдиган сувоқчилар бор. Суғурта қилувчи идоралар

суғурта тарифларини белгилашда бу фарқларни ҳисобга олишга ҳаракат қилади.

Иш берувчининг жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича тўланадиган товон ҳажми қонунчилик билан белгиланиши мумкин. Айрим мамлакатларда ишчи ва хизматчиларга шикаст этказилган ёки улар ҳалок бўлган ҳолатларда тўланадиган товон миқдорини аниқлашнинг асосида «Ходимларга товон тўлаш (компенсация)» схемалари ётади.

ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Барча сотувчилар, уларнинг ишлаб чиқарувчи, воситачи ёки чакана савдогар ҳисобланишидан қатъи назар, товарлар харидорлари ёки мижозлар олдида маҳсулотни истеъмол қилиш оқибатида уларнинг саломатлигига зиён келтириш ва этказилган зарур учун жавобгар ҳисобланади. Бу турдаги сон-саноксиз рисклар ичида бир нечта рискни ажратиб кўрсатамиз:

- йирик шохли қорамол гўшти ва парранда гўшти нотўғри қайта ишланган ёки инсон саломатлигига зиён келтирадиган таркибий қисмлардан иборат бўлиши мумкин;

- электр ускуналар нотўғри йиғилган ёки сифациз деталлардан қилинган, бу эса ток уришига олиб келиши ёки ёнғин сабабчиси бўлиши мумкин;

- нотўғри маркировка қилинган пиротехника маҳсулотлари болаларнинг жароҳатланишига олиб келиши мумкин;

- машиналар ва асбоб-ускуналар талабга жавоб бермайдиган материаллардан ёки йиғув пайти хатоликлар билан тайёрланган бўлиши мумкин;

- соч турмаклашда ишлатиладиган лак ва бўёқлар зарарли аралашмалардан иборат бўлиши ёки нотўғри фойдаланилиши мумкин;

- газ ёки кимёвий моддалар чиқиб кетиши инсон саломатлигига зиён келтириши ёки моддий зарар этказиши мумкин.

Мўйна ёқа дерматит касаллигига олиб келган ҳолатда бўлгани каби кўп сонли жавобгарлар жалб қилиниши мумкин. Жавобгарлар орасида магазин, мўйнадўз, мўйнага бўёқ берган фирма, мўйнага ишлов берган фирма ва бошқалар бўлган.

Бу мисол шуни кўрсатадики, ҳар бир кишининг ҳаракатларига ва исботлаб берилган бепарволик даражасига боғлиқ бўлган жавобгарликка олиб келадиган кўплаб омиллар мавжуд.

КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ

Касбий фаолиятни суғурта қилиш касбий фаолият натижасида рўй берган жисмоний шикастланиш ёки зарар этказилиши туфайли юзага келиши мумкин бўлган даъволардан ҳимояни таъминлаш учун амалга оширилади. Фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш билан бўлган ҳолатдаги каби, дуч келиши мумкин бўлган рисклар сони чексиздир. Қуйида уларнинг айримларини келтириб ўтаемиз:

- Сюрвеер мижозга нуқсонларга эга бўлган кўчмас мулк харид қилинишига олиб келган хулоса берган.

- бухгалтернинг ҳисоб-китобларда хатога йўл қўйиши ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган акциялар харид қилинишига олиб келган.

- дорихоначи дорини нотўғри тайёрлаган.
- адвокат молиявий йўқотишларга олиб келадиган нотўғри маслаҳат берган.

- суғурта брокери суғурта коплами мавжудлигини тасдиқлаши, лекин уни ҳужжатлар билан расмийлаштиришни ёддан чиқариши мумкин.

Бу суғурта бозорининг ўзига хос сегменти бўлиб, кам сонли суғурта қилувчиларгина бундай рисклар билан ишлайди, чунки даъволар юзага келиш эҳтимоли жуда юқори.

Маълумки, фуқаро ўзи этказган зарар учун жиноий, фуқаровий ва маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Жиноий жавобгарликнинг мақсади – онгли равишда жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни жазолашдан иборат. Фуқаровий жавобгарликнинг мақсади эса – қасддан эмас (онгсиз равишда) содир этилган зарарни қоплаб бериш. Фуқаровий жавобгарликнинг мақсади – онгли равишда ижтимоий ҳавфнинг интизомий ножўя даражасидан юқори, лекин жиноятдан пастроқ бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни жазолашдан иборат. Жиноий ва маъмурий жавобгарликлар суғурта объекти бўла олмайдилар. Фақатгина фуқаровий жавобгарлик суғурта қилиниши мумкин, чунки у тасодифий, қасддан эмас тусга эга бўлиб, фуқаро томонидан учинчи шахсга эҳтимолий зарар этазилгани тўғрисида маълумотлар бўлиши мумкин. Ундан ташқари, жиноий ва маъмурий жавобгарликлардан фарқли ўлароқ, фуқаровий жавобгарликка нафақат жисмоний шахслар, балки юридик шахслар ҳам тортилиши мумкин.¹³

Қонунчилик базасидан келиб чиққан ҳолда суғуртанинг ушбу тармоғининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти:

- суғурта қилинувчини учинчи томонга зарар этказгани натижасида унга нисбатан зарарни қоплаш бўйича қўйилган фуқаровий-ҳуқуқий даъводан ҳимоя қилиш;

- айбдор томонда этказилган зарарни қоплаш учун маблағ мавжуд бўлмаганида учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Фуқаровий жавобгарлик суғуртасининг икки томонли бўлиши қуйидаги иккита сабаб билан шартланган:

- техник революсия сабабли ишлаб чиқаришда бахциз ҳодисаларни олдини олишдек ижтимоий вазифани ҳал қилишнинг тарихий объектив дастлабки шартлари мавжудлиги;

- суғурта муносабатларининг моҳияти.

Немис олими А.Манес фикрича, “қонуний жавобгарликдан суғурта қилишнинг вазифаси, бу учинчи шахс ёки бегона мулкка этказган зарари учун қўйилган талаб бўйича тўлов учун пул тақдим этиб, суғурта қилинувчини товон тўлаш мажбуриятларидан ҳимоя қилишдир”¹⁴. Ушбу таърифга кўра, суғурта қилинувчига суғурта ҳодисаси юз бергани сабабли унинг шахсий мулки йўқолгани ёки ҳаётида ўзининг шахсий суғуртаси билан

¹³Страхование от А до Я / Под ред. Л.И. Корчевской, К.Е. Турбиной. М.

¹⁴Манэс А. Основы страхового дела. М., 2010. С. 105.

боғлиқ муайян ҳодисалар юз бергани учун эмас, балки учинчи шахсга этказилган зарарни қоплаши учун пул тақдим этилаяпти. Шундай қилиб, фуқаровий жавобгарликни суғурта қилишнинг мақсади, бу зарар этказувчилар (суғурта қилинувчилар)нинг иқтисодий манфаатларини учинчи шахсларнинг даъволарини қондириш шаклида ҳимоя қилишдан иборат. Бунда учинчи шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш ушбу соҳанинг иқтисодий мазмуни ва спецификасини тавсифлаб беради.

Жавобгарлик суғуртасининг мажбурий турларини амалга ошириш технологиялари

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида жавобгарлик суғуртасининг мажбурий турларига алоҳида эътибор қаратилди ва кўпгина жавобгарлик суғуртаси турлари мажбурий суғурта сифатида киритилди.

Ана шундай жавобгарликни суғурта қилишнинг кенг тарқалган турларидан бири - транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурталашдир.

Маълумки транспорт юқори хавфни келтириб чиқарувчи манбалардан бири ҳисобланади. Транспорт воситаси ҳайдовчиси транспорт воситасини бошқариш жараёнида эҳтиёцизлик ёки бошқа сабаблар натижасида учинчи шахсларнинг муайян манфаатларига, яни соғлиғига, ҳаётига ва мулкига зарар этказиши мумкин.

Йўл транспорт ҳодисаси натижасида зарар кўрган шахслар, кўп ҳолатларда айбдорлардан зарарни ундириб ололмайдилар. Бунга икки хил сабаб бўлиши мумкин: 1) айбдорнинг зарарни қоплаши хохламаслиги; 2) айбдорнинг зарарни қоплашга бўлган имконияцизлиги. Ғайри қонуний ҳаракатлар ёки иложсизлик туфайли вуридик ёки жисмоний шахсларнинг соғлиғи, ҳаёти ёки мол-мулкига етказилган зарар айбдор шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Ушбу ҳолатлар ижтимоий аҳамият касб этади. Давлат ўз зиммасидаги бундай ижтимоий ҳимояни мажбурий жавобгарлик суғуртаси орқали амалга оширади.

Бугунги кунда аҳоли турмуш даражасининг ўсиб бораётганлиги транспорт воситалари сонининг дунё мамлакатларида мунтазам ўсишига олиб келмоқда. Бу ўз ўрнида йўл-транспорт ҳодисалари сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида энгил автомобил ишлаб чиқариш саноатининг ривожланиши маълум бир маънода транспорт воситалари суғуртасини ҳамда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни ривожлантириш заруратини келтириб чиқарди.

Ушбу заруратдан келиб чиққан ҳолда 2008 йил 21 апрелда Ўзбекистонда “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда жабрланувчининг мулкига

зарар этганда энг кўпи билан \$1050, жабрланувчининг соғлиғи ёки ҳаётига зарар этганда эса энг кўпи билан \$1950 миқдордаги маблағни тўлашни кўзда тутди. Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 16 мартда қабул қилинган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 222-сон қарори қабул қилиниб, унга кўра жавобгарлик ҳажми жами 40 млн. сўм қилиб белгиланди ва ушбу сумманинг 65 % фуқарога етказилган зарар учун ва қолган 35 % транспорт воситасига етказилган зарар учун мўлжалланган.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда суғурта полиси қиймати биринчи навбатда транспорт воситасининг турига боғлиқ. Улар қуйидагича классификацияланади: 1) енгил автомобиллар; 2) юк автомобиллари; 3) Автобуслар ва микроавтобуслар; 4) Трамвайлар, мотоцикиллар ва мотороллёрлар, тракторлар, ўзиюрар йўл-қурилиш машиналари ва бошқа машиналар.

Бундан ташқари қуйидаги ҳолатлар бўйича суғурта полиси нархини орттирувчи ва пасайтирувчи коеффициентлар қўлланилади:

- транспорт воситаси рўйхатга олинган жой;
- ўтган давр давомида суғурта ҳодисаларининг рўй берган ёки бермаганлиги;
- транспорт воситасидан фойдаланишнинг мавсумийлиги;
- суғурта шартномасининг даврийлиги.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталанганда суғурталанувчи йўл-транспорт ҳодисаси айбдори бўлиб қолса ва учинчи бир шахсга зарар этказса, бундай вақтда суғурталанувчи ёки суғурталанувчининг ваколатига эга бўлган шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўгандан сўнг 72 соатдан кечикмаган ҳолда суғурта компаниясининг, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ҳодиса содир бўлган ва транспорт воситаси рўйхатга олинган ҳудудлардаги бўлимларини ёзма равишда воқеадан хабардор қилиши лозим.

Шунингдек, суғурта компаниясига суғурта полисининг асли ёки нусхасини илова қилган ҳолда суғурта тўловини тўлаш ҳақидаги ариза, етказилган зарар факти ва миқдорини, мулкка етказилган зарар вақти ва миқдорини, жабрланувчининг шахсини, ворислик ёки ҳуқуққа эгаликнинг кучга киришини тасдиқловчи ҳужжатларни, шунингдек, ворисларнинг шахсини ва ҳуқуққа эгаликнинг давлат рўйхатидан ўтганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Ўз навбатида, суғурта компанияси 15 кун муддатдан кечиктирмаган ҳолда суғурта қопламасини тўлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиши ва ўз қарорини суғурталанувчига маълум қилиши шарт. Суғурта қопламаси тўлаш рад қилинганда, рад қилиш тўғрисидаги қарорда асословчи далиллар кўрсатилган бўлиши шарт.

Суғурталанувчи, биринчи навбатда, ўз ташаббуси ёки суғурта

компаниясининг талаби билан зарарланган мулкни ёки унинг қолдиқларини зарар этказилиш ҳолатларини аниқлаш ва қопланиши талаб этиладиган зарар миқдорини аниқлаш мақсадида кўриб чиқиш ва мустақил экспертизадан ўтказиш учун суғурта компаниясига тақдим этиши шарт.

Суғурта компанияси эса, ўз навбатида, агар ўзаро ёзма равишда бошқа муддат келишилмаган бўлса, зарарланган мулк ёки унинг қолдиқларини беш лсундан ортиқ бўлмаган муддат ичида кўриб чиқиши ва мустақил экспертизаси ўтказиши даркор.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси бугунги кунда хизмат бурчини бажараётган пайтида жароҳат олган ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини кўзда тутди. Меҳнат Кодекси иш берувчининг ходимига этган зиён учун жавобгар эканини белгиланган. Маълумки, Меҳнат Кодексининг 189- ва 192-моддаларига биноан, иш берувчи олган жароҳати, касб касаллиги ёки меҳнат жараёни билан боғлиқ равишда соғлиғига этган зарарни, шунингдек боқувчисини йўқотганлик учун этган зарарни белгиланган тартибда тўлиқ қоплаши шарт.

Кўриниб турибдики, хизмат бурчини ўтаётган пайтда жароҳат олган ходимларни моддий жиҳатдан ҳимоялаш иш берувчи ҳисобидан амалга оширилади. Ходимнинг хизмат бурчини ўтаётган пайтда олган жароҳати учун иш берувчи жавобгар ҳисобланади.

Шу билан бирга, иш берувчи қоплаши керак бўлган зарар ҳажми доим ҳам иш берувчининг молиявий имкониятларига мос келадими ёки иш берувчининг фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки иш берувчи қоплаши керак бўлган зарар ҳажмига бир вақтда ва ҳар ойда тўланиши керак бўлган компенсация тўловлари кириши мумкин. Масалан, Меҳнат Кодексининг 190-моддасига биноан, ходимнинг соғлиғига этган зарар учун қопланиши керак бўлган маблағ ходим жароҳат олган вақтга қадар олган ойлик ўртача иш ҳақига қўшимча равишда, ходим олган жароҳат даражасига қараб белгиланган ойлик фоиз, жароҳат олиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш, шунингдек, бир марталик нафақа кўринишидаги тўловдан иборат. Бир марталик нафақа ҳажми жамоа шартномасида, агар шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бунда жароҳат олган ходимга тўланадиган бир марталик нафақа ҳажми жароҳатланган ходимнинг бир йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги, ҳалок бўлган ходимнинг оила аъзоларига бериладиган бир марталик нафақа ҳажми эса ҳалок бўлган ходимнинг олтига ўртача йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Шу муносабат билан, 2009 йилда мамлакатимизда “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб амалга киритилди. Қонун ходимларнинг хизмат бурчини ўтаётган пайтда ҳаёти ёки саломатлигига

зиён этиши ёки касб касаллигига учраши, ҳалок бўлиши ёхуд касб касаллиги оқибатида вафот этиши боис иш берувчининг жавобгарлиги юзага келган ҳолларда суғурта компаниялари томонидан даврий ва бир марталик тўловларни тўлаш учун зарур маблағларни тўлашларини таъминловчи мураккаб тизим учун асос бўлиб хизмат қилади.

Суғуртанинг ушбу турининг мажбурийлиги биринчи навбатда мамлакатнинг барча иш берувчиларини қамраб олиш имконини берди. Бу эса ўз навбатида суғуртанинг ушбу тури бўйича минимал суғурта тарифларини қўллаш имконини яратди. Моҳиятан, мажбурий суғуртанинг бу тури мамлакат иш берувчилари ўртасида кўрган зарарларни қоплаш учун мўлжалланган маблағларни қайта тақсимлаш механизми сифатида иш кўради.

Бу механизм биринчи навбатда жабр кўрган ходимларнинг кўрган зарарини қонунда белгиланган суғурта суммаси доирасида қоплаш кафолатини таъминлайди. Иккинчидан, мажбурий суғурта иш берувчи ўзининг жабр кўрган ходмига зарарни қоплаб берганда ҳам молиявий барқарорлиги сақланиб қолишини таъминловчи реал усул бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур суғурта турига асосан иш берувчи, суғурталовчи, аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи, жабрланувчи ва наф олувчи ушбу мажбурий суғурта турининг субъектлари ҳисобланади. Жисмоний шахс билан қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузган юридик ёки жисмоний шахс иш берувчи деб эътироф этилади.

Иш берувчи билан келишилган иш фаолиятини амалга ошираётганда бахциз ҳодиса натижасида жароҳат олган, майиб бўлган ёки вафот этган, касб касаллигига дучор бўлган ходим жабрланувчи ҳисобланади ва суғурта қопламасини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Наф олувчи - ходим ўз хизмат вазифасини бажараётган вақтда ҳалок бўлган ҳолларда суғурта қопламасини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсдир. Масалан, ҳалок бўлганнинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатиз шахслар, шунингдек, ҳалок бўлган кишининг ишламайдиган ёки болалар тарбияси билан банд бўлган хотини (ёки эри), фарзандлари, уч ёшга этмаган ука ва сингиллари, набираларини тарбиялаётган оиланинг бошқа аъзоси.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда суғурта мукофоти қуйида келтирилган формулалар орқали аниқланади: шартнома 1- йил муддатга тузилганда:

$$СМҚ = СС \times ЙБС \times СТК / 100$$

Шартнома 1- йилдан кам муддатга тузилганда:

$$СҚМ = СС \times ЙБС \times СТК / 100 / 365 \times К$$

Бу эрда:

СМҚ - суғурта мукофоти қиймати;

СС - суғурта суммаси;

ЙБС - йиллик базавий ставка;

СТК - суғурта тарифминг мос коеффицинти;

К - шартнома тузиладиган кунлар сони.

Мажбурий суғуртанинг ушбу тури бўйича суғурта суммаси куйидагича белгиланади:

- мажбурий суғурта шартномаси тузилаётган санага келиб бир йилдан кўп фаолият олиб борган иш берувчи учун - иш берувчининг барча ходимларининг ушбу шартнома тузилгунигача ўтган ўн икки ойда олган йиллик иш ҳақи ҳажмида;

- ўз фаолиятини янгитдан бошлаётган иш берувчи учун - барча ходимларнинг мажбурий суғурта шартномаси тузилгандан кейин келадиган ўн икки ой учун оладиган иш ҳақи ҳажмида. Бунда йиллик иш ҳақи миқдори биринчи ойдаги иш ҳақини ўн иккига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш зарурки, суғурта қопламасини тўлаш муддатига қараб уни тўлаш тартиби белгиланади. Агар етказилган зарарни қоплаш бир йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган тўловларни кўзда туца, у ҳолда суғурта тўловлари бевосита жабрланган ёки наф олувчига тўланади.

Агар етказилган зарарни қоплаш бир йилдан кўп муддатга мўлжалланган тўловларни кўзда туца, у ҳолда суғурта тўловлари суғурталовчи томонидан иш берувчига тўланади. Бунда иш берувчи ҳаёт суғуртасига ихтисослашган суғурталовчи билан аннуитетлар шартномасини тузади ва суғурталовчи тўлаб берган суғурта қопламасини аннуитетлар шартномасини тузган суғурталовчига тўлиғича ўтказиб беради. Шу тариқа, жабрланувчи ёки наф олувчи аннуитетлар шартномаси бўйича мунтазам равишда ойлик тўловларни олади.

2015йилнинг 15 апрелида Олий мажлис томонидан қабул қилинган ва 26 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган мажбурий суғурта тури “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш” деб аталади. Унга кўра, йўловчилар ташиш транспортида, темир йўл, ҳаво, дарё транспортида йўловчиларни ҳамда уларнинг мол-мулкани тижорат асосида ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи ва бунинг учун махсус рухсатномага (лицензияга) эга бўлган юридик шахсларнинг йўловчилар олдидаги жавобгарлиги суғурталанади.

Ушбу суғурта тури асосида бахциз ҳодиса натижасида йўловчига ва унинг мулкига етказилган зарарни қоплашнинг юқори чегараси 11000 АҚШ доллари миқдорида белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 30 январдаги “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида” ги қароир асосида қопламанинг юқори чегараси 44 млн. сўм қилиб белгиланди ва унинг 40 млн. сўм қисми йўловчига етказилган зарар учун ва қолган 4 млн. сўм

йўловчининг мулкига етказилган зарар учун тўлаш белгилаб қўйилди.

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули қуйида кўрсатилган формулага мувофиқ аниқланади:

$C_c = C_n \times B$, бунда:

C_c — ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули;

C_n — битта йўловчига белгиланган суғурта пули;

B — ташувчи томонидан фойдаланилаётган барча транспорт воситаларининг ишлаб чиқарувчи завод паспортлари бўйича йўловчи сифими, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича умумий фойдаланишдаги темир йўлларда қатновчи, бошқа давлатлар темир йўл ташувчиларига тегишли бўлган вагонлар бундан мустасно. Бунда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича умумий фойдаланишдаги темир йўлларда қатновчи, бошқа давлатлар темир йўл ташувчиларига тегишли бўлган вагонлардаги йўловчиларга нисбатан суғурта ходисаси содир бўлиши суғурталовчини суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятни бажаришдан озод қилмайди.

Жавобгарлик суғуртаси тармоғида касбий жавобгарликларни суғурта қилиш билан боғлиқ суғурта турлари ҳам муҳим ҳисобланади. Ушбу суғурта турлари суғура амалиётида мажбурий ва ихтиёрий тарзда амалга оширилади. Мамлакатимизда ўз касбий жавобгарлигини мажбурий тарзда суғурталаш белгиланган касблар сифатида аудиторлар, хусусий нотариуслар, баҳоловчилар, адвокатлар, божхона юк ташувчилари каби касб эгаларини келтириш мумкин.

Касбий жавобгарликни суғурта қилиш суғурталовчининг суғурта объектига етказилган зарарни тўлиқ ёки қисман қоплаш бўйича мажбуриятларини кўзда тутувчи суғурта турларини ифода этади. Бунда маълум касб эгаси бўлган жисмоний шахснинг мулкий манфаатлари суғурта объекти бўлиб ҳисобланади. Ушбу объектни суғурта қилиш тўғрисида фуқаролик қонунчилиги томонидан белгиланган тартибда жисмоний шахснинг касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида учинчи шахсга (мижозга) етказилган моддий зарарини қоплаш мажбуриятлари билан боғлиқ суғурта шартномаси тузилади. Касбий фаолиятга талаблар ва уни амалга ошириш тартиби тегишли қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

Касбий жавобгарликни суғурталаш касбий фаолиятни амалга оширишда учинчи шахсга зарар етказилиши мумкин бўлган турли касб тоифаларининг мулкий манфаатларини суғуртавий ҳимоялашни кўзда туттади. Бундай касб эгалари сифатида шифокорлар, нотариуслар, баҳоловчилар, экспертлар, қўриқчилар, адвокатлар, аудиторлар ва бошқаларни келтириш мумкин.

Касбий жавобгарлик суғуртасининг бошқа суғурта турларидан фарқли жиҳати шундаки, суғурта ходисасининг юз бериши ташқи омилларга (табiiй офатлар ва кесин ўзгаришлар, учинчи шахс ҳаракатлари ва ҳоказолар) эмас, балки муайян касбий фаолиятни амалга

оширадиган суғурталанувчининг малакасига боғлиқ. Суғурталанувчининг малакасизлиги суғурта ҳодисасининг юз беришига олиб келувчи асосий сабаб исобланади.

Мазкур суғурта турида кўпчилик ҳолатларда суғурта ҳодисаси суднинг суғурталанувчи томонидан мижозга моддий зарар этказилганлиги учун мулкӣ жавобгарлигини белгиловчи қарори асосида тан олинади.

Касбий жавобгарликни суғурталашнинг ҳар бир тури маълум бир касбнинг ўзига хос хусусиятлари билан асосланган ўз хусусиятларига эга. Ҳар бир маълум касбнинг ўзига хос хусусиятлари касбий жавобгарликни суғурталаш шартномасини тузишда ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонунининг 20-моддасига биноан шахсий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз фаолиятини суғурта қилиш шартномасини тузиши шарт.

4-мавзу. Ўзаро суғуртани амалга ошириш технологияларининг назарий ва амалий жиҳатлари.

Режа.

1. Ўзаро суғурта назарияси.
2. Ўзаро суғуртани амалга ошириш технологиялари.
3. Ўзаро суғуртани амалга ошириш технологияларининг хориж тажрибаси.

1. Суғурта мустақил иқтисодий категория ва иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Бунда ўзаро суғурта суғуртанинг ажралмас ва шу билан бирга ўзига хос нотижорат шакли ҳисобланади.

Ўзаро суғурта тўғрисидаги назарий тушунчалар унинг пайдо бўлиши, амалий қўлланилиши ва такомиллашуви давомида тадрижий ривожланиб келаётган бўлсада, унинг моҳияти тўғрисидаги қарашларда мунозаралар давом этмоқда.

Ҳозирги замондаги маълумотга оид нашрларда ўзаро суғурта жисмоний ёки юридик шахслар ўртасидаги ўзаро келишув бўлиб, улар ўртасида ўзаро келишиб олинган шартлар асосида юз берган ҳодисадан кўрилган зарарни қоплаб бериш билан боғлиқ фаолият эканлиги таъкидланган,¹⁵ шу билан бирга суғуртавий ҳимоянинг алоҳида шакллари билан бири бўлиб, бунда суғурталанувчи бир вақтнинг ўзида суғурталовчи сифатида иштирок этиши таъкидланган.¹⁶

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг “Икки томонлама суғурта” деб номланган 960-моддаси ўзаро суғуртага бағишланган бўлиб, ушбу моддада шундай дейилган: “Фуқаролар ва юридик шахслар ўз мол-

¹⁵ <http://yas.yuna.ru/>.

¹⁶ [http://www.glossaru.ru/cgi-bin/gl_skh2.cgi?R0pC1\\$stul!vwgiu](http://www.glossaru.ru/cgi-bin/gl_skh2.cgi?R0pC1$stul!vwgiu); Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь-5е изд., перераб.и доп.-Москва, 2007.

мулкларини ҳамда ушбу Кодекс 915-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган бошқа мулкый манфаатларини икки тарафлама асосда, бунинг учун икки томонлама суғурта қилиш жамиятларида зарур маблағларни бирлаштириш йўли билан суғурта қилишлари мумкин. Икки томонлама суғурта қилиш жамиятлари ўз аъзоларининг мол-мулки ҳамда бошқа мулкый манфаатларини суғурта қилишни амалга оширади ва тижоратчи бўлмаган ташкилот ҳисобланади.¹⁷

Россия Федерациясининг 2007 йилда ўзаро суғурта тўғрисида қабул қилинган қонунида аъзолар ўртасида ташкил этилган Ўзаро суғурта жамиятида аъзоларнинг маблағларини бирлаштирган ҳолда уларнинг мулкый манфаатларини суғурталаш амалга оширилиши белиланган.

Суғурта фонди тижорат суғурта ташкилоти томонидан ҳам, ўзаро суғурта жамияти томонидан ҳам ва ўз-ўзини суғурталовчи ҳар қандай ташкилот томонидан ҳам ташкил этилади. Биринчи ҳолатда суғурта фонди фақатгина суғуртавий зарарни қоплашни кўзда тутмайди. Бунда биринчи ўриндаги мақсад фойда олишдан иборат. Учинчи ҳолатда корхона томонидан ташкил этиладиган суғурта фонди фақат суғуртавий зарарни қоплаш мақсадида ташкил этилсада, аммо бу фонд корхона кўриши мумкин бўлган зарарни тўлиқ қоплаш имконига эга бўлмайди ва иккинчи томондан корхонанинг асосий фаолияти учун зарур бўладиган маблағни чегаралаб қўяди. Бу эса корхонанинг ўз олдига қўйган асосий мақсадини амалга оширишига маълум даражада тўсқинлик қилади.

Иккинчи ҳолат, яъни ўзаро суғурта жамияти томонидан ташкил этиладиган суғурта фонди фақат бир мақсадни кўзлайди, у ҳам бўлса мазкур жамият аъзолари кўриши мумкин бўлган суғуртавий зарарни тўлиқ ва ўз вақтида қоплаш.

Ўзаро суғуртанинг тижорат суғуртасидан энг муҳим афзаллиги шундаки, ЎСЖ томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматларининг арзонлиги ва ишончилигидир. Арзонлиги ЎСЖда иш юритиш харажатларининг камлиги, фойда олишнинг кўзда тутилмаганлиги ва ўзаро суғуртада воситачилар хизматидан фойдаланилмаслигидир. Иш юритиш харажатларининг камлиги, ЎСЖларда иш юритишнинг оддийлиги, кўп сондаги мутахассисларга бўлган талабнинг йўқлиги ҳамда ишнинг яхши, кам чиқим ва самарали кетишидан барчанинг манфаатдорлигидадир. Фойда олишнинг кўзда тутилмаганлиги тариф ставкаларида фойда қисмининг йўқлигига ва шу ҳисобдан тариф ставкасининг паст бўлишига ҳамда фойда бўлмаганлиги туфайли фойда солиғи тўланмаслиги таннархнинг пасайишига олиб келади. ЎСЖда воситачи вазифасини ҳам суғурталанувчининг ўзи бажаради, чунки суғурталанувчи бир вақтнинг ўзида суғуртачи ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ЎСЖда воситачилар хизматидан фойдаланилмайди. Маълумки, мамлакатимиз қонунчилигига кўра, воситачи учун ҳақ, у суғурта компаниясига туширган суғурта мукофотининг 25 фоизигача бўлган миқдорини ташкил этиши мумкин. Демак, ўзаро суғуртада

¹⁷ Шеннаев Х.М. Суғурта агентлари учун қўлланма. Т.: 2010, 152-б.

битта шу омилнинг ҳисобидан суғурта бадалини 25 фоизгача пасайтириш имкони туғилади.

Ўзаро суғуртани ташкил этишнинг муҳим принципларидан бири, суғуртавий манфаатларнинг умумийлигидир. Суғуртавий манфаатларнинг умумийлиги касбий умумийлик, тармоқ умумийлиги, ҳудудий умумийлик ва рисклар ҳамда суғурта турлари умумийлигида кўринади. Ушбу умумийликларни қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин.

1-жадвал

Ўзаро суғуртада суғуртавий манфаатларнинг умумийлик белгилари¹⁸

Умумийлик соҳалари	Умумийлик иштирокчилари
Касбий белгилар	врачлик фаолияти, нотариал фаолият, аудиторлик фаолияти, риелторлик фаолияти, фермерлик фаолияти ва ҳоказолар
Тармоқ белгилари	саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, умумий овқатланиш ва ҳоказо
Ҳудудий белгилар	ҳудудий, ҳудудлараро, миллий, трансмиллий
Таваккалчилик белгилари	ёнғин хавфи, иқтисодий хавф, кўчмас мулк билан боғлиқ хавфлар, ҳаёт фаолияти билан боғлиқ хавфлар ва ҳоказо

Жисмоний шахсларни ўзида бирлаштирган ЎСЖларда касбий белгилар муҳим ўрин тутди. Тармоқ белгилари юридик шахсларни ўзида бирлаштирган ЎСЖлар учун муҳим ҳисобланади. Ҳудудий белгилар ЎСЖнинг ривожланганлик даражаси, молиявий имконияти ва бошқа факторлардан келиб чиқади. Таваккалчилик белгилари ЎСЖнинг ихтисослашув хусусиятига боғлиқ.

Ўзаро суғуртада (умумий суғурта соҳасида) иштирокчилар сонининг катталиги принципи муҳим ўрин тутди. Қабул қилинаётган рискларни объектив баҳолаш учун иштирокчилар сони этарли даражада бўлиши керак. Иштирокчилар сонининг этарли даражада бўлиши аъзолик бадалини минимал даражада белгилаш имконини беради. Шунинг учун чет эл тажрибасида ЎСЖлар фаолиятини тартибга солишда аъзолар сонининг камида 50-100 тагача бўлиши талаб этилади.

Ўзаро суғуртанинг яна бир принципи шундаки, ўзаро суғурта инсоф, диёнат ва соф виждонлилик принципларига асосланади. Атайлабдан суғурта ҳодисасини юзага келтириш каби виждонсизлик ҳолатлари ўзаро суғуртанинг парокандалигига олиб келади.

Ўзаро суғуртанинг муҳим ташкилий принципи суғурта ҳодисаси юз берганда кўрилган зарарни барча аъзолар ўртасида тенг тақсимлашдан иборат. Кутилаётган зарарлар олдиндан аъзолар ўртасида тақсимланади, яъни юз бериши мумкин бўлган зарарлар ҳажми олдиндан ҳисоб-китоб қилинади ва ушбу зарарни қоплаш мумкин бўлган жамғармани ташкил этиш

¹⁸ В.И.Рябкина. Страхование. Москва, Экономист 2006 стр.159

учун аъзолар тўлайдиган бадаллар қиймати аниқланади ва шу асосда жамғарма олдиндан шакллантирилади.

Ўзаро суғурта суғурта фондини ташкил этишнинг нотижорат шакли бўлиб, унинг мақсади ушбу жамият аъзоларининг мулкӣ манфаатларини химоя қилишдан иборат. Бунинг учун у жамият аъзоларининг маблағларини бирлаштиради. Жамият аъзолари бир вақтнинг ўзида суғурталовчи ва суғурталанувчи ҳисобланади. Бу эса уларнинг таваккалчиликларини минимал нархларда суғурталашнинг иқтисодий шарт-шароитларини яратади.

Ўзаро суғурта жамиятида агар йил якунлари бўйича олинган мажбуриятларга нисбатан тўпланган маблағлар кўп бўлса, ушбу қисм аъзолар ўртасида тақсимланади ва ушбу тақсимланган маблағлар уларга қайтариб берилиши ёки кейинги йил бадали учун ҳисобланиши мумкин.

Ўзаро суғурталаш жамияти – бу суғуртанинг нодавлат шакли бўлиб, бунда жисмоний шахслар ёки юридик шахслардан иборат ушбу жамиятнинг аъзолари ўзаро келишган шартларда ўз фаолиятлари билан боғлиқ маълум таваккалчиликларнинг юз бериши оқибатида кўриладиган зарарларни қоплайдилар. Ўзаро суғурталаш жамияти юридик шахс мақомига эга бўлиб, ўзи олган мажбуриятлари учун ўз мулки билан жавоб беради. Ҳар бир суғурталанувчи ушбу жамиятнинг пайчи-аъзоси ҳисобланади. Аъзоларнинг энг кам сони жамият уставида белгилаб қўйилади. Бу чегарани белгилашда мазкур мамлакат ҳукумати томонидан қабул қилинган қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган аъзолар сонининг энг кам миқдорлари эътиборга олинishi зарур бўлади.

Ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолияти ривожланган мамлакатларда мазкур жамиятлар ҳудудий, миллий ва халқаро бозорларда фаолият кўрсатувчи йирик хўжалик субъектларига айланганлар.

Ўзаро суғурта тўғрисида юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб ўзаро суғуртанинг тижоратга асосланган суғуртадан асосий фарқли жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ўзаро суғуртанинг нотижорат хусусиятга эгаллиги;
- суғурта фондини бошқариш бўйича барча аъзоларнинг тенглиги;
- жамият аъзолари бир вақтнинг ўзида суғурталовчи ва суғурталанувчи, яъни олинган жавобгарликлар бўйича жавобгарлик барча аъзолар учун тааллуқли эканлиги;
- аъзолар таркибининг профессионал ёки мулкӣ жиҳатдан бир хиллиги;
- инвестицион фаолиятдан олинган даромадни барча аъзолар ўртасида тенг тақсимланиши.

Ўзаро суғуртанинг тижоратга асосланган суғуртадан афзалликлари қуйидагилардан иборат:

-ўзаро суғурталаш жамиятлари максимал сондаги рискларни қабул қилишлари мумкин, тижоратга асосланган суғурта компаниялари бундай кўп сондаги рискларни қабул қилмайдилар, бунинг сабаби биринчидан, мавжуд кўп сондаги рискларнинг таркибида зарарлилик даражаси юқори бўлган рискларнинг мавжудлиги бўлиб, бундай рискларни қабул қилиш уларга фойда эмас зарар келтириши мумкин, иккинчидан, кўп сондаги рискларни

қабул қилиш оқибатида суғурта суммаларининг ҳажми ошиб кетади ва бу ўз ўрнида суғурта мукофоти қийматининг ошишига олиб келади;

-ўзаро суғурталаш жамиятларида, суғурта ҳодисаларининг юз беришига қарши доимий назорат (огоҳлантириш тадбирлари) олиб бориш ва ҳодиса оқибатларидаги зарарлар ҳажмини камайтириш имкониятининг мавжудлигидир;

-ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолиятининг юқори даражадаги шаффофлиги, жамият фаолиятига тегишли бўлган қарорлар қабул қилишдаги мослашувчанлик, яъни кўп ҳолларда аъзоларнинг бир-бирига таниш эканлиги ўзаро ишончни таъминлайди;

-ўзаро суғурта жамияти ўз аъзоларига паст қийматдаги суғурта полисларини таклиф этиш имкониятининг мавжудлиги, бунинг сабаби ўзаро суғурталаш жамияти фойда олишни назарда тутмаганлиги, агентлар хизматидан фойдаланилмаслиги ҳамда бошқа ташкилий ҳамда маъмурий харажатларнинг камлигидир;

-ўзаро суғурталаш жамияти аъзолари томонидан тўланган бадаллар ҳисобидан ташкил этилган суғурта фонди, суғурта ҳодисаларининг кўпроқ содир бўлиши натижасида этмай қолган ҳолатда, аъзолар томонидан кўшимча бадаллар тўланиши жамият қоидаларида белгилаб қўйилади;

-оммавий хусусиятга эга бўлмаган, аммо мазкур ЎСЖ аъзоларига хос бўлган таваккалчиликларни суғурталаш имкониятининг мавжудлиги;

-ЎСЖларнинг нотижорат хусусиятидан келиб чиқиб, қўлланиладиган солиқ ставкаларининг минимал миқдорларини қўллаш имкониятининг мавжудлиги;

-инвестицион фаолиятдан олинадиган даромадда барча аъзолар манфаатдорлигининг таъминланиши;

-нисбатан кичик ҳудудда ҳам барқарор фаолиятни амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги;

-ташкилий ва иш юритиш харажатларини минимал даражада сақлаш имкониятининг мавжудлиги;

-янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқишда барча аъзоларнинг иштирок этиши имкониятининг мавжудлиги, бу ўз ўрнида барча аъзолар учун мос келадиган ва улар фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликларни ўз ичига олган суғурта маҳсулотини ишлаб чиқиш имконини беради;

-бир тармоқ миқёсида ташкил этилган ЎСЖларда огоҳлантириш тадбирларини доимий амалга ошириш ҳисобига суғурта ҳодисаларини сезиларли даражада камайтириш имкониятининг мавжудлиги. Бундай имкониятдан оқилона фойдаланиш охир оқибатда баъзи йилларда ҳаттоки суғурта ҳодисасининг умуман юз бермаслигига ҳам эришиш имконини беради;

-ЎСЖнинг барча аъзоларида мазкур жамиятни биргаликда бошқариш ҳуқуқининг мавжудлиги.

Ўзаро суғурталаш жамиятида базавий иқтисодий принциплардан бири суғурта фаолияти натижалари учун аъзолар ўртасидаги жавобгарликнинг тенглиги хусусиятидир. Суғурта ҳодисалари юз берганда кўрилган зарар

Ўзаро суғурталаш жамияти аъзолари томонидан ташкил этилган суғурта фонди ҳисобидан қопланади, ҳодисалар сони кўпайиш ҳолати юзага келиши натижасида фонд маблағлари этарли бўлмай қолган ҳолатда аъзолар томонидан кўшимча маблағ тўпланиб, мазкур зарарлар қопланади.

Шундай қилиб, иккита ўзаро боғлиқ бўлган вазифа юзага келади: биринчиси - ўзаро суғурталаш жамияти томонидан ташкил этиладиган суғурта фондининг ҳажмини аниқлаш; иккинчидан – суғурта қопламаларининг ҳажмини белгилаш.

Биринчи вазифани ҳал этиш масаласи билан аъзолар жамиятни ташкил этиш босқичида дуч келадилар. Бу босқичда жамият суғурта фондини жамият аъзоларининг кириш ва аъзолик бадаллари ҳисобидан шакллантиради. Бу жараёнда суғурта фондига кўшимча равишда бошқа пул маблағлари ҳам жалб қилиниши мумкин.

Аъзолик бадалларининг қийматини ҳар томонлама тўғри белгилаш муҳим ҳисобланади. Унинг катталиги суғурта фондининг ҳажмини белгилайди. Бу ҳажм ўзаро суғурталаш жамияти фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди.¹⁹

Ўзаро суғуртада суғурта қопламаларининг ҳажмини белгилаш ташкил этилган суғурта фондининг ҳажмидан келиб чиқиб аниқланади. Суғурта фондини ташкил этишда иккита ҳолат бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда суғурта фонди аъзоларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ва олинган жавобгарликларни тўлиқ қоплаш даражасида шакллантирилиши, иккинчи ҳолатда эса суғурта фондининг бир қисми жалб қилинган маблағлар ҳисобидан шакллантирилиши ёки олинган жавобгарликларни тўлиқ даражада қоплашга этарли бўлмаган ҳажмда ташкил этилиши мумкин.

Биринчи ҳолатда қопламаларни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш белгиланиши мумкин. Бу аъзоларнинг суғурта жамиятига бўлган ишончи ва эътиборини янада оширади. Иккинчи ҳолатда, яъни суғурта фондининг бир қисми жалб қилинган маблағлар ҳисобидан олинган жавобгарликларни тўлиқ қоплаш даражасида шакллантирилган бўлсада, жалб қилинган маблағларнинг фоизи ва ўзини қайтариш заруратидан келиб чиққан ҳолда қопламалар ҳажмини кўрилган зарарнинг маълум қисми даражасида (50 фоиздан кам бўлмаган даражада), агар суғурта фонди фақат аъзоларнинг ўз маблағлари ҳисобидан шакллантирилган бўлсада, олинган жавобгарликларнинг маълум қисмини қоплаш даражасида бўлса, шу ҳажмдан келиб чиққан ҳолда қопламанинг маълум фоизи даражасида белгиланиши зарур. Албатта суғурта бадаллари ва қопламалар ҳажмини белгилаш актуар ҳисоблар ёрдамида амалга оширилиши суғурта жамиятининг барқарорлигини таъминлаб беради.

Умумий белгилардан келиб чиққан ҳолда ўзаро суғурталаш жамиятларини турлари бўйича қуйидагича классификациялаш мумкин:

1. Фаолият майдонидан келиб чиқиб, ўзаро суғурталаш жамиятлари қуйидагиларга бўлинади: Халқаро, ўз филиаллари орқали дунёнинг бир нечта

¹⁹ В.А.Зеленчук Совершенствование взаимного страхования от несчастного случая в предпринимательской деятельности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Москва 2013.

мамлакатларида фаолият олиб боровчи ўзаро суғурталаш жамиятлари; минтақавий, бир минтақада жойлашган, бир нечта ўзаро яқин мамлакатда фаолият олиб боровчи ўзаро суғурталаш жамиятлари; миллий, бир мамлакат миқёсида фаолият олиб боровчи ўзаро суғурталаш жамиятлари; ҳудудий, бир мамлакатнинг маълум ҳудудида фаолият олиб боровчи ўзаро суғурталаш жамиятлари; маҳаллий, бир шаҳар ёки туман миқёсида фаолият олиб боровчи ўзаро суғурталаш жамиятлари.

2. Ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича ўзаро суғурталаш жамиятлари нотижорат ҳамкорлик ва истеъмолчи иттифоқларига бўлинади.

3. Кўрсатиладиган суғурта хизмат турларига қараб ўзаро суғурталаш жамиятлари ҳаёт суғуртаси ва умумий суғурта турлари бўйича хизмат кўрсатувчи жамиятларга бўлинади.

4. Қайта суғурта ҳимоясининг мавжудлиги бўйича ўзаро суғурталаш жамиятлари қуйидагиларга бўлинади:

-миллий суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган, тижоратга асосланган суғурта компанияларида қайта суғурталанган ўзаро суғурталаш жамиятлари;

-чет эл суғурта компанияларида қайта суғурталанган ўзаро суғурталаш жамиятлари;

-ўзаро суғурталаш жамиятларининг уюшмаларида қайта суғурталанган ўзаро суғурталаш жамиятлари;

-қайта суғурта ҳимоясига эга бўлмаган ўзаро суғурталаш жамиятлари.

5. Тўланадиган аъзолик бадалининг туридан келиб чиқиб ўзаро суғурталаш жамиятлари қатъий белгиланган аъзолик бадали тўланадиган жамиятлар ва қўшимча бадал тўлаш кўзда тутилган жамиятларга бўлинади.

6. Аъзоларнинг таркиби ва сонидан келиб чиқиб ўзаро суғурталаш жамиятлари жисмоний шахсларни ўзида бирлаштирган жамиятлар ва юридик шахслар ҳамда хусусий тадбиркорларни ўзида бирлаштирган жамиятларга бўлинади. Жисмоний шахслардан ташкил топган жамиятлар учун аъзолар сони камида 300 кишини ташкил этиши керак. Юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлардан ташкил топган жамиятлар камида 10 та юридик шахсни ўзида бирлаштириши талаб этилади.

7. Филиаллар мавжудлигидан келиб чиқиб ўзаро суғурталаш жамиятлари филиаллари мавжуд бўлган жамиятлар ва филиаллари мавжуд бўлмаган жамиятларга бўлинади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида келтирилган классификация ўзгармас эмас, мамлакатдаги иқтисодий ҳолатнинг ўзгариши ва суғурта бозоридаги ўзгаришлардан келиб чиқиб мазкур классификаторга ўзгаришлар киритиш мумкин.

Ўзаро суғурта ва тижоратга асосланган суғурта ўртасида фақатгина рақобат эмас, балки ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ҳам юзага келади. Бу чет мамлакатлар тажрибасини ўрганишдан олинган хулоса ҳисобланади. Бундай ҳамкорлик асосан қайта суғуртада ўз аксини топади. Бундан ташқари, ўзаро суғурта кўпроқ мослашувчан суғурта инструменти бўлганлигидан келиб чиқиб, янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва синашда тажриба майдони ролини ҳам ўтайди. Янги суғурта маҳсулотлари ўзаро

суғурта жамиятларида самарали қўлланилгандан кейин уларни тижорат суғурта ташкилотлари ҳам қўллай бошлайдилар.

Ўзаро суғурта фаолиятини мамлакатда амалга киритиш ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун унинг ҳуқуқий таъминоти мукамал яратилиши муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда ўзаро суғуртанинг ҳуқуқий таъминоти сифатида фуқаролик кодексининг 960-моддасини айта оламиз.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 960-моддаси. Икки томонлама суғурта.

Фуқаролар ва юридик шахслар ўз мол-мулкларини ҳамда ушбу Кодекс 915-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган бошқа мулкий манфаатларини икки тарафлама асосда, бунинг учун икки томонлама суғурта қилиш жамиятларида зарур маблағларни бирлаштириш йўли билан суғурта қилишлари мумкин. Икки томонлама суғурта қилиш жамиятлари ўз аъзоларининг мол-мулки ҳамда бошқа мулкий манфаатларини суғурта қилишни амалга оширади ва тижоратчи бўлмаган ташкилот ҳисобланади.

Икки томонлама суғурта қилиш ташкилотлари томонидан ўз аъзоларининг мол-мулки ва мулкий манфаатларини суғурта қилиш, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида бундай ҳолларда суғурта шартномалари тузиш назарда тутилмаган бўлса, бевосита аъзолик асосида амалга оширилади.

Ушбу бобнинг қоидалари, агар қонунда, тегишли жамиятнинг таъсис ҳужжатларида ёки жамият белгилаган суғурта қилиш қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, икки томонлама суғурта қилиш жамияти билан унинг аъзолари ўртасидаги суғуртага доир муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Икки томонлама суғурта қилиш йўли билан мажбурий суғуртани амалга оширишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Икки томонлама суғурта қилиш жамиятисуғурталовчи сифатида, агар унинг таъсис ҳужжатларида суғурта фаолиятини амалга ошириш назарда тутилган, жамиятнинг ўзи тижорат ташкилоти шаклида тузилган, тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлса ва қонунда белгиланган бошқа талабларга жавоб берса, жамиятнинг аъзолари бўлмаган шахсларнинг манфаатларини суғурта қилишни амалга ошириши мумкин.

Икки томонлама суғурта қилиш жамиятининг аъзоси бўлмаган шахсларнинг манфаатларини суғурта қилиш жамият томонидан суғурта шартномалари асосида ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Икки томонлама суғурта қилиш жамиятлари ҳуқуқий ҳолатининг хусусиятлари ва уларнинг фаолият юритиш шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Европа иттифоқи мамлакатларида ўзаро суғурталаш жамиятлари асосан кичик ва ўрта бизнесни суғурта хизматлари билан таъминлаш ҳамда аҳоли кенг қатламларини ҳаёт суғуртаси хизматлари билан таъминлашни амалга ошириб келмоқда. Ўзаро суғурталаш жамиятларининг афзаллиги шундаки,

улар ўз аъзоларининг узоқ келажакни ўйлаган режаларини амалга оширишда ўзлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг мослашувчанлигини ва қулайлигини таъминлаш имкониятига эгалигидир. Ўзаро суғурталаш жамиятлари ва тижоратга асосланган суғурта ташкилотлари ўзаро рақобатчи бўлишлари билан бирга, улар биргаликда аралаш ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги суғурта компанияларини тузишга ва фаолиятини муваффақиятли йўлга қўйишга эришмоқдалар.

Ўзаро суғуртанинг мақсади – аъзолардан олинган бадалларин энг самарали тарзда бадалларни қоплашга ишлатиш, ҳамда аъзоларни суғурталаш шароитларини яхшилаш ва мазкур жамият фаолиятини янада ривожлантиришдан иборат.

Ўзаро суғурталаш жамияти – бугунги жамиятда иқтисодий ўсиш ва суғурта маданиятининг шаклланишига олиб келувчи оддий, тушунарли ва самарали суғурта шаклидир.

Ўзаро суғурта фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёнида унинг аъзолари (муассислар) ўзаро ва жамият ўртасида уч мазмундаги қўйидаги ҳуқуқий муносабатлар юзага келади: а) жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар, б) жамиятнинг ташкилий ва бошқарув жараёнлари билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ва в) аъзоларнинг мулки ва бошқа мулкрий манфаатларини суғуртавий ҳимоясини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар.

Ўзаро суғурталаш жамияти аъзолари ўртасидаги муносабатлар шартномавий муносабатлар ҳисобланади, ҳуқуқий табиати бўйича оддий ўртоқлик муносабатлари ҳисобланади.

3-жадвал

Ўзаро суғуртанинг тижорат суғуртасидан фарқли хусусиятлари²⁰

№	Нотижорат шаклидаги ўзаро суғурталаш жамияти	Тижоратга асосланган акционерлик суғурта компанияси
1.	Нотижорат шаклидаги ўзаро суғурта жамияти ўз олдида ўз аъзоларини реал суғурта ҳимояси билан таъминлаш ва ва ушбу жамиятни ривожлантиришни мақсад қилиб қўяди.	Тижоратга асосланган суғурта ташкилоти ўз олдида ўз миждозларини суғурта ҳимояси билан таъминлаш, шу билан бирга акционерлар манфаатлари йўлида юқори даромад олишни мақсад қилиб қўяди.
2.	Ҳар бир аъзо бир вақтнинг ўзида суғурталанувчи ва суғуртачи ҳисобланади, шу асосда улар ўртасида манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келмайди.	Суғурталовчи ва суғуртачи мақсадлари турлича бўлганлиги туфайли манфаатлар ҳам бир-бирига мос келмайди.
3.	Ўзаро тенг бўлган барча аъзолар олдида ЎСЖ ўз фаолиятининг шаффофлигини тўлиқ таъминлайди.	Компания фаолиятининг шаффофлиги тўлиқ таъминланмайди, чунки бу

²⁰ Ю.В.Пинкин Справочник страховщика Ростов-на-Дону Феникс 2007 стр.111

		акционерлар манфаатларига мос келмайди ва шу билан бирга мижозларни йўқотиш ҳолатига олиб келади.
4.	ЎСЖни унинг барча аъзоларининг розилигисиз сотиш, бўлиш, қўшиш мумкин эмас.	Мижозларнинг розилигисиз компанияни сотиш, бўлиш, қўшиш амалга оширилиши мумкин.
5.	ЎСЖ сиёсатига асосан ҳар бир аъзо ўз маблағларини суғурта дастурларига инвестиция қилиши мумкин, ўз дастурларини таклиф қилиши, жамият фаолиятида актив иштирок этиши мумкин.	Мижозлар компания фаолиятида иштирок этиши кўзда тутилмайди.
6.	ЎСЖнинг умумий йиғилиши бошқарувнинг олий органи ҳисобланади. Бу таркибга барча аъзолар киради ва ўз овозига эга бўлади.	Акционер жамиятининг олий органи акционерларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади ва бу органга мижозлар аъзо бўлмайди ва қарорлар қабул қилишда таъсир кўрсата олмайди.
7.	ЎСЖ ўз фаолиятини лицензиялашга мажбур эмас ва бу жамият сиёсатини юритишда мослашувчанлик имкониятини беради.	Тижорат суғурта ташкилоти фаолият юритиши учун лицензия олиши шарт ва ўз фаолиятини лицензия талаблари асосида юритишга мажбур.
8.	ЎСЖга мослашувчан баҳо сиёсатини юритиш хос. Суғурта хизматининг нархи бозор нархидан паст бўлиши мумкин. Бунга аъзолар мақсадларининг бирлиги ва маъмурий ва бошқа харажатларнинг камлиги ҳисобига эришилади.	Қатъий тариф сиёсати юритилади ва бу сиёсат суғурталовчи ва акционерларнинг манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Ўзаро суғурталаш жамиятини бошқариш, унинг фаолиятини ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш, қўшиб юбориш, тугатиш, тугатилгандан кейин унинг мулкни тақсимлаш каби масалалар жамиятни ташкил этишда асос бўлган ҳужжатлар, яъни таъсис шартномаси ва жамият низомига асосан ҳал этилади.

Ўзаро суғурталаш жамиятининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва ўз аъзолари олдида олган суғуртавий мажбуриятларини тўлиқ бажариш имкониятини таъминлаш мақсадида у ўз активлари доирасида бажариши мумкин бўлган жавобгарликлардан ортиқ қисмини бошқа суғурта ташкилотига қайта суғутага бериши мумкин.

Бундан ташқари ўзаро суғурталаш жамияти, агар тижоратга асосланган суғурта фаолиятини ҳам амалга оширадиган бўлса, ўз молиявий барқарорлигини таъминлаш ва олган жавобгарликлари доирасида тўловларни

амалга ошириш имкониятини таъминлаш мақсадида йирик ҳажмдаги суғурта шартномаларини бошқа суғурта ташкилоти билан биргаликда, битта суғурта шартномасида олинган жавобгарликларни ўзаро бўлиб олиш орқали биргаликда суғуртани амалга ошириши мумкин.

Ўзаро суғурталаш жамиятларининг тижоратга асосланган суғуртага нисбатан афзалликларидан бири, улар томонидан огоҳлантириш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилишидадир. Маълумки, халқимизда битта нақл бор: касални даволагандан кўра унинг олдини олиш афзал. Ана шу принципдан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ташкил этиладиган ўзаро суғурталаш жамиятларида огоҳлантириш тадбирларига асосий эътиборни қаратиш уларнинг таъсис ва бошқа ҳужжатларида, қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилиши зарур. Бу тадбир иккала томон, яъни мулк эгаси учун ҳам ва ўзаро суғурталаш жамияти учун ҳам манфаат келтиради.

Ўзаро суғурталаш жамиятларини ташкил этиш ҳамда давлат томонидан тартибга солиш технологиялари

Ўзаро суғурта тижоратга асосланган суғуртадан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятларга эга. Буни ушбу икки шаклнинг эволюсион пайдо бўлиш тарихига эътибор қаратганимизда ҳам кўриш мумкин. Ўзаро суғуртанинг пайдо бўлиш тарихи эрамиздан олдинги икки мингинчи йилларга бориб тақалса, тижоратга асосланган суғуртанинг пайдо бўлиши XV асрдан бошланганлигини тарихий маълумотлардан кўриш мумкин. Ушбу икки шаклдаги бир-биридан фарқ қилувчи кўпгина хусусиятлар мавжуд бўлсада, уларнинг ўхшашлик хусусиятлари ҳам этарли даражада. Ўзаро суғурта тижоратга асосланган суғуртадаги каби суғурта фондини шакллантиради, ушбу фондни бошқаради, инвестицион фаолиятни амалга оширади, иш берувчи сифатида фаолият юритади, ўзаро рақобат муносабатларида иштирок этади, турли уюшмаларга аъзо бўлиши ёки уларнинг таркибига кириши мумкин, қўшимча фаолият сифатида суғуртанинг тижорат шаклидаги фаолиятни ҳам олиб бориши мумкин.

Осиё мамлакатларидан Корея, Тайван ва Таиландда ўзаро суғуртанинг сезиларли даражадаги молиявий ўсиши ва фаоллигини кўриш мумкин. Ушбу мамлакатларда ўзаро суғуртанинг нафақани суғурталаш ва ҳаёт суғуртаси турлари асосий ҳажмни ташкил этади. Мулкий суғурта нисбатан паст даражада. Иқтисодий турғунликдан кейин XX-асрнинг охирлари ва 2000-2003 йилларга келиб Осиё бозори олдинги ҳолатини тиклаш ва барқарорлигини таъминлаш билангина чекланиб қолмасдан, ўсишга ҳам эришди. 2001 йилда Осиё мамлакатлари ўзаро суғурталаш бозорининг дунё бозоридаги ҳиссаси 26,5 фоизни ташкил этди.²¹ Мазкур кўрсаткич бугунги кунда ҳам ўртача шундай даражада сақланиб келмоқда.

Японияда сўнгги бир неча йиллар давомида ўзаро суғуртада ўсиш кузатилмаётган бўлсада, ўзаро суғурта катта ҳажмни ташкил этиб

²¹ Дадыков В.Н. Формирование отраслевых систем взаимного страхования и перспективы их развития. Автореферат диссертации на соискание ученой степени д.э.н. Москва 2007. стр.31

келаётганлигини мазкур мамлакатдаги ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи энг йирик ўнта суғурта компаниясининг барчаси ўзаро суғурта жамиятлари эканлигидан ҳам билиб олиш мумкин.

Шимолий Америка ўзаро суғурталаш бозорининг ташкил бўлганига 2017 йилда 265 йил тўлди. 1752 йилда Шимолий Америкада биринчи бўлиб Пҳиладеллҳиа Сонтрибутион ўзаро суғурталаш жамияти ташкил этилган эди. Шу йилдан бошлаб ушбу минтақа мамлакатларида ўзаро суғурталаш фаолияти тез ва барқарор ривожланиб келди. 2011 йилда АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида этказилган зарар тахминан 40 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бу ҳодисадан ўз зиммаларига жавобгарлик олган суғурта компаниялари катта зарар кўрди ва бу зарарнинг асосий қисми ўзаро суғурталаш жамиятлари ҳиссасига тўғри келди. Америка-Канада ўзаро суғурталаш жамияти НАМИСнинг берган маълумотида кўра ўша даврда ўзаро суғурталаш жамиятлари оғир кризисни бошидан кечирди. Аммо шунга қарамасдан 2013 йилга келиб улар фаолиятида яна ўсиш бошланди. Ушбу қитъа мамлакатларида ўзаро суғурталаш соҳасидаги бирдан-бир муаммо қонунчилик даражасидаги қайта суғурталаш масаласида эканлиги таъкидланган.

Африка қитъасининг шарқий ва шимолий қисмида жойлашган мамлакатларда бир вақтлар амалга оширилган баъзи ноҳолис ҳаракатлар натижасида бугунга келиб ўзаро суғурталаш жамиятларининг фаолияти йўқолиб кетган. Аммо ушбу қитъанинг Француз тилида сўзлашиш урф бўлган бир қанча давлатларида ўзаро суғурта фаолияти кенг ривожланган. Бундай давлатлар сифатида Алжир, Сенегал, Марокко, Тунис каби давлатларни келтириш мумкин. 1980 йилларга келиб Гвинея, Фил суяги қирғоғи, Того, Чад каби давлатларда қишлоқ хўжалигини суғурталашга ихтисослашган ўзаро суғурталаш жамиятлари ривожланиш даражасига кўтарилди.

Европа мамлакатларида ўзаро суғурта жамиятлари фаолиятини ривожлантириш, лицензиялаш, уларнинг фаолият юритиши ва молиявий барқарорлиги билан боғлиқ масалаларга Европа иттифоқининг ижро органлари жиддий эътибор билан қарайдилар. Ўзаро суғурталаш жамиятларини лицензиялаш, тўлов қобилятини назорат қилиш, резерв фондларининг меъёрлари каби фундаментал масалалар Европа иттифоқи директивалари билан тартибга солиб борилади. Европа иттифоқи мамлакатларида фаолият кўрсатаётган ўзаро суғурталаш жамиятлари сони 800 дан ортиқ бўлиб, бу жами суғурта ташкилотларининг 20 фоиздан ортиғини ташкил қилади. Бундан ташқари Франция, Финландия ва Германияда жойлашган учта йирик қайта суғурта фаолияти билан шуғулланувчи ўзаро суғурта жамияти фаолият кўрсатади. Европа иттифоқи мамлакатларида фаолият кўрсатаётган ўзаро суғурталаш жамиятларининг асосий қисми ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта турлари билан шуғулланувчи жамиятлардир. Швецияда айниқса ўзаро суғурта фаолияти ривожланган бўлиб, ушбу жамиятлар томонидан кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажми жами суғурта хизматларининг тахминан 52 фоизини ташкил этади.

Суғуртанинг ёнғиндан суғурталаш, автомобил суғуртаси ва қишлоқ хўжалиги суғуртаси турларини Франция, Финландия, Голландия, Австрия, Дания, Норвегия ва Германия каби давлатларда асосан ўзаро суғурталаш жамиятлари амалга оширади.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керак, маълумки халқаро савдонинг асосий қисми денгиз орқали амалга оширилади. Бунда кема эгаларининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлиги, ташилаётган юкка ҳамда йўловчиларга этказиладиган зарар, экипаж аъзоларининг ҳаётини суғурталаш каби суғурта турлари амалга оширилиб, ушбу суғурта турларининг қарийб 95 фоизи ўзаро суғурта клублари деб аталувчи ўзаро суғурта жамиятларида амалга оширилади.

Дунёдаги 10 та энг йирик деб тан олинган суғурта компанияларининг 6 таси ўзаро суғурталаш жамиятидир. Олти триллион доллардан ортиқ активларга эга бўлган 50 та суғурта компаниясининг 21 таси ўзаро суғурташ жамияти бўлиб, уларнинг ҳиссасига 3 триллион долларга яқин активлар тўғри келади. Дунё бўйича ўзаро суғурталаш жамиятлари томонидан кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмида ҳаёт суғуртаси биринчи ўринни эгаллайди.

Чет мамлакатлар суғурта бозорларини таҳлил қилиш натижаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўзаро суғурталаш жамиятлари фаолиятининг самарадорлиги фақат ривожланган мамлакатларгагина эмас, балки ривожланаётган мамлакатларга ҳам хос хусусият. Чет мамлакатлар суғурта бозорларида ЎСЖлар фаолиятининг пойдевори бўлиб давлат томонидан ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Булар:

- лицензиялаш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- тўловга қобилликни назорат қилиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Лицензиялашга қўйилган талабларнинг ҳам асосий қисми тўловга қобилликни таъминлашга қаратилган талаблардан иборат. Чунки тўловга қобиллик таъминлангандагина суғурталанувчининг суғурта манфаатлари таъминланади ва ўз ўрнида суғурта ташкилотининг ҳам барқарорлигига эришилади.

Европа иттифоқи мамлакатларида ЎСЖлар фаолиятини ташкил қилиш ва тартибга солиш Европа иттифоқи йўриқномалари ва миллий қонунчиликка асосланган ҳолда ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали амалга оширилади. Ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи ЎСЖлар учун белгиланган талаблар ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта турлари билан шуғулланувчи ЎСЖларникидан фарқ қилади.

Бугунги кунда қуйидаги тўртта тармоқ халқаро ташкилотлари ўзаро суғуртани дунёга танитишда катта ўрин тутаяди:

- AISAM, “Association Internationale des sociétés d’assurance Mutuelle” (International association of mutual insurance companies) – ўзаро суғурта жамиятларининг халқаро ассоциацияси. Ушбу ташкилот ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи ҳамда ҳаёт суғуртасидан бошқа суғурта турлари билан шуғулланувчи ЎСЖлар фаолиятини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Ассоциация 1964 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг марказий офиси Голландиянинг Амстердам шаҳрида жойлашган. Ассоциациянинг аъзолари ўзаро суғурталаш жамиятларининг миллий ассоциациялари ҳамда ўзаро суғурталаш жамиятлари ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Аъзоларнинг сони бугунги кунда 160 дан ортиқни ташкил қилади. AISAMнинг бошқарув органлари: ассоциация аъзоларининг умумий йиғилиши; ассоциация бошқаруви; ассоциация бош директори ва қўмита. Ассоциация аъзоларининг умумий йиғилиши икки йилда бир марта ташкил этилади. Умумий йиғилишлар оралиғида ассоциация ишини ассоциация бошқаруви амалга оширади. Бошқарув аъзолари беш кишидан иборат бўлиб, улар бир йилда уч ёки тўрт марта йиғилишади. Қўмита умумий йиғилиш ва бошқарув томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Бош директорнинг офиси Брюсселда жойлашган. Ассоциация бюджети аъзолик бадалларидан шаклланади.

Ассоциациянинг вазифалари: ўзаро суғурта масалалари бўйича давлат ва нодавлат органлари ҳамда миллий халқаро ташкилотлар билан муносабатларни амалга ошириш; миллий қонунчиликларда ўзаро суғурта манфаатларининг камситилиши эҳтимоли устидан назоратни амалга ошириш; ўзаро суғуртага тааллуқли бўлган мунозарали масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

- AIM, (Association of International Health Mutuals) – ушбу халқаро ташкилот соғлиқни суғурталашга ихтисослашган ЎСЖлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

- ICMIF (International Cooperative and Mutual Insurance Federation) – кооперативлар ва ЎСЖлар халқаро федерацияси. Асосан қишлоқ хўжалиги соҳаси манфаатларини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

- International Group of P&I Clubs - P&I клублар халқаро гуруҳи. Ўзаро суғуртанинг денгиз клублари ((P&I клублар) манфаатларини ҳимоя қилади. Денгиз клублари (P&I клублар) кема эгаларини барча суғурта хизматлари билан, кема эгаларининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлигидан тортиб кема каско суғуртасигача бўлган суғурта турлари билан таъминлайди.

Юқорида келтирилган халқаро ташкилотлар ўзаро суғурта жамиятларини тармоқлар бўйича, уюшма аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, халқаро ҳамкорлик, қайта суғуртани ташкил қилиш каби барча масалалар бўйича манфаатларини ҳимоя қилади.

Ўзаро суғуртанинг самарали йўналишларидан бири бу қишлоқ хўжалиги суғуртасидир. Ўзаро суғурта ғояси деҳқон-фермерларга хос ғоя бўлиб, унинг асосида уларга хос ўзаро ёрдам, жамоага хослик ғоялари ётади. Бу эса ўзбек халқининг миллий урф-одатларига хос хусусиятдир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалигига хос таваккалчиликларнинг асосий қисми тўлиқ ва ишончли тарзда фақат ўзаро суғурта ёрдамида ҳимояланиши мумкин. Фермерлар ўз маблағларининг бир қисмини ЎСЖда бирлаштириш билан бу маблағни бировга бериб қўймайди, балки бу маблағларни ўзлари бошқаради ва эгалик қилади.

Ўзаро суғурталаш жамиятларида суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва суғурта ишини ташкил этиш технологиялари

Суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқилишининг ўзига хосликлари ва ривожланишини суғуртанинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнида шаклланган босқичлар билан боғлиқ дея эътироф этиш мумкин. Суғурта пайдо бўлиши ва ривожланишининг биринчи босқичини қадимги даврлардан ўрта асрларгача бўлган даврни ўз ичига олишидан келиб чиққан ҳолда, ушбу даврнинг илк босқичларида ишлаб чиқилган суғурта маҳсулотлари энг оддий усулда бир оила ёки бир уруғ эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда натурал кўринишдаги суғурта маҳсулотлари, масалан буғдой, ичимлик суви ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари кўринишида шакллантирилган. Ушбу суғурта маҳсулотини шакллантириш ва ундан фойдаланиш масалалари оила бошлиғи ёки уруғ оқсоқоллари томонидан ҳал этилган.

Эрамиздан олдинги 1792-1750 йилларда савдо қарвонларида савдогарларнинг ўзаро келишувлари асосида йўлдаги турли ҳодисалар натижасида кўриладиган зарарларни қоплашни кўзда тутувчи суғурта маҳсулотлари яратилган. Бундай суғурта маҳсулотлари Вавилонда, Фаластинда, Сурияда савдо қарвонларидаги савдогарлар ўртасида, Форс қўлтиғи қирғоқларида, Финикия ва қадимги Грецияда денгиз орқали юк ташишда яратилганлиги тўғрисида маълумотлар бор.²²

Ўрта асрларда суғурта маҳсулотларини яратишда суғурта фондини олдиндан шакллантириш тизими ҳам амал қилган. Шундай бўлсада келишувлар ёзма эмас, оғзаки келишувлардан иборат бўлган ва суғурта маҳсулотини яратиш бўйича мақсадли фаолият олиб борадиган махсус ташкилот ташкил этилмаган.

Маълумки, эрамизнинг бошланғич асрлари ва ўрта асрларгача хўжалик юритишнинг натурал шакли амал қилган. Товар-пул муносабатлари эса эндигина шакллана бошлаган. Феодал давлатларнинг ўз ичида хунармандчилик товарлари билан савдо қилина бошланган, давлатлар ўртасида эса қимматбаҳо тақинчоқлар савдоси амалга ошган. Ушбу даврларда даромадни пул кўринишида оладиганлар фақат савдогарлар ва хунармандлар эди. Аҳолининг фақат мана шу икки қатлами ўртасида суғурта маҳсулотларини яратиш имконияти мавжуд эди ва бу имконият улар ўртасида ўзаро суғурта жамиятларини ташкил этиш орқали амалга оширилди.

Илк ташкил этилган бундай жамиятларда ташкил этилган фондлар фақат суғурта мақсадини эмас, бир вақтнинг ўзида бошқа мақсадларни ҳам кўзлаб ташкил этилган.²³ Яъни улар гилдия ва цехлар сифатида ташкил этилиб, ушбу фаолият билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун ҳам фонд маблағларидан фойдаланилган.

Кейинчалик хўжалик юритиш субъектлари фаолият хусусиятлари бўйича алоҳида ажралиб чиқа бошлаганлар ва натижада махсус ўзаро суғурта

²² Коломина Е.В., Шахов В.В. Словарь страховых терминов. –Москва, Финансы и статистика 2004.

²³ Турбина К.Е., Дадьков В.Н. Взаимное страхование. –Москва, Анкил, 2007. –с.13

жамиятлари ва кейинчалик тижоратга асосланган суғурта ташкилотлари ташкил этилиб улар фаолиятининг предмети суғурта маҳсулоти яратишдан иборат бўлган.

Эҳтимоллар назарияси қонуниятларининг ривожланиши ҳамда вафот этиш жадвалининг ишлаб чиқилиши суғурта маҳсулотларини илмий асосда яратиш имкониятини берди (айниқса ҳаёт суғуртасида). Ўзаро суғурта жамиятлари суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқишда маълумотларга эга бўлиш ва умумий муаммоларни биргаликда эчиш мақсадида ассоциацияларга бирлашдилар. Масалан, Англия ўзаро суғурта жамиятлари 2010 йилга қадар иккита йирик ассоциацияга – ўзаро суғурта жамиятлари ассоциацияси ҳамда дўстлик жамиятлари ассоциацияларига бирлашиб келган эдилар. 2010 йилда ушбу ассоциациялар бирлашиб молиявий ўзаро суғурталаш жамиятлари ассоциацияси (The Association of Financial Mutuals (AFM)) ташкил этилди. Ассоциация таркибида 57 та ЎСЖ бўлиб, уларнинг жами аъзолари 12 млн. кишини ва жами активлари 80 млрд. фунт стерлингни ташкил этади.

Ўзаро суғурталаш жамиятларининг миллий ассоциацияларидан ташқари кооперативлар ва ўзаро суғурталаш жамиятларининг халқаро федерацияси (ICMIF) ҳам ташкил этилган.

1-жадвал

Дунёдаги энг йирик 500 та ЎСЖ ва кооперативларнинг дунё минтақалари бўйлаб жойлашуви (2014-2015 йиллар)

Минтақа	ЎСЖ ва кооперативлар сони	Суғурта мукофотлари (млн.\$) 2015 й.	Суғурта мукофотлари (млн.\$) 2014 й.	2014 й.га нисбатан 2015 й.да ўсиш ёки камайиш
Европа	207(70*)	434,840	432,669	+0.5%
Шимолий Америка	219(11*)	511,692	488,322	+4.8%
Осиё ва Океания	59(15*)	198,758	196,322	+1.2%
Лотин Америкаси	9(7*)	5,243	4,208	+24,6%
Африка	6(5*)	1,114	973	+14.5%

*ИСМИФга аъзолар сони

Манба: ИСМИФнинг www.исмиф.org сайти маълумотлари

Бундай халқаро ташкилот сифатида 2010 йилда иккита йирик халқаро ташкилотни бирлашуви эвазига ташкил этилган Ўзаро суғурталаш компаниялари ва суғурта кооперативлари ассоциацияси (AMICE) фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ассоциация 123 та эвропа компаниялари ҳамда 2 та ассоциациялашган Марокко ва Сенегал давлатлари ташкилотларини бирлаштирган.


Ўзаро суғурта жамиятларида суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ўзига хос жараён ҳисобланади. Ўзаро суғуртанинг суғурта маҳсулотларини

ишлаб чиқишдаги ўрнини аниқлашдан олдин суғурта маҳсулоти тушунчасининг моҳиятини аниқлаб олишимиз керак. Суғурта маҳсулоти деганда амалий фаолиятда кенг тарқалган тушунча, яъни маълум суғурталанувчилар сегменти учун ишлаб чиқилган, кўзланган суғурта хизматини кўрсатишнинг барча қоидаларини ўзида мужассамлаштирган хужжатни тушуниш ушбу тушунчанинг хусусиятларини тўлиқ ёритиб берадиган таъриф эмас. Ҳар қандай турдаги бундай хужжатлар тўплами – суғурталовчи томонидан суғурталанувчига сотилаётган хизматнинг хусусиятларинигина ўзида акс эттиради, аммо унинг суғурталанувчи учун асқотадиган тўлиқ кадр-қимматини кўрсатиб бера олмайди.

“Суғурта маҳсулоти” тушунчаси суғурта амалиётида кенг қўлланилади. Одатда суғурталовчилар суғурта маҳсулоти деганда хужжатлар тўпламида ўз аксини топган бирор бир алоҳида суғурта турини тушунадилар.

1-чизма

Суғурта маҳсулотини яратиш схемаси



Аниқ суғурта маҳсулотини шакллантириш жараёни ушбу маҳсулотга нисбатан тузилган суғурта шартномасининг амал қилиш даври билан мос келмайди. Суғурта маҳсулотини товар шаклида яратишда, ажратиладиган суғурта фондини шакллантириш суғурта шартномасини томонлар ўртасида тузилган пайтда амалга оширилади.

Суғурта маҳсулотларини яратиш усуллари дифференциациясининг характерли белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

-суғурталанувчиларда суғурта фондига эгалик ҳуқуқининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

-суғурталанувчиларда суғурта фондини шакллантириш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;

-суғурталовчилар ва суғурталанувчилар ўртасида суғурта фонди маблағларини бошқариш ва эгаллик қилиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тақсимланиши;

-суғурталанувчилар ва суғурталанганларнинг суғурта маҳсулотларини олишга бўлган ҳуқуқларининг ўзига хослиги;

-суғурталовчи ва суғурталанувчилар ўртасида суғурта маҳсулотларини яратиш билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича жавобгарликларни тақсимланиши.

2-чизма

Суғурта маҳсулотини яратиш усуллари классификациялаш мезонлари



Хусусий-ҳуқуқий шаклдаги ўзаро суғурта жамияти молиявий механизмнинг ўзига хос хусусиятларидан бири суғурта жамияти томонидан олинган жавобгарликлар бўйича субсидиар жавобгарликнинг аъзолар ўртасида тенг тақсимланиши ҳисобланади. Бу бўйича томонлар ўртасида жавобгарликларни ўзаро тақсимлашнинг аниқ қоидалари жамиятнинг низомида белгилаб қўйилади. Бирламчи кириш бадалини катта ҳажмда белгилаш қўшимча бадал тўлаш мажбуриятини киритиш имкониятини йўқотади. Кириш бадалини пастроқ даражада белгилаш қўшимча бадал тўлаш шартини белгилаш имкониятини беради.

Демак, суғурта фаолиятида, у қандай шаклда ташкил этилишидан катъий назар суғурта ташкилоти томонидан суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталанувчига ушбу зарарни қоплаб беришни кўзда тутувчи тартиб-қоидаларнинг ишлаб чиқилиши билан бир вақтда ушбу таъминотни амалга оширувчи суғурта фондини ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Аммо бу қоплама доим ҳам моддий кўринишда бўлмаслиги мумкин. Масалан тиббий суғуртада тиббий хизмат кўринишида, транспорт суғуртасида ҳам хизмат кўринишида бўлиши мумкин. Аммо бундай ҳолатда ҳам ушбу хизматларни кўрсатиш учун суғурта ташкилоти томонидан хизмат кўрсатувчиларга моддий шаклдаги пул маблағи тўлаб берилади.

Мажбурий суғурта билан шуғулланувчи жамиятларда бирламчи суғурта фондини шакллантириш ва жавобгарликларни тақсимлаш масалалари жамиятнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб аниқланади. Бундай жамиятлар самарали фаолият юритишлари учун жавобгарликлар бўйича давлатнинг кафолати муҳим ҳисобланади. Бундай кафолат сифатида тўловларни кафолатлаш жамғармасини ташкил этиш ёки молиявий қийинчилик юзага келганда давлат маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш ёки имтиёзли кредит ажратиш каби усуллар қўлланилиши мумкин.

Ўзаро суғурта жамиятлари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг йўлларида яна бири улар томонидан огоҳлантириш тадбирлари фондини ташкил этиш ва шу маблағлар ҳисобидан огоҳлантириш тадбирларини амалга ошириб бориш суғурта ҳодисалари сонини камайтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур фондни шакллантириш қонунчилик асосида мажбурий қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Молиявий жиҳатдан барқарор ҳамда мазкур жамият ташкил этилаётган соҳада рақобат муҳитини яратишда ҳисса қўшувчи ўзаро суғурта жамиятини мажбурий тиббий суғурта йўналишида ҳам ташкил этиш ўзининг яхши самарасини бераётганлигини кўплаб мамлакатлар мисолида, жумладан Германия федератив республикаси, Швецария ва Исроил давлатлари мисолида кўриш мумкин. Ушбу мамлакатларда касаллик кассалари кўринишида ташкил этилган ЎСЖлар мажбурий тиббий суғуртанинг асосий звеноси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Касаллик кассалари ЎСЖнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, бунда суғурталанувчилар мажбурий тиббий суғуртани тижорат суғурта компанияларидан сотиб олмайдилар, балки ўзлари (иш берувчи, давлат, суғураланганларнинг ўзлари) суғурта маҳсулотини яратишда иштирок этадилар. Бундай ЎСЖлар бир қанча ўзига хосликларга эга, яъни бунда суғурталанувчилар касаллик кассасининг олган мажбуриятлари бўйича субсидияр жавобгарликни ўз зиммаларига олмайдилар, чунки касаллик кассаларида молиявий этишмовчилик юзага келган ҳолатда уни тўлдириш давлатнинг зиммасида бўлади. Касаллик кассаларининг юқори олий органи аъзоларнинг умумий йиғилиши эмас, балки суғурталанганларнинг вакиллари, суғурталанувчи-иш берувчилар (улар ўз ходимлари суғуртаси учун аъзолик бадалининг бир қисмини тўлайдилар), ушбу соҳага алоқадор давлат органи вакиллари, баъзи

ҳолатларда касаба уюшмалари ёки бошқа жамоат бирлашмалари вакилларидан иборат махсус орган ҳисобланади. Мажбурий тиббий суғуртада ЎСЖ усулидан фойдаланилиши суғурталанувчининг суғурта бадалини тўлашда қатнашишининг мажбурийлигини кўзда тутаяди. Бу эса ўз ўрнида суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги муносабатлар самарадорлигини таъминловчи воситалар ҳисобланган францҳиза қўллаш, тиббий хизматни олиш пайтида ушбу хизмат учун ҳақнинг бир қисмини тўлаш имкониятини юзага келтиради; суғурталанган шахс ўтган давр мобайнида тиббий ёрдам олиш масаласида мурожаат қилмаган бўлса, кейинги тўловни тўлашда имтиёз беришнинг кўзда тутилиши унинг ўз соғлиги устида қайғуришини кучайтиради.

5-мавзу. Қайта суғуртанинг назарий асослари ва амалга ошириш технологиялари

Режа.

1. Қайта суғуртанинг суғурта соҳасида тутган ўрни, миллий суғурта бозорида қайта суғуртани амалга ошириш технологиялари.
2. Халқаро бозорларда қайта суғуртани амалга ошириш технологиялари.

Қайта суғурталаш ёрдамида суғурталовчилар ўзларининг мувозанатлашган суғурта портфелини шакллантиради.²⁴

Қайта суғурта қилиш шарт-шароитларининг пайдо бўлиши суғурталовчилар томонидан қабул қилинган суғурта қалтисликларининг қайта тақсимланишига хизмат қилади. Бу эса суғурталовчи томонидан катта ҳажмдаги суғурта жавобгарликларини қабул қилиш имконини яратиш ва бир вақнинг ўзида молияви барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Қайта суғурта қилиш – бу суғуртанинг мустақил тури. Қайта суғурта қилишнинг мақсади суғурталовчининг эҳтимолий молиявий йўқотишдан ҳимоя қилишдан иборат. Қайта суғурта қилиш ёрдамида суғурталовчи ўзининг молиявий имкониятлари бутун қийматидан ошадиган қалтисликлар бўйича тўғридан-тўғри суғурта шартномаларини тузиш орқали ўзининг суғурта портфели ҳажмини ошириши мумкин.

Қайта суғурта қилишнинг жуда кўп таърифлари мавжуд. Классик таърифи Буюк Британия қонунчилигига XIX- асрда киритилган бўлиб, унда қайта суғурта қилиш суғурталовчининг аввал қабул қилган қалтисликларини хавфсизлантиришга мўлжалланган суғурталанган қалтисликни янгитдан суғурталаш сифатида талқин этилган. Энг қисқа таъриф Германия Савдо уставида қуйидагича баён этилган: “Қайта суғурта қилиш – бу суғурталовчи томонидан олинган қалтисликни суғурталашдир”²⁵.

Қайта суғурта қилишнинг ушбу ва бошқа таърифлари қуйидаги умумий хусусиятларга эга:

²⁴Артамонов А. Практика непропорционального перестрахования. М.: Издательский дом «Страховое ревю», 2001. - 172 с.

²⁵Пфайффер К. Введение в перестрахование М.: «Анкил», 2000. - 155 с.

- қайта суғурта қилиш – бу ҳақиқий суғурта;
- суғурталовчи томонидан тўғридан-тўғри суғурта шартномаси бўйича олинган қалтислик асл қалтислик дейилади ва ушбу шартнома қайта суғурта қилиш шартномасининг асосий объекти ҳисобланади;

- қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича иккинчи томон фақат суғурталовчи бўлиши мумкин. Суғурталанувчи ва қайта суғурталовчи ўртасида қонуний муносабат юзага келмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 959-моддасига (“Қайта суғурта қилиш”) мувофиқ, суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи ўз зиммасига олган суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш хавфи унинг томонидан тўлиқ ёки қисман бошқа суғурталовчида (суғурталовчиларда) у билан тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин²⁶. Бироқ, қайд этиш керакки, суғурта шартномаси бўйича қалтислик ва суғурта товонини тўлаш қалтислиги ёки суғурта пули – бу турли қалтисликлар бўлиб, улардан биринчиси суғурталанувчининг қалтислиги, иккинчиси эса суғурталовчининг қалтислиги ҳисобланади.

Қайта суғурта қилишнинг асосий иштирокчилари:

- суғурта компанияси;
- профессионал қайта суғурталовчи;
- қайта суғурта қилиш билан шуғулланувчи бирламчи суғурталовчи;
- қайта суғурта брокери;
- қайта суғурта пули²⁷.

Қайта суғурта қилиш ҳимоясига эҳтиёжи бор компаниялар орасида биринчи ўринда оддий суғурта компанияси туради. Суғурталашга таваккалчиликни қабул қилган ва қайта суғурталашга берган суғурталовчи “седент” деб аталади.

Қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича “сессонер” деб аталувчи профессионал қайта суғурталовчи қайта суғурта ҳимоясини тақдим этувчи ҳисобланади.

Профессионал қайта суғурталовчи – бу фақат қайта суғурта қилиш билан шуғулланувчи суғурта ташкилоти. Профессионал қайта суғурталовчи ташкилотларни ўзида бирлаштирган ташкилот қайта суғурталовчилар уюшмаси бўлиб, бундай уюшма тўғридан-тўғри суғурта шартномаларини тузмайди ва суғурталанувчилар билан тўғридан-тўғри муносабатда бўлмайди. Ҳозирги пайтда дунёда 200 атрофидаги профессионал қайта суғурталовчилар уюшмалари фаолият юритади²⁸.

Қайта суғурта қилувчилар қуйидаги вазифаларни амалга оширадилар:

- суғурталовчи ҳалокатли қалтисликларни қабул қилган ҳолатда, суғурта ҳодисаси юз берганда унинг тўлашга қодир бўлмай қолиш эҳтимолини камайтиради;

²⁶Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 52-боб “Суғурта”.

²⁷Абрамов В.Ю. Страхование: теория и практика, М.: ВолтерсКлувер, 2007. -512 с.

²⁸Сахирова Н.П. Страхование. М.: «Проспект», 2006. - 740 с.

- катта суғурта пулига эга полислар ёки қалтисликнинг юқори даражада зарарланиши қайта суғурта орқали қопланиб, суғурталовчининг суғурта портфели мувозанатини яхшилаиди;

- қалтисликнинг мутаносиб қисмини ўзига олиб, суғурталовчининг йирик қалтисликларни қабул қилиш қобилиятини кучайтиради;

- суғурталовчи томонидан қалтисликларни таъминлашга йўналтирилган капитални эркинлаштириб, унинг самарали идора қилиши мумкин бўлган капитали ҳажмини оширади;

Қайта суғурта уюшмаси қуйида келтирилган турли хизматларни тақдим этиш йўли билан суғурталовчининг операциялари самарадорлигини оширади:

- бутун дунё бўйича андеррайтинг маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш;

- ўзига хос, айрим (ноодатий ёки махсус қайта суғурта қилиш) қалтисликларини баҳолаш ва таҳлил қилиш;

- зарарлар ҳақида огоҳлантириш юзасидан маслаҳатлар тақдим этиш;

- даъволарни бошқаришда амалий ёрдам кўрсатиш;

- актуар ҳисобларни бажариш;

- седент ходимларини тренинги ва ўқиши;

- тўғридан-тўғри суғурталовчиларга уларнинг капиталини инвестициялашда, бошқарув ходимларни йиғишда, ҳамкорлар (масалан, суғурталаш бўйича) излашда, ташкилотларнинг бирлашиши, битим тузишида ва шу кабиларда ёрдам беради²⁹.

Инобатга олиш керакки, қайта суғурталовчилар суғурталовчилар каби ўзлари қабул қилган мажбуриятларни қайта суғурталашлари мумкин. Бундай ҳолатда тузилган шартнома – “ретроцессия шартномаси”, мажбуриятларни қайта суғурта қилишга берувчи шахс – “ретроцедент”, бундай мажбуриятларни ўзига қабул қилиб олувчи шахс – “ретроцессионер” деб аталади. Ретроцессия шартномасини тузишдан мақсад – қайта суғурталовчининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида унинг мажбуриятларини мувозанатлаштириш ва қалтисликларни қайта тақсимлашдир. Шундай қилиб, ретроцессия – бу учинчи суғурталовчига ўз мажбуриятларининг бир қисмини бериш йўли билан қайта суғурталовчи учун ўз қалтисликларини чегаралаш ва шу тарзда ўз портфелини мувозанатлаштириш имконини берувчи воситадир.

Қайта суғурта қилиш брокери суғуртадаги брокер каби қайта суғурта қилиш амалиёти ва қонунчилиги соҳасида эксперт ҳисобланади. У қайта суғурталовчининг агенти ҳисобланади ва суғурталанувчилар олдида юридик жавобгарликни олмайди³⁰.

Қайта суғурта қилиш пули – суғуртанинг барча портфели, суғуртанинг алоҳида турлари ёки ядровий реактор, атом электростанцияси, авиация, фармацевтика каби фалокатли характерга эга алоҳида хавфли

²⁹АлиевБ.Х., МахдиеваЮ.М.СтрахованиеУчебник. М.: «ЮНИТИ», 2011.-415 с.

³⁰Страхование: Учебник / Под ред. Т.А.Федоровой. 2-е изд., - М.:«Экономист», 2006. -875 с.

қалтисликлар ва бошқа қалтисликлар суғуртаси бўйича сумманинг ўзига тегишли қисмини ушлаб қолишдан юқори қайта суғурта қилишга тегишли барча қалтисликларни пулга тақдим этувчи, суғурта компанияларнинг ихтиёрий бирлашмаси. Пул шаклидаги қайта суғурталашда тўғридан-тўғри суғурта шартномалари аввал унинг алоҳида иштирокчилари томонидан имзоланади, кейин пулга тўлиқ тақдим этилади. Ўз улушини олган пулнинг ҳар бир аъзоси нафақат унинг ўзи қабул қилган ёки пулга берган қалтисликларда, балки шу билан бирга бошқа иштирокчилар томонидан пулга киритилган бошқа барча қалтисликларда ҳам иштирок этади. Пул томонидан умумий ҳисобда имзоланган қайта суғурта қилиш шартномалари ҳажми ошиши мумкин бўлган қалтисликлардан унинг халос бўлишига ёрдам беради.

Қайта суғурта қилишда суғурталовчи қайта суғурталовчилар билан ўзаро муносабатларидан қатъий назар суғурта шартномаси бўйича барча мажбуриятларни бажариши лозим бўлган фақат битта суғурта ташкилоти билан муносабатда бўлади. Ўз навбатида қайта суғурталовчилар суғурталанувчилар олдида ҳеч қандай мажбуриятларга расман эга эмаслар, фақат седент даъволари бўйича жавоб беради.

Қайта суғурта қилишнинг моҳияти суғурталовчининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида икки ёки ундан ортиқ ташкилотлар ўртасида суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан зарарни қоплаб бериш бўйича қабул қилинган мажбуриятларни қайта тақсимлашдан иборат³¹.

Қайта суғурта қилиш суғурталашдан фарқли равишда кўпгина давлатларда ёзиб қўйилган қонун ҳужжатлари доирасидан ташқарида амалга оширилади. Арбитраж амалиёти қайта суғурта қилиш соҳасида ўзига хос муҳим аҳамиятга эга эмас. Қайта суғурта қилиш шартномасининг ўзи қайта суғурта қилишни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий манба ҳисобланади.

Қайта суғурта қилиш шартномаси – бу икки томон – седент (қайта суғурталовчи) ва сессионер (қайта суғурталанувчи)лар ўртасидаги битим.

Қайта суғурта қилиш шартномаларининг мазмуни ва уларнинг шакллари белгилловчи қоидаларни бир хиллаштириш бўйича бир неча марта саъй-ҳаракатлар бўлган. Аммо халқаро суғурта бозорининг тез ўзгарувчи талаблари билан ёнма-ён қайта суғурта қилиш шартномаси амалиётининг доимий ривожланиши сабабли ушбу саъй-ҳаракатлар қабул қилинмаган.

Қоидага кўра, қайта суғурта қилиш шартномалари 1 январдан бошлаб кучга киради. Шартномага кейинчалик киритиладиган ўзгартиришлар иловаларда ёки бир-бирига хат ёзиш орқали келишилади.

Қайта суғурта қилишда стандартдаги шартномалар мавжуд эмас, аммо уларни тузиш ва баҳсли масалаларни бошқаришда халқаро қайта суғурта

³¹Грищенко Н.Б. Основы страховой деятельности: Учеб.пособие. М.: «Финансы и статистика», 2006. - 360 с.

қилиш бизнесида юз йилдан ортиқ вақт давомида қабул қилиниб келинаётган, ишда қўлланиладиган урф-одатлардан фойдаланилади³².

Фаолият жараёнида суғурта компанияси ўз молиявий имкониятларини ошириб юборадиган зарарлар учун жавобгар бўладигандек туюлиши мумкин. Қайта суғурта қилишсиз йирик қалтисликларни маълум улушларда бир нечта суғурта компаниялари ўртасида жойлаштиришга, яъни биргаликда суғурта билан шуғулланишга тўғри келган бўлар эди. Шундай қилиб, қайта суғурта қилиш ҳимояси суғурталовчилар ҳажмини ошириш воситаси, яъни ўзига йирик қалтисликларни қабул қилиш имконияти ҳисобланади.



1-расм. Суғурта қилиш ва қайта суғурта қилишнинг ўзаро боғлиқлиги

Қайта суғурта қилишга қуйидаги таърифни келтириш мумкин: Қайта суғурта қилиш – бу бир суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан бошқа суғурталовчи (қайта суғурталовчи) нинг суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича маълум шартлар асосида қалтисликларни ўзига қабул қилиши. Шундай қилиб, қайта суғурта қилиш – бу суғурталовчи ўзига тегишли суғурта операциялари рентабеллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида суғурталовчи билан шартнома тузаётиб, ўзи қабул қилган қалтисликларнинг бир қисмини келишилган шартлар асосида бошқа суғурталовчиларга беришига асосланган иқтисодий муносабатлар тизими.

Қайта суғуртанинг асосий турлари ва уларни қўллаш технологиялари

Қайта суғурта қилиш операциялари қайта суғурталовчиларнинг шартномада қўшган ҳиссаси, мукофот ставкалари, қайта суғурталовчининг ўзида ушлаб қолиши, комиссия чегирмалар, қарорларни қабул қилишда томонларнинг эркинлиги ва шу кабилар бўйича фарқланиб, ҳар бир аниқ ҳодисада ўзига хос хусусиятга эга. Халқаро бозорда қайта суғурта қилиш 1-жадвалда кўрсатилганидек турли шакл ва турларда амалга оширилади.

Қайта суғурта қилиш операциялари томонлари (суғурталовчи ва қайта суғурталовчи) қалтисликларни қайта суғурта қилишга бериш ва ўзаро ҳуқуқий муносабатларни расмийлаштириш шакли бўйича қуйидагиларга ажратилади:

³²Журавлев Ю. Страхование и перестрахование (теория и практика) М.: «Анkil», 1993.-184 с.

- факултатив (ихтиёрий);
- облигатор (мажбурий);
- факултатив-облигатор. (ихтиёрий-мажбурий)

Қайта суғурта қилишнинг мажбурий бўлмаган шаклларини моҳияти шундан иборатки, суғурталовчи суғурта шартномасини тузаётганда ҳар сафар уни қайта суғурта қилиш ёки қилмаслик, суғурта қилинган мажбуриятнинг қайси қисми учун жавобгарликни олиши, қайта суғурта қилиш шартномасини ким билан ва қандай шартларда тузиш ҳақида қарор қабул қилади. Қайта суғурталовчилар ҳам ўз томонларидан шартномани тузишга рози бўлишлари ёки рад этишлари, қайта суғурта қилишда ўз шартлари асосида қалтисликларни қабул қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. 2-расмда усуллар (шакллар), гуруҳлар ва турлари бўйича қайта суғурта қилиш таснифи берилган.



2-расм. Қайта суғурталаш усуллари

Ҳозирги вақтда суғурта бозори ривожланган мамлакатларда қайта суғурта қилишнинг этакчи шакли ҳисобланган облигатор (келишилган) қайта суғурта қилишнинг моҳияти шундан иборатки, тузилган қайта суғурта қилиш шартномасининг шартларига мос келадиган ушбу барча суғурта шартномалари бўйича қайта суғурталанувчи ўзининг мажбуриятларини олдиндан келишилган ҳажмда қайта суғурталовчига беришга мажбур. Бошқа томондан, қайта суғурталовчи тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси шартларига мос келувчи қайта суғуртага олиш учун унга таклиф этилган седентнинг барча мажбуриятларини қабул қилиш мажбуриятини олади. Шундай қилиб, облигатор қайта суғуртада факултатив қайта суғурта қилишдан фарқли равишда қайта суғурталанувчи ва қайта суғурталовчи ўртасида келишилган муносабатлар мажбурийлик характериға эга.

Қайта суғурта қилишнинг факултатив-облигатор шакли қайта суғурталанувчига унинг қайси ва қандан ҳажмдаги қалтисликларни қайта суғурталовчига бериш бўйича эркин қарор қабул қилишини таъминлайди. Ўз навбатида олдиндан келишиб олинган шартлар бўйича таклиф этиладиган қалтисликлар ёки уларнинг улушини қайта суғурталовчи қабул қилишга мажбур. Бошқача айтганда, ушбу ҳолатда факултативлик қайта

суғурталанувчи учун таклиф этилади, облигатор қисми эса қайта суғурталовчига тегишли бўлади. Қайта суғурталанувчи суғурта портфелидаги қалтисликларни селекциялаш орқали анча хавфсиз қайта суғурта қилишга бериши мумкин бўлиши учун шартнома фойдасиз ва хавфли бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай шартномалар фақат қайта суғурталовчиларнинг бутунлай ишончига кирган суғурталанувчилар билан тузилади³³.

Мутаносиб қайта суғурта қилишнинг энг содда тури – квотали ёки ишчи шартнома. Унинг шартларига мувофиқ қайта суғурталанувчи суғуртанинг маълум тури ёки қайта суғурталашнинг бир-бирига яқин гуруҳи бўйича суғуртага қабул қилинган қалтисликларнинг барчасини қайта суғурталовчи билан келишган улушда унинг шартларига кўра қайта суғуртага беради. Қайта суғурталовчига ушбу тақсимланган улушда унга белгиланган суғурта мукофоти (суғурта бадали) берилади, қайта суғурталовчи эса суғурта ходисаси юз берганда қайта суғурталанувчи томонидан тўланган суғурта зарарларини ушбу тақсимланган улушда унга тўлаб беради, бошқача айтганда, квотали шартномада сессионер маълум улушда седент зарарини бутунлай тақсимлайди.

Эксседент зарари шартномаси бўйича қайта суғурта қилиш механизмида “ўзига тегишли қисмини ушлаб қолиш” деб номланадиган омил аниқлаштирувчи омил ҳисобланади. У суғурталанган қалтисликларнинг фақат маълум бир қисми (лимити) учун қайта суғурталанувчи ўзининг жавобгарлигини қолдирадиган, қолганини эса қайта суғурталовчига берадиган суғурта пулининг маълум даражасини ўзида ушлаб қолишни ифодалайди. Юз бериши мумкин бўлган зарарни қоплашда суғурталовчининг максимум иштироки “эксседент” деб номланади. Қайта суғурталанувчи учун манфаатли бўлгани сабабли эксседент қайта суғурта қилиш шартномалари амалиётда квотали қайта суғурта қилишга қараганда кўпроқ қўлланилади.

Квотали-эксседент қайта суғурта қилиш шартномаси санаб ўтилган иккита турнинг бир-бири билан ўзаро боғланишини ифодалайди. Суғуртанинг ушбу тури портфели квотали қайта суғурталанади, ўрнатилган квоталар (нормалар) дан юқори қалтисликларни суғурталаш суммаси эса ўз навбатида эксседент шартномаси тартиблари асосида қайта суғурта қилинади³⁴.

Номутаносиб қайта суғурта қилишда суғурта пуллари, суғурта бадаллари ва суғурта тўловлари мутаносиб қайта суғурта қилишдан фарқли равишда седент ва қайта суғурталовчи ўртасида ўзаро номутаносиб тақсимланади. Бундай қайта суғурта қилиш суғурта тўловлари миқдорининг шартнома иштирокчилари ўртасида тақсимланиши асосида амалга оширилади ва улардан ҳар бирига тўғри келадиган қийматни чегаралайди. Шу билан бирга, агар суғурта пулининг ҳажми келишиб олинган меъёрдан

³³ Артамонов А. Практика непропорционального перестрахования. М.: Издательский дом «Страховое ревю», 2001. - 172 с.

³⁴ Ахвледиани Ю.Т. Страхование. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006. - 543 с.

(суғурталовчининг устунлиги) ошсагина, ушбу ҳолатда қайта суғурталовчининг суғурта пулини амалга ошириш мажбурияти юзага келади.

Номутаносиб суғурта шартномалари турлари қуйидагилар: зарарлар ошиб кетишини қайта суғурта қилиш (зарар эксседенти); маълум турдаги қалтисликлар (зарар келтириш эксседенти) бўйича зарар кўришнинг ошиб кетишини қайта суғурта қилиш. Зарар эксседенти шартномаси номутаносиб қайта суғурта қилишни қоплашнинг кенг тарқалган шакли ҳисобланиб, йирик (ҳалокатли) зарарлардан суғурта ташкилотларини ҳимоя қилиш учун хизмат қилади. Унинг шартларига кўра, суғурталанган қалтислик бўйича зарарнинг якуний қиймати суғурта шартномасида келишилган суғурта пулидан ошсагина, қайта суғурта қилиш кучга киради. Бу ҳолатда қайта суғурталовчининг ушбу суммадан юқори жавобгарлиги ҳам маълум лимит билан чегараланади.

Зарар келтириш эксседенти шартномаси ёки «стоп лосе» (стоплосс) фоиз ёки қиймат шартномада келишилганидан ошиб кеца, суғурта компаниясининг зарар кўришини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган. Одатда қайта суғурталанувчи унинг жавобгарлигидаги молиявий манфаатдорликни йўқотмаслиги ҳисобга олиниб, амал қилинадиган шартномадан юқори зарар белгиланади, яъни шартноманинг мақсади қайта суғурталанувчининг фойдасини кафолатлаш эмас, уни фақат кўшимча ёки фавқулоддаги йўқотишлардан ҳимоя қилиш ҳисобланади. Зарар келтириш эксседенти шартномаси бўйича қайта суғурталовчи жавобгарлигининг лимитлари зарар кўришнинг маълум фоизлари доирасида белгиланади.

Қайта суғурта қилишнинг қуйидаги иккита асосий шакли мавжуд: факултатив ва облигатор ва икки аралаш: факултатив-облигатор ва облигатор-факултатив³⁵.

Факултатив қайта суғурта қилиш – бу қайта суғурта қилишнинг энг бошланғич шакли. Қайта суғурта қилишга қалтисликларни қабул қилишнинг ихтиёрийлик хусусияти бунинг учун характерли ҳисобланади. Факултатив қайта суғурта қилишда қайта суғурталанувчи қайта суғурталовчига ҳар бир аниқ қалтисликни алоҳида такдим этади. Бу таклиф қалтислик ҳақида энг муҳим маълумотларни (суғурталанувчи, суғурта объекти, шартноманинг амал қилиш муддати, суғурта қалтисликлари, суғурта пули ва мукофоти, қайта суғурталанувчининг ўзи ушлаб қоладиган улуши, қайта суғурта қилишда таклиф этиладиган қалтисликнинг улуши) ўзида акс эттирадиган, қайта суғурта қилишнинг слип шаклида расмийлаштирилади.

Факултатив суғурта суғуртанинг асл шартномаси билан тўғридан-тўғри боғлиқ, шунинг учун суғурталовчи ва қайта суғурталовчи ўртасидаги барча ҳисоблар тўлов шартларидан мустақил суғурта шартномасида келишилган тарзда амалга оширилади.

Облигатор қайта суғурта қилиш шартларига кўра, седент шартномада тафсилотлари келтирилган барча қалтисликларни қайта суғурта қилишга

³⁵Бланд Д. Страхование: принципы и практика. - М.: «Финансы и статистика», 2000. - 416 с.

бериши лозим, қайта суғурталовчи эса бундай қалтисликларни қабул қилишга мажбур.

Суғуртанинг маълум турлари ёки барча суғурта портфели бўйича қайта суғурта қилиш ҳимоясини автоматик равишда олиш имконини бериши билан қайта суғурта қилишнинг ушбу тури суғурталовчи учун кўпроқ фойдалидир.

Облигатор-факултатив қайта суғурта қилишда қалтисликни бериш мажбурияти қайта суғурталовчи учун мўлжалланади, шартноманинг факултатив қисми эса қайта суғурталовчига тегишли бўлади. Ҳамкорларнинг фақат маълум муносабатларидагина бундай шартномани тузиш имконияти бор.

Ретроцессияга эҳтиёжи бор қайта суғурталовчилар ўзлари қайта суғурта қилиш ёки ретроцессия шартномаларини тузган ҳамкорлари билан биринчи навбатда мулоқатга киришадилар. Қайта суғурта қилиш ёки ретроцессия шартномаси – бу ўзаро ишонч асосидаги шартнома ҳисобланади. Унга мувофиқ, қайта суғурталовчи седент билан қайта суғурта қилиш шартномасини тузганидан кейин ўз навбатида ундан қайта суғурта қилишга олинган қалтисликларни айирбошлаш учун қалтисликларнинг бир қисмини седентга қайта суғурта қилишга беради.

Қайта суғурта қилиш факултатив шакллариининг устунликлари қуйидагилар:

-қайта суғурталовчи учун: қайта суғурта қилиш учун олинаётган объект ва суғурта бозори даражаси ҳақида тўлиқ маълумот олиш, шартноманинг ҳар бир шартига қўшимча ёки ўзгартириш киритиш имконияти беради.

-седент учун: мувозанатлашган суғурта портфелини шакллантириш ва ўз молиявий барқарорлигини таъминлаш (масалан, агар суғурталовчи жуда юқори қийматдаги объектни суғуртага қабул қилаётганда) учун ҳақиқатда зарур бўлганда қайта суғурта қилишга таяниш имконияти.

Қайта суғурта қилиш факултатив шакллариининг камчиликлари қуйидагилар:

-қайта суғурталовчи учун: барқарор суғурта портфелини шакллантиришнинг қийинлиги;

-седент учун: қайта суғурталовчиларнинг қайта суғурта қилишни рад этишлари мумкинлиги сабабли суғурта шартномасини тузишда суғурталовчиларда мақбул шартларда ва тез қайта суғурта қила олиш кафолатининг йўқлиги.

Қайта суғурта қилиш операциясини келишиш зарурати, агар ушбу жараён узоқ муддат давом эса, у ҳолда суғурталовчи бошқа суғурта ташкилотида суғурталанувчининг суғурта шартномасини имзолаши эҳтимолини таваккал қилади. Ушбу шартномаларни тузиш учун харажатларнинг юқорилиги. Ушбу операцияларни амалга ошириш жараёнида қайта суғурта қилишга доир тузилган шартномалар ҳақидаги этарлича маълумотларнинг қайта суғурталовчиларга тақдим этиш заруратитижорат

сирларини ўзида жамлаган маълумотларнинг рақобатчилар қўлига тушиб қолишига олиб келиши мумкин³⁶.

Ҳозирги кунда суғурта бозори ривожланган мамлакатларда ушбу камчиликлар факултатив қайта суғурта қилишнинг ёрдамчи ролини бажаришига олиб келмоқда ва фақат қуйидагиларга мослашмоқда: у бу сабаблар билан облигатор суғурта қилишдан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги (масалан, облигатор шартномаси бўйича лимитнинг ошиб кетиши ёки мумкин эмаслиги); облигатор асосида қайта суғурта қилишнинг убу сабаблар билан седент учун фойда келтирмаслиги (масалан, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолининг юқорилиги билан боғлиқ); седент облигаторга қўшимча равишда факултатив қайта суғурта ўтказишни хоҳлайди (масалан, облигатор қайта суғурта қилиш бўйича ўзига тегишли жавобгарликнинг бир қисмини қайта суғурта қилиш); факултатив қайта суғурта қилиш шартномаларини тузаётиб, седент ўз бизнесини кенгайтиришни хоҳлайди.

Қайта суғурта қилишнинг облигатор формасининг афзалликлари:

-қайта суғурта қилувчи учун: облигатор қайта суғурта қилиш седентлар билан доимий алоқалар кафолатини беради, бунинг натижасида, портфелда қайта суғурта қилиш шартномалари сонининг этарлича кўп бўлиши унинг бизнесини кенгайтиради;

-седент учун: қайта суғурталанмаган қалтислик учун суғурталовчининг мажбуриятига йўл қўйилмайди, шунингдек, ҳар сафар қайта суғурталовчини излаш ва шартнома шартларини у билан келишиш зарурати йўқолади. Одатда қайта суғурта қилиш шартномасининг муддатини янги муддатга узайтириш автоматик равишда юз беради. Қайта суғурта қилиш бўйича қўшимча харажатлар камайтиради.

Қайта суғурта қилиш облигатор шакллариининг камчиликлари:

-седент учун: суғурталовчи ностандарт суғурта шартномасини тузаётган ҳолатларда, уни зарур қайта суғурта ҳимояси билан таъминлаш имкониятининг йўқлиги. Суғурталовчи ўз жавобгарлигида бутунлай қолдириши мумкин бўлган шартномаларни, мажбуриятларни қайта суғурта қилиш учун беришга мажбур бўлади, бу унинг суғурта мукофоти ҳажмини камайтиради³⁷.

Факултатив-облигатор қайта суғурта қилиш. Бу усул седентга қайси қалтисликлар ва уларни қандай миқдорда қайта суғурталовчига бериш ҳақида мустақил қарорлар қабул қилиш эркинлигини беради. Ўз навбатида, қайта суғурталовчи қалтисликларнинг қабул қилинган улушини олдиндан келишилган шартлар асосида қабул қилишга мажбур³⁸.

Қайта суғурта қилиш шартномаларини тузишда қуйидаги иккита усул белгилаб олинади: мутаносиб ва номутаносиб қайта суғурта қилиш.

³⁶Мюллер П. Страхование промышленных объектов и установок в Российской Федерации - точка зрения международного перестраховщика// Атлас страхования. 2009.№ 9.

³⁷Клементьев В.В. Развитие перестрахования — роль государства / Электронный ресурс. URL: <http://www.insur-info.ru/re-insurance/>

³⁸Радченко В.И. Об актуарных расчетах в перестраховании // Финансы. -2011, №2.

Мутаносиб қайта суғурта қилишнинг ўзига хослиги шундан иборатки, суғурта пуллари, суғурта бадаллари ва суғурта тўловлари қайта суғурталанувчи ва қайта суғурталовчи ўртасида мутаносиб, яъни улар томонидан қабул қилинган жавобгарлик улушларига мувофиқ тақсимланади. Шу билан бирга, шартнома томонлари ўртасида тақсимланган суғурта пулларидан келиб чиқиб, уларнинг ҳар бирига тўғри келадиган мажбуриятлар ҳажми аниқлаштирилади. Мутаносиб қайта суғурта қилиш шартномалари шартлари суғурта пулининг маълум қисми учун жавобгарлик (ўзига тегишли қисмини ушлаб қолиш) қайта суғурта қилдирувчининг ўзида қолишини назарда тутати ва қолган қисмини қайта суғурта қилиш учун беради. Мутаносиб қайта суғурта қилиш шартномаси қайта суғурталовчи томонидан комиссия мукофотнинг қайта суғурталанувчига амалда ҳар доим тўлаб берилишини ва кўпинча тантема ҳолатини (фойданинг маълум қисмини мукофот шаклида тўлаб бериш) назарда тутати. Мутаносиб қайта суғурта қилишда ўз навбатида қуйидагилар ажратилади: квотали қайта суғурта қилиш; эксседент суммаси усули бўйича қайта суғурта қилиш; квотали-эксседент (аралаш). Мутаносиб қайта суғурта қилишнинг моҳияти қуйидагича: қайта суғурта қилишни тақдим этиш суғурта пули ҳажмига боғлиқ бўлмай, фақат зарарнинг миқдори билан аниқлаштирилади, яъни алоҳида қалтислик бўйича жавобгарлик мутаносиб бўлинади ва асл мукофотга мувофиқлик бўлмайди³⁹.

Номутаносиб қайта суғурта қилишда суғурта пуллари, бадаллари ва тўловлари седент ва қайта суғурталовчи ўртасида номутаносиб тақсимланади. Қайта суғурталовчининг суғурта бадалини тўлаш мажбурияти фақат суғурта бадалининг ҳажми олдиндан келишилган меъёр (седентнинг устунлиги) дан ошган ҳолатдагина юзага келади. Ушбу қайта суғурта қилишнинг асосий мақсади суғурталовчиларни битта ҳодиса оқибати (қалтисликлар кумулясияси) учун катта миқдордаги тўловни амалга ошириш зарурати ёки битта объект бўйича йирик суғурта бадалини амалга ошириш кабиларни келтириб чиқариши мумкин бўлган йирик зарарлардан ҳимоя қилишдан иборат.

Номутаносиб қайта суғурта қилишнинг ўзига хосликларидан бири шундан иборатки, суғурталовчининг қайта суғурталанётган тўловлари одатда ҳар бири турли компанияларда қайта суғурталанган бўлиши мумкин бўлган даражаларда тақсимланади. Масалан, 1 млн. АҚШ долларидан ошмайдиган тўловлар учун бутунлай суғурталовчининг ўзи, 1 млн. АҚШ долларидан 2 млн. АҚШ долларигача биринчи қайта суғурталовчи (биринчи даражадаги шартнома), 2 млн. АҚШ долларидан 3 млн. АҚШ долларигача иккинчи қайта суғурталовчи (иккинчи даражадаги шартнома) ва шу каби жавоб бериши мумкин. Ушбу шаклда тақсимланишнинг сабаби, энг аввало жавобгарлиги даражасидан юқори бўлмаган операциялар (ўз имкониятлари билан қоплаш) ёки қоплашнинг юқори (халокатли) даражаларига қайта суғурталовчиларнинг

³⁹Тереньтеева А.С., Раквиашвили А.А. Теоретические особенности перестрахования // Страховое дело №5, 2009.

тез мослашиши учун зурур қайта суғурта қилиш ҳимояси билан таъминлаш вазифасини энгиллаштиришдан иборат.

Амалга ошириш шакли бўйича қайта суғурта қилиш факултатив ва облигаторга шаклларига бўлинади. Қайта суғурта қилиш операцияларини амалга ошириш усуллари бўйича қайта суғурта қилиш қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Квотали – суғурта мукофоти ва қайта суғурталовчи жавобгарлиги бўйича маълум мутаносибликни сақлаб, қабул қилинаётган қалтисликлар бўйича мажбуриятларнинг бир қисмидан воз кечишни суғурталовчининг зиммасига юклаш. Соддалаштирилган характерга эга ушбу шакл амалда суғуртанинг барча соҳаларида қўлланилади ва маълум улушдаги суғурта қалтислиги ўзгариб туришини камайтиришга ёрдам беради.

2. Эксседент – суғурталовчининг мустақил тўлаш имконияти мавжуд бўлиб (ўзига тегишли қисмини ушлаб қолиб) ва фақат шундан кейин суғурта пулининг қолган қисмини қайта суғурта қилишга берадиган, битим табиатидан қатъий назар суғурталовчи учун белгилашга ёрдам берадиган сумма.

3. Суғурта қилинган суғурта объекти бўйича соф зарарнинг охирги қиймати суғурта шартномасидаги лимитдан ошиб кетган тақдирдагина зарар эксседенти шартномаси кучга киради. Қайта суғурта қилишнинг бундай шаклини мутаносибҳимоя шаклларига қўшимча сифатида, шунингдек, ҳалокатли характерга эга қалтисликларга нисбатан қўллаш самаралироқдир.

Зарар эксседенти ва зарар келтириш эксседенти шартномалари асосидаги номутаносиб қайта суғурта қилиш қайта суғурта қилишнинг кўплаб шакл ва усуллари орасида миллий шароит учун истиқболли ҳисобланади. Биринчидан, бундай шартномаларга хизмат кўрсатиш бўйича унча катта бўлмаган харажатлар, ва иккинчидан, зарарлар, айниқса, кўпайиш тенденциясига эга ёнғин, тошқин, техноген авария ва бошқа ҳодисалар, тозалик ва зиёндан зарарлар қўламанинг ўсиши мумкинлиги. Амалиёт шуни кўрсатадики, айнан номутаносиб қайта суғурта қилиш бундай ҳолатларда суғурта компанияларни хонавайрон бўлишдан самарали ҳимоя қилади.

Хорижий давлатларда қайта суғурта қилишнинг замонавий технологиялари

Ўзбекистон қайта суғурта бозорининг ривожланиши халқаро миқёсда юз бераётган жараёнлардан алоҳида бўлиши мумкин эмас. Миллий қайта суғурта бозори ҳозирги кунда шаклланиш босқичида. Шу сабабли фаолиятнинг ушбу турида йиғилган халқаро тажрибалар, қайта суғурта қилиш усуллари амалиётидаги ўзгаришлар ва уларнинг шакллари таҳлили долзарб ҳисобланади ва Ўзбекистон қайта суғурта қилиш бозорининг янада ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун мўлжалланган тавсияларни ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Суғурта иқтисодиётнинг энг интернационал сегментларидан бири ҳисобланади. Миллий бозорни либераллаштириш зарурати ҳақида ҳар қанча кўп баҳс юритилса ҳам, бутун дунёда ягона халқаро суғурта тизими аллақачон пайдо бўлгани ҳақиқат бўлиб қолаверади.

2005-2014 йиллар давомида ҳаётни суғурта қилиш шартномалари бўйича келиб тушган бутун суғурта тўловларининг халқаро бозордаги ҳажми умумий суғурта ҳажмининг 57-62 фоизини ташкил этган.

Қайта суғурта қилиш ҳар доим глобал характерга эга бўлган ва қоидага кўра қайта суғурта қилиш компаниялари эр шарининг барча нуқталаридан қалтисликларни қабул қилган ва имзолаган. Агар қайта суғурта қилишда қалтисликларни бошқариш ва баланслашган портфелни таъминлашнинг асосий принципи қалтисликлар портфели максимал диверсификациясини сақлаш ҳисобланиши инобатга олинса, бу ойдинлашади. Бироқ, қайта суғурта қилиш бизнесининг глобал характери, хусусиятлари ва натижаларига қарамай, эр шарининг турли нуқталарида қайта суғурталовчилар фаолияти бир-биридан сезиларли фарқланади.

Европа қайта суғурта бозорининг дунёдаги энг қадимий эканлиги сабабли унинг фаолияти таҳлили биринчи навбатда келтирилади. Айти пайтда Европа қайта суғурта қилиш бозори ҳажми ва аҳамияти бўйича АҚШдан кейин иккинчи бозор ҳисобланади. Масалан, 2015 йилда ушбу ҳудуднинг суғурта компаниялари тахминан 300 млрд. доллар ҳажмидаги мукофотни қайта суғурта қилишга берган. Бу минтақада Германия, Швейсария, Буюк Британия ва Франция асосий бозорлар ҳисобланади.

2-жадвал

Дунёнинг ТОП 10 қайта суғурталовчилари, 2015йил⁴⁰

Умумий суғурта			Ҳаёт суғуртаси		
№	Компания	Мамлакат	№	Компания	Мамлакат
1	MunichRe	Germaniya	1	SwissRe	SHveysariya
2	SwissRe	SHveysariya	2	MunichRe	Germaniya
3	Berkshire Hathaway	AQSH	3	RGA	AQSH
4	Lloyd's	Buyuk Britaniya	4	HannoverRe	Germaniya
5	HannoverRe	Germaniya	5	GE Insurance Solutions	AQSH
6	GE Insurance Solutions	AQSH	6	Berkshire HathawayRe	AQSH
7	Transatlantic Holdings	AQSH	7	SCOR Vie	Fransiya
8	PartnerRe	AQSH	8	ReviosRe	Germaniya
9	XL Re	AQSH	9	XL Re	Bermud
10	EverestRe	Bermud	10	TransamericaRe (Aegon)	AQSH

⁴⁰Insurance information institute маълумотлари асосида тайёрланди.

2015 йилда Германия бозорида йиғилган қайта суғурта мукофоти 46,7 млрд. долларни ташкил этган, ундан 25,5 млрд. доллари MunichRe, 4,7 млрд. доллари Hannover Ruck ва 4,7 млрд. доллари Allianz ҳиссаларига тўғри келади. Шундай қилиб, 2015 йилда Германия бозори бўйича зарарлиликнинг ўртача коэффиценти 97,2 фоизни ташкил этган.

Швейсария қайта суғурта бозори SwissRening устунлиги билан характерли ҳисобланиб, 2015 йилда йиғилган мукофот 14,0 млрд. долларни ташкил этган. Бу бозор бўйича умумий йиғилган мукофот (20,2 млрд. доллар)нинг 70 фоизига тенг. Бошқа йирик суғурталовчилар Converium (2,5 млрд. доллар) ва European ReCo. Of Zurich (2,1 млрд. доллар) ҳисобланади. Шундай қилиб, 2015 йилда Швейсария бозори бўйича зарарлиликнинг ўртача коэффиценти 97 фоизни ташкил этган⁴¹.

Буюк Британия қайта суғурта бозори компанияларининг йирик уйи Лондон бозори ҳисобланади. У Lloyd (Lloyd's), Лондон Халқаро Андеррайтерлар Ассоциацияси аъзолари (Интернационал Ундервритинг Ассоциацияси оф Лондон) ва кема эгалари жавобгарлигини ўзаро денгиз суғуртаси клублари (протестион анд индемнитй слубс) каби суғурта ташкилотларини ўзида бирлаштиради. Ушбу ташкилотларнинг йиғилган мукофотлари 30 млрд. доллар атрофида (Lloyd - 7,8 млрд. долл.) баҳоланади ва Бермуддаги компаниялар томонидан йиғилган мукофотлар ҳажмидан (40 млрд. доллар) ортда қолади.

Замонавий қайта суғурта бозорларида қуйидаги марказлар шаклланди: АҚШ, Марказий Европа, Япония ва Бермуд. Мутахассислар берган баҳоларга кўра, 1990 йиллар ўрталаридан бошлаб дунё қайта суғурта мукофотларининг 10 фоизга яқини жамланган. Оффшор ҳудудли мамлакатларда қайта суғурталовчилар сонининг ўсиши унинг этакчилари – SwissRe, MunichRe, General ColonRe қайта суғурта қилиш компаниялари, Lloyd's синдикати томонидан халқаро қайта суғурта бозорини қаттиқ тартибга солишни юзага келтирган.

3-жадвал

Йирик халқаро суғурта брокерлари⁴²

№	Суғурта брокери	Мамлакат	Брокерлик мукофоти, млн. доллар
1	Marsh	АҚШ	10 000,0
2	AonCorp.	АҚШ	6 522,0
3	WillisGroupHoldingsLtd.	Великобритания	2 194,0
4	Arthur J. Gallagher&Co.	АҚШ	1 350,6
5	WellsFargo&Co. (2)	АҚШ	959,4
6	Jardine Lloyd Thompson Grouppic	Буюк Британия	881,8

⁴¹Insurance Day Juny — 2015.

⁴²Business Insurance, 2015.

7	Brown&BrownInc.	АҚШ	775,5
8	BB&T Insurance Services Inc.	АҚШ	757,4
9	Alexander Forbes Ltd. (3)	ЖАР	682,4
10	HilbRogal&Hobbs Co.	АҚШ	658,0

Умуман олганда қайта суғурта қилишнинг молиявий барқарорлигини назорат қилиш асосий тизимларини қуйидагиларга бўлиш мумкин:

1. “Англия” тизими – тўғридан тўғри суғурта компаниясида мавжуд кўрсаткичлар бўйича қайта суғурталовчининг молиявий барқарорлиги устидан назорат таъминланади. Шу билан бирга, таянч кўрсаткич сифатида техник захиралар ҳажмини ҳисоблашда, ҳисобланган мукофотдан ташқари қайта суғурталашга берилган тоза суғурта мукофотидан фойдаланилади.

2. “Германия” тизими – қайта суғурталовчининг молиявий барқарорлиги устидан назорат амалга оширилмайди. Молиявий назорат тўғридан-тўғри суғурталовчининг тўлаш қабилитини таъминлашга қаратилади. Техник захиралар ҳажмини аниқлашда тоза мукофотнинг кўрсаткичларидан фойдаланилади, аммо қайта суғурталовчи компаниянинг молиявий барқарорлиги нуқтаи назаридан унинг қанчалик ишончилиги ва ўз мажбуриятларини бажаришга тайёрлиги, шунингдек, қайта суғурта қилиш шартлари устидан назорат қилиш суғурта назорати вазифасига киради. Ўз ваколатлари дорирасида суғурта назорати суғурталовчини ўзгартиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

3. “Француз” тизимида молиявий назорат фақат тўғридан-тўғри суғурта суғурталовчисининг тўлаш қабилитини таъминлашга қаратилади, аммо суғурта захиралари ҳажмини аниқлашда ишни олиб боришга ажратилган сарф-харажатлар, шу жумладан унинг қайта суғурта қилишга берилаётган у ёки бу қисмидан ташқари брутто-суғурта мукофоти кўрсаткичидан фойдаланилади.

Турли давлатларда суғуртани тартибга солувчи ва назорат қилувчи органлар қайта суғурта қилиш оперсияларини олиб бориш учун лицензияни кимга берилиши устидан қаттиқ кузатиб боришади ва қайта суғурта қилувчи компаниялар фаолиятини тартибга солувчи асосий қонун-қоидалар бузилган тақдирда (айниқса, тўлаш қабилити талаблари бажарилишига алоқадор бўлса), агар компаниянинг банкрот бўлишига олиб келадиган салбий ҳолатлар аниқланса, лицензияни қайтариб олиши мумкин.

Осиё қайта суғурта бозори тенденцияларига эътибор берадиган бўлсак Япония, Хитой ва Жанубий Корея суғурта бозорлари минтақа ялпи суғурта мукофотларининг 73% қисмини ташкил этмоқда. Шунини такидлаш жоизки, минтақа жаҳон ҳамжамияти миқёсида қайта суғурта мукофотларини йиғиш бўйича олдиндалиги таҳсинга лойиқ.

Қайта суғурта қилиш капитали йиғилишининг давом этиши иқтисодиётдаги барча глобализация жараёнлари ва кўпроқ қайта суғурта ҳажмининг шаклланишига бўлган доимий ўсувчи талабдан аввал юзага

келган. Қайта суғурта замонавий халқаро бозорининг фаркланувчи қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

- қайта суғурта қилиш бизнесининг географик диверсификацияси давом этмоқда, яъни халқаро суғурта бозорининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида қайта тақсимланиш учун қабул қилинаётган қалтисликларга қайта суғурталовчилар жалб этилмоқда;

- информацион технологиялар соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш, хизматлар тақдим этишнинг янги йўнилишлари ривожланмоқда;

- қайта суғурта қилиш жамиятларининг самаралироқ бошқариши ҳисобига молиявий барқарорлик таъминланмоқда.

4-жадвал

Осиё қайта суғурта бозорлари ҳолати, 2018 йил.⁴³

Мамлакатлар	Ҳаёт суғуртаси бўйича (млн. АҚШ долларарида)	Ҳаётдан бошқа суғурта турлари бўйича (млн. АҚШ долларарида)	Суғуртанинг ЯИМдаги улуши (ҳаёт)	Суғуртанинг ЯИМдаги улуши (ҳаётдан бошқа)	Аҳолиси (млн.)
Япония	343816,0	105891	8,3	2,55	126,5
ХХР	210763,0	175737	1,95	1,63	1376,8
Жан. Корея	98218,0	55402	7,3	4,12	50,6
Ҳиндистон	79627,0	15101,0	2,72	0,72	1313,0
Тайван	56675,0	16352,0	15,74	3,23	23,4
Гонг Конг	41255,0	4494,0	13,31	1,45	7,3
Сингапур	16258,0	11746,0	5,55	1,69	5,5
Тайланд	14619,0	7063,0	3,7	1,79	68,0
Малайзия	9588,0	4762,0	3,37	1,68	30,4
Индонезия	11013,0	3916,0	1,28	0,45	257,9
Филиппин	4010,0	1539,0	1,37	0,53	100,9
Ветнам	1583,0	1414,0	0,83	0,74	93,4
Шри Ланка	383,0	508,0	0,49	0,66	20,7
Жами:	904569,0	446 405,0	3,59	1,74	4 311,8
Австралия	43663,0	26924,0	3,51	2,16	23,9
АҚШ	552506,0	763766,0	3,05	4,22	321,4
Европа	872115,0	596763,0	4,16	2,73	820,1
Жаҳон	2533818,0	2019967,0	3,47	2,77	7330,2

⁴³Global Reinsurance Guide 2017, FitchRatings

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот.

Суғурта технологияларининг моҳияти, аҳамияти ва ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари.

1. Суғурта технологияси тушунчаси, суғурта технологиялари асосида суғурта ишини ташкил этиш.
2. Суғурта технологияларини суғурта соҳалари бўйича қўллаш.
3. Суғурта технологиялари ривожланишининг замонавий йўналишлари. Қўлланиладиган педогогик технологиялар: "интерактив", "блиц сўров", "ақлий хужум" усуллари.

Мавзунини ўрганиш натижалари бўйича назорат саволлари

1. Суғурта технологияси тушунчасига таъриф беринг?
2. Суғуртанинг қандай шакллари бор ва улар тўғрисида тушунча беринг?
3. Суғуртага таъриф беринг?
4. Суғуртанинг функцияларини айтиб беринг?
5. Суғурта компаниялари қандай хусусиятларига кўра таснифланади?
6. Суғурта технологияларини ташкил қилишнинг умумий принциплари қайсилар?
7. Интернет ва Салл-сентер технологияларининг қулай ва ноқулай жиҳатлари қайсилар?
8. Истеъмолчи нуқтаи-назаридан суғурта хизматлари сервисининг сифати нималарни ўз ичига олади?
9. халқаро ИСО 9001:2000 мувофиқлик сертификати тўғрисида тушунча беринг?
10. Банксуғурта «бансассурансе» концепсиясининг моҳиятини тушунтириб беринг?

2-амалий машғулот.

Суғурта технологияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари.

1. Суғурта соҳасини тартибга солишга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.
2. Суғурта муносабатлари иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.
3. Суғурта меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ суғурта технологиялари. Қўлланиладиган педогогик технологиялар: "интерактив", "блиц сўров", "ақлий хужум" усуллари.

Мавзунини ўрганиш натижалари бўйича назорат саволлари

1. Суғурта ҳуқуқи нима?
2. Суғурта ҳуқуқининг тизими тўғрисида тушунча беринг?
3. Суғурта ҳуқуқининг манбалари қайсилар?
4. Суғуртага оид ҳуқуқий муносабат объекти нима?
5. Суғуртага оид ҳуқуқий муносабат субъекти нима?

6. Суғуртага оид ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи субъектлар қайсилар?
7. Суғурта воситачилари кимлар ва уларнинг фаолияти нимадан иборат?
8. Бугунги кунда суғурта компаниялари учун белгиланган минимал устав капиталлари қанча?
9. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган ва у кимлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади?
10. 2019 йил 2 августда суғурта соҳасида қабул қилинган Президент қарори асосида қайси ташкилот ташкил этилган ва унинг функциялари нимадан иборат?

3-амалий машғулот.

Умумий ва ҳаёт суғуртаси тармоқларида суғурта технологияларини қўллаш.

1. Умумий суғурта тармоғида қўлланиладиган суғурта технологиялари.
2. Ҳаёт суғурта тармоғида қўлланиладиган суғурта технологиялари.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: "интерактив", "блиц сўров", "ақлий хужум", "маъруза-суҳбат" усуллари.

Мавзунини ўрганиш натижалари бўйича назорат саволлари

1. Ҳаёт суғуртаси нима ва унинг объекти бўлиб нима ҳисобланади?
2. Мамлакатимиз суғурта амалиётида қўлланилаётган ҳаёт суғуртаси турлари қайсилар?
3. Ўзбекистонда суғурта фаолияти классификатори қачон ва қайси қарор асосида қабул қилинган?
4. Ҳаёт суғуртаси тармоғи қайси класслардан ташкил топган?
5. Ҳаётни биргаликда суғурта қилдиришнинг ўзига хслиги нимадан иборат?
6. Инвестицион полисларнинг хусусияти нимадан иборат?
7. Даромадли полисларнинг хусусияти нимадан иборат?
8. Улушли полисларнинг хусусияти нимадан иборат?
9. Қолган умрни суғурта қилдириш полислари қайсилар?
10. Мулкий суғурта ва унинг турлари тўғрисида тушунча беринг?
11. Жавобгарлик суғуртасининг объекти нима?
12. Жавобгарлик суғуртасининг мажбурий турлари қайсилар?

Мавзу бўйича масалалар

№1

Фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинган хавфли ишлаб чиқариш объектида портлаш юз бериши натижасида н атрофдаги уйларда ёнғин чиқди. Суғурталанувчи ёнғинни бартараф этиш мақсадида бир миллион сўмлик харажат қилди. Ушбу харажатни суғурталанувчи суғурталовчидан талаб қилишга ҳаққи борми? Агар бўлса қанча миқдорда?

№2

Суғурта шартномасига кўра суғурта объектининг қиймати 1 млн. сўм, суғурта суммаси 600 минг сўм, шартли франшиза 10 минг сўм. Зарар:

- А) 9 минг сўм
- Б) 12 минг сўм.

Тўланадиган суғурта қопламаси миқдорини аниқланг.

4-амалий машғулот.

Ўзаро суғуртани амалга ошириш технологияларининг назарий ва амалий жиҳатлари.

1. Ўзаро суғурта назарияси.
2. Ўзаро суғуртани амалга ошириш технологиялари.
3. Ўзаро суғуртани амалга ошириш технологияларининг хориж тажрибаси.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: "интерактив", "блиц сўров", "ақлий хужум" усуллари.

Мавзунини ўрганиш натижалари бўйича назорат саволлари

1. Ўзаро суғурта қачон пайдо бўлган?
2. Ўзаро суғуртанинг мамлакатимиздаги ҳуқуқий асоси қайси хужжатда ўз аксини топган?
3. Ўзаро суғуртанинг тижоратга асосланган суғуртадан фарли жиҳатлари нималардан иборат?
4. Ўзаро суғуртанинг тижорат суғуртасидан афзаллик жиҳатлари қайсилар?
5. Ривожланган мамлакатларда ўзаро суғуртанинг ҳолати қандай?
6. Дунёдаги энг йирик ўзаро суғурталаш жамиятларидан қайсиларни биласиз?
7. Ўзаро суғуртада суғурталовчи ва суғурталанувчи бир шахсда намоён бўлади деган тушунчани қандай изоҳлайсиз?
8. Ўзаро суғурта жамияти инвестиция фаолияти билан шуғуланадими?
9. Ўзаро суғурта жамиятларида минимал устав капиталини шакллантириш мажбурийми?
10. Ўзаро суғурталаш фаолияти лицензияланадими?
11. Ўзаро суғуртада аъзолик ва кириш бадаллари нима?

5-амалий машғулот.

Қайта суғуртанинг назарий асослари ва амалга ошириш технологиялари

1. Қайта суғуртанинг суғурта соҳасида тутган ўрни, қайта суғуртанинг моҳияти ва турлари.
2. Миллий суғурта бозорида қайта суғуртани амалга ошириш технологиялари.
3. Халқаро бозорларда қайта суғуртани амалга ошириш технологиялари.
4. Қайта суғурта қилиш иштирокчилари.

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: "интерактив", "блиц сўров", "ақлий хужум", "маъруза-суҳбат" усуллари.

Мавзуни ўрганиш натижалари бўйича назорат саволлари

1. Қайса суғуртанинг моҳияти нимадан иборат?
2. Қайта суғурта нима учун керак?
3. Облигатор қайта суғуртанинг хусусияти нимадан иборат?
4. Факультатив қайта суғурта қандай хусусиятларга эга?
5. Қайта суғуртада цедент ва цессионер тушунчалари?
6. Қайта суғуртанинг халқаро даражадаги хизмат тури эканлигини қандай изоҳлайсиз?
7. Ўзбекистонда қайта суғурта фаолият билан қайси компаниялар шуғулланади?
8. Ўзбекистонда қайта суғурта сиғими етарлими?
9. Мамлакатимиз суғурта компаниялари ўз жавобгарликларини қайси давлатларга қайта суғуртага бермоқда?
10. Мамлакатимизда чет мамлакатлардан қайта суғуртага жавобгарликларни қайси компания қабул қилиш амалиётига эга?

Мавзу бўйича масалалар

№1

Агар қайта суғурталовчининг аралашув суммаси 500 минг сўм бўлса, суғурта суммаси 1 млрд. сўм бўлганда қайта суғурталовчининг фоиздаги улуши қандай топилади?

№2

2 млн. сўмлик қайта суғурта лимити меъёрида қайта суғурталовчининг суғурта қопламасидаги жавобгарлик улуши 30 %ни ташкил қилиши белгиланган. Суғурта суммаси 1,5 млн. сўмни ташкил қилса, қайта суғурта сиғимининг миқдори қанчани ташкил қилади?

№3

Цессионернинг жавобгарлигини юқори чегараси зарарлар

V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Ўзбекистон молиявий тизимида суғурта соҳасининг аҳамияти ва ўрни.
2. Ривожланган давлатларда суғуртанинг ўрни.
3. Суғурта бозори шаклланишини асосий шартлари.
4. Ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда суғурта бозорининг таркибий тузилиши.
5. Ривожланган давлатларда суғурта бозорининг ҳозирги ҳолати.
6. Ўзбекистон суғурта бозорининг ҳозирги ҳолатини таҳлили.
7. Инқилобдан олдинги Ўзбекистон суғурта бозорининг ҳолати.
8. Совет давридаги Давлат суғуртасининг хусусиятлари.
9. Мустақил Ўзбекистонда суғурта хизматларининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари.
10. Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишининг ҳозирги даврида суғурта компаниялари фаолияти.
11. Суғурта фаолиятининг институционал базаси шаклланиши ва ривожланиши.
12. Суғурта бозорини тартибга солиш билан боғлиқ асосий тушунчалар ва атамаларнинг мазмуни.
13. Ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда суғурта бозорини тартибга солиш тизимининг хусусиятлари.
14. Ривожланган давлатлар суғурта бозорларида ўз-ўзини тартибга солиш усуллари.
15. Ривожланган давлатларда суғурта бозорининг қонунчилик тизими.
16. Ўзбекистон ва ривожланган давлатлар суғурта бозорларига тегишли қонунчилик тизимларининг хусусиятлари.
17. Ривожланган давлатларда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш асослари.
18. Ривожланган давлатларда суғурта бозорига тегишли асосий қонунчилик ҳужжатлари.
19. Ўзбекистонда ва ривожланган давлатларда суғурта бозори тузилишини нисбий таҳлили.
20. Суғурта бозорининг ички ва ташқи муҳити.
21. Суғурта мунособатларини амалга ошириш жараёнлари.
22. Ривожланган давлатларда суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари.
23. Суғурта бозорларини таснифлаш асослари.
24. Ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда суғурта бозори таркибий тузилишининг таҳлили.
25. Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари.
26. Суғурта бозорини иқтисодий таҳлил қилиш асослари.
27. Суғурта бозорини баҳолаш ва бошқаришда экспертлар усулининг ўрни ва аҳамияти.

28. Ўзбекистонда суғуртанинг тадрижий таракқиёти ва унинг ўзига хослиги.

29. Ўзбекистонда суғурта компаниялари инвестицион фаолияти ва уни баҳоловчи кўрсаткичлар.

30. Қайта суғуртани баҳоловчи кўрсаткичлар.

31. Суғурта фаолиятининг рентабеллик кўрсаткичлари.

32. Суғурта бозори ҳолатининг асосий баҳоловчи кўрсаткичлари таҳлили.

33. Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари.

34. Ривожланган давлатлар суғурта амалиётини Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантиришда қўллаш.

35. Ўзбекистон суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш тажрибаси ва такомиллаштириш муаммолари.

36. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш истикболлари

37. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қиладиган факторлар таҳлили.

38. Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш.

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи
Абандон	тўлиқ миқдордаги суғурта суммасини олиш учун суғурталанувчининг суғурталанган мол–мулкдан суғурталовчининг фойдасига воз кечиши (суғурталанган кема нобуд бўлганда, у хабарсиз йўқолганда, кема ёки юк қароқчилар томонидан босиб олинганда). Абандон тўғрисидаги ариза воқеа–ходиса рўй бергандан кейин олти ой мобайнида берилиши керак. Айрим чет мамлакатлар қонунчилигида абандон суғурталанувчининг бир томонлама акти ҳисобланади. Фақат, Англия қонунчилигида абандон учун суғурталовчининг розилиги талаб этилади.
Авария комиссари	суғурта компаниясининг ваколатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. Суғурталанган кема ёки юк бўйича кўрилган зарарнинг характери ва миқдорини аниқлайди, ҳодиса рўй берганлик сабабларини ўрганади. Суғурта компанияси авария комиссарининг чет элда ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам тайинлаши мумкин. Авария комиссарининг юридик манзили, телефон ва телекс рақамлари суғурта компанияси томонидан бериладиган суғурта полисида кўрсатилади. Суғурталанувчи суғурта ходисаси рўй бериши заҳоти авария комиссарига мурожаат қилиши зарур. Авария комиссари мол–мулкнинг зарарланганлик даражасини аниқлайди ва суғурта компаниясининг топшириғига асосан, кўрилган зарарни қисман қоплаши мумкин. Авария комиссари бажарилган ишлар тўғрисида суғурта компанияси учун авария сертификати тузади ёки унга ёзма ахборот тайёрлайди.
Авария сертификати	мол–мулк суғурта ходисаси туфайли зарарланганда, кўрилган зарарнинг миқдори ва характерини тасдиқловчи ҳужжат. Авария сертификати авария комиссари (аджастер) томонидан тузилади ва тегишли комиссия ҳақи ҳисобига суғурталанувчига тақдим этилади. Авария сертификати суғурталанувчининг суғурта қопламасини олиш тўғрисидаги аризасига илова этилади ва қопламани тўлашда суғурта компаниясига асос бўлиб хизмат қилади.
Аддендум	илгари тузилган суғурта ва қайта суғурталаш шартномасига томонларнинг ўзаро келишуви билан қўшимчалар киритиш.
Аджастер	суғурта ходисаси рўй бериши муносабати билан суғурталанувчи томонидан билдирилган эътирозни тартибга солишда суғурта компаниясининг манфаатларини ҳимоя этувчи жисмоний ёки ҳуқуқий шахс. У суғурталанувчи билан унга тўланадиган суғурта қопламаси миқдорини келишишга ҳаракат қилади. Аджастер суғурта ходисасини рўй бериш сабабларини ўрганади ва таҳлил этади. Ушбу таҳлил натижалари бўйича суғурта компаниясига эксперт хулосасини тузади ҳамда авария комиссари функциясини бажаради. Аджастер вазифасини суғурта компаниясининг таркибий бўлими ёки ихтиссослашган ташкилот амалга ошириши мумкин.
Актуарий	лотин тилидан таржима қилганда ҳисобчи деган маънони билдиради. Актуар ҳисоб–китоблар назариясини ўзлаштириб олган суғурта математикаси соҳасидаги мутахассис. У суғурта тарифларини

	<p>ҳисоблаш ва методологиясини ишлаб чиқиш, узоқ муддатли суғурта турлари бўйича суғурта захираларини шакллантириш билан боғлиқ ҳисоб–китобларни амалга ошириш билан шуғулланади. Ҳозирги пайтда Англияда актуарийлар институти фаолият кўрсатмоқда. Актуарийларнинг халқаро уюшмаси мавжуд.</p>
Актуар ҳисоб–китоблар	<p>суғурта тарифи ставкаларини ҳисоблашнинг иқтисодий–математик усуллари йиғиндиси. Ушбу ҳисоб–китоблар катта сонлар қонунига асосланади. Актуар ҳисоб–китобларнинг методологияси, эҳтимоллар назарияси, демография қонуниятларига асосланади, тариф ставкасини миқдори суғурта ходисалари рўй беришининг эҳтимолийлигига боғлиқ. Демография маълумотларидан фуқароларнинг ҳаётини суғурталашда суғурталанувчиларнинг ёшига мос равишда суғурта тарифи ставкасини табақалаштиришда фойдаланилади. Узоқ муддатли ҳаётни суғуртаси бўйича суғурта суммалари суғурталанган шахс вафот этганда ёки у маълум бир ёшга етганда тўланади. Етарли миқдордаги суғурта фондини шакллантириш учун, суғурталовчи шартнома амалда бўлган даврда қанча шахс вафот этиши ёки маълум бир ёшга етиши эҳтимолийлигини билиши зарур. Аҳоли ўлими даражаси ҳақидаги статистик маълумот асосида турли ёшга етиши эҳтимоллигини ҳисоблаш ҳамда фуқароларнинг ўлими тўғрисидаги жадвални тузиш мумкин.</p>
Андеррайтер	<p>турли рискларни суғурталаш ваколатига эга, суғурта компанияси томонидан тайинланадиган шахс. Суғурта компаниясининг суғурта портфелини шаклланиши учун жавоб беради. У суғурта шартномаларини тузиш, рискларни баҳолаш ва суғурта тарифи ставкасини белгилаш юзасидан тегишли малакага эга бўлиши зарур; 2) Ллойд суғурта полисларини берадиган Ллойд суғурта корпорациясини аъзоси; 3) потенциал мижозларга суғурта полисини сотиш билан шуғулланадиган ёки манфаатдор томонларга суғурта соҳаси бўйича юқори даражада маслаҳат хизматларни кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс.</p>
Андеррайтинг	<p>1) суғурталаш мақсадида рискни баҳолаш; 2) суғурта шартномаларини тузиш ва унинг шартларини бажариш; 3) суғурта.</p>
Андеррайтер сиёсати	<p>суғурталаш билан боғлиқ янги таклифларни кўриб чиқиш ва мазкур таклифни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида хулосалар чиқаришга қаратилган сиёсат.</p>
Аннуитет	<p>рента ва нафақаларни суғурталашнинг ҳамма турларини умумлаштирувчи тушунча. Бунда суғурталанувчи суғурта компаниясига бир вақтнинг ўзида ёки бир неча йиллар давомида тегишли суғурта мукофотларини тўлайди. Кейин суғурталанувчи бутун ҳаёти давомида суғурта компаниясидан даромад олади. Аннуитетнинг бир тури ҳисобланадиган фуқароларнинг йиллик даромадини суғуртаси бугунги кунда Буюк британияда, Францияда</p>

	ва АҚШда кенг ривожланган.
Аудит	суғурта компаниясининг молиявий ҳисоботи тўғрилигини ёзма равишда тасдиқлаш ва текшириш. Аудит ишини махсус малакага эга бўлган аудиторлар амалга оширади. Аудиторлик фирмаси билан суғурта компанияси ўртасида шартнома тузилади. Ўзбекистон Республикасида аудит ишини Молия вазирлигининг лицензиясига эга бўлган шахслар амалга ошириши мумкин.
Бонус	суғурта компанияси ўзи учун қулай шартларда суғурта шартномасини тузганлиги учун суғурталанувчига, у тўлайдиган суғурта мукофоти миқдоридан чегирмалар белгилайди.
Брутто–мукофот	суғурта шартномаларини тузиш, иш юритиш харажатларини ҳисобга олган ҳолдаги суғурта мукофотлари суммаси
Бош полис	суғурта компанияси ва суғурталанувчи ўртасидаги ёзма битим. Бу битимга мувофиқ, тегишли давр мобайнида суғурталанувчи барча объектларни суғурта компаниясига суғурталаш учун беради. Чет эл тажрибасида бу битим «очиқ полис» ёки «полис–абонамент» дейилади. Мазкур бош полис асосида суғурталаш ташқи савдо юклари суғуртасида кенг тарқалган. Суғурталанувчи суғурта компаниясига ҳар бир жўнатилган юк ҳақидаги маълумотлар (юкнинг вазни, суғурта суммаси, юкни жунатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари) баён этилган аризани тақдим эца етарли, юк автоматик равишда суғурталанган ҳисобланади.
Биргаликда суғурта қилиш	битта суғурта шартномаси доирасида рискни икки ёки ундан ортиқ суғурта компаниялари ўртасида тақсимланиши. Ушбу шартномада ҳар бир суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилади. Биргаликда суғурта қилишда суғурталанувчига қўшма полис ёки ҳар бир суғурта компанияси ўз зиммасига олган риск ҳиссасига мувофиқ алоҳида полис берилади.
Брутто – ставка	суғурта қопламасини (суғурта суммасини) тўлашга мўлжалланган нетто–ставка ва иш юритиш харажатларини қоплашга мўлжалланган нетто–ставкага юклама суммаларини ўз ичига олган суғурта мукофотларининг тариф ставкасини билдиради. Кўпгина адабиётларда ушбу ибора суғурта тарифи маъносида ҳам ишлатилади.
Денонсация	шартномадан воз кечиш. Агар суғурта муносабатларида томонлардан бири ёзма равишда шартномадан воз кечиши тўғрисида иккинчи томонга маълум қилмаса, шартнома унда кўрсатилган муддатгача кучда бўлади.
Депозит	суғурта компаниясининг банк муассасасида сақланадиган пул маблағи ёки қимматли қоғозлари. Банк, одатда, суғурта компаниясига ўз пулини банкда сақлагани учун фоиз тўлайди; 2) айрим мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ, чет мамлакат суғурта компанияси, агар, бирор бошқа мамлакатда суғурта фаолиятини амалга ошироқчи бўлса, дастлаб у ўша мамлакат банк муассасасига тегишли пул маблағини депозитга кўяди. Мазкур депозит, чет давлат суғурта компаниясининг бошқа мамлакат ҳудудида суғурта

	фаолиятини амалга ошириши учун асос бўлиб хизмат қилади.
Диверсификация	йирик суғурта компанияларининг асосий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият билан ҳам шуғулланиши. Масалан, суғурта воситачилиги, қимматли қоғозларнинг олди–сотдиси, кўчмас мулк билан шуғулланиш ва ҳакозо.
Депозитларни суғурта қилиш	банклар банкрот деб эълон қилинганда ёки тўлов қобилияти йўқолганда, омонатчиларнинг банкдаги пул маблағларини уларга қайтарилишини суғурталаш. Бунда банклар суғурталанувчилар ҳисобланади. Суғуртани махсус суғурта ташкилотлари амалга оширади. Депозитларни суғурталаш чет мамлакатларда кенг тарқалган. Масалан, АҚШда депозит суғуртасини депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси амалга оширади. АҚШда ҳар бир омонатчига тўғри келадиган 100 минг АҚШ доллари миқдоридagi депозитни банклар мажбурий суғурталайди.
Диспашер	денгиз транспортида умумий авария содир бўлганда кўрилган зарарни кема, юк ва фрахт ўртасида тақсимлаш бўйича ҳисоб–китобларни тузадиган мутахассис. Ривожланган мамлакатларда диспашер функциясини махсус компаниялар бажаради. Зарарларни тақсимлаш бўйича ҳисоб–китоблар диспаша дейилади ва диспашани тузганлик учун ҳақни манфаатдор томонлар (кема эгаси, юк эгаси, юкни сотиб олувчи шахс) тўлайди.
Европолис	европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатларида суғурта шартномаси тузганлик фактини тасдиқловчи суғурта полиси
Захира фонди	жорий йилда келиб тушган суғурта мукофотлари ҳисобидан суғурта қопламасини тўлаш имконияти бўлмаганда, ушбу суғурта қопламасини тўлаш учун фойдаланиладиган пул маблағлари фонди. Маълумки, суғурта ходисалари туфайли кўрилган йўқотишлар ва зарарлар миқдори ҳар йили ҳар–хил бўлади. Айрим йиллари суғурта ходисалари кам, бошқа йили эса кўпроқ бўлиши мумкин. Агар суғурта ходисалари сони кўп бўлиб, кўрилган зарар миқдори жорий йилда келиб тушган суғурта мукофотларидан бир неча марта кўп бўлса, уларнинг фарқи захира фонди ҳисобидан қопланади.
Карго	транспорт воситасида ташиладиган ва суғурталаниши мумкин бўлган юкнинг номланиши.
Каско	транспорт воситасининг борти. Каско суғуртаси транспорт воситасини нобуд бўлиши ёки шикастланиши ўз ичига олади.
Каф	ташқи савдо шартномаси бўйича юкларни белгиланган портгача (жойгача) етказиб бериш шarti. Бунда ташилаётган товарнинг қийматида денгиз транспортида ташиш билан боғлиқ харажатлар киритилади. Ушбу шарт бўйича товарларни суғурта қилиш товар етказиб берувчининг (сотувчи) мажбуриятига кирмайди.
Касбий жавобгарлик	чет эл тажрибасида врачларнинг, адвокатларнинг, аудиторларнинг, нотариусларнинг, бухгалтер, архитектор ва бошқа касб эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномасини тасдиқлайдиган суғурта полисининг аталиши. Ушбу

	касб эгалари хусусий амалиёт билан шуғулланганларида, уларда суғурта полисининг бўлиши мажбурийдир
Квота	1) бир неча суғурта компанияси томонидан биргаликда тегишли объект суғурталанаётганда, битта суғурта компаниясига тўғри келадиган ҳисса. Бундай ҳолатда ҳар бир суғурта компаниясига тегишли квота ягона суғурта полисида ўз аксини топади; 2) қайта суғурталаш компаниясини қайта суғурталашда қатнашиш ҳиссаси.
Квотали қайта суғурталаш	суғурта компанияси қайта суғурталовчи компания билан келишган ҳолда унга рискларни бир қисмини беради. Бу операция квота шартномаси орқали расмийлаштирилади. Қайта суғурталовчи компанияга суғурта мукофотини тегишли қисми берилади ва қайта суғурталовчи компания пропорционал равишда кўрилган зарарни қоплашда иштирок этади.
Ковернота	суғурта воситачиси томонидан суғурталанувчига бериладиган ва суғурталанувчининг суғурта шартномаси тузишини тасдиқловчи ҳужжат. Ушбу ҳужжатда кўрсатилган муддат мобайнида суғурта брокери суғурталанувчига суғурта полисини бериши шарт. Чунки, ковернота суғурта компанияси учун юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланмайди.
Комбинацияли суғурта	бир неча суғурта турлари бўйича суғурта қопламаси шарти
Комиссия ҳақи	мижозларни суғуртага тортганлиги учун суғурта компанияси томонидан воситачиларга (суғурта брокери, агент) тўланадиган ҳақ. Комиссия ҳақининг миқдори суғуртанинг турига ва келиб тушган бадалнинг ҳажмига боғлиқ ҳолда суғурта бадалига нисбатан фоизларда тўланади.
Коносамент	денгиз транспортида юкларни ташиш шартларини ифодаловчи ҳужжат. Коносамент шартнома мавжудлиги фактини ва юк ташувчини юкни қабул қилиб олганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Коносаментга имзо чекиши билан юкни сақлаш, уни тегишли манзилга етказиш масъулияти тўлалигига юк ташувчи кема зиммасига ўтади. Имзоланган коносаментнинг асл нусхаси сотиб олувчига юборилади ва ушбу ҳужжат унга тегиши билан сотиб олувчи юкнинг ҳуқуқий эгаси ҳисобланади.
Кумуляция	бир қанча йирик суғурта суммали объектларнинг битта суғурта ҳодисаси туфайли зарар кўриши эҳтимоллигини назарда тутувчи суғурта рискларини йиғиндиси
Кэптив суғурта компанияси	таъсисчиларнинг манфаатларини суғурта ҳимоясига оладиган ёки йирик концерн, корпорациялар, йирик саноат–молия гуруҳлари таркибига кирувчи суғурта компанияси. Рақобатдаги бошқа суғурта компанияларини кэптив суғурта компанияси мавжуд бўлган тармоққа кириши мураккаброқ ҳисобланади. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кэптив суғурта компанияларига – «АЛСКОМ», «Универсал суғурта» суғурта компанияларини мисол келтириш мумкин.

Ллойд	Англиядаги халқаро суғурта бозори; Англиядаги суғурталовчиларнинг корпорацияси, тахминан 1734 йилда ташкил этилган. Ҳозирги пайтда Ллойдга 22000 дан ортиқ аъзо бор. Унинг фаолияти Англия парламенти қабул қилган махсус қонун билан тартибга солинади. Ллойд суғуртани барча турларини амалга оширади. Ллойд аъзолари 279 синдикатга бирлашган бўлиб, синдикат фаолияти учун андеррайтерлар жавоб беради. Андеррайтерлар билан суғурталанувчиларни суғурта воситачилари бирлаштиради. Суғурта воситачилари Ллойд бозорида рискларни жойлаштиради. Андеррайтерлар суғурта шартномаси бўйича жавоб бериш учун йирик миқдордаги пул маблағларини корпорацияга депозит сифатида қўяди.
Тиббий суғурта	аҳоли соғлиғини ҳимоя қилиш воситаларидан бири. Суғурта ҳодисаси рўй бериши муносабати билан, суғурта полиси орқали бепул тиббий хизмат кўрсатилиши. Тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни суғурта компанияси тўлайди. Тиббий суғурта мажбурий ёки ихтиёрий бўлади.
Мулкий суғурта	турли кўринишдаги мол–мулкларни сақлаш билан боғлиқ манфаатлар суғурта муносабатларининг объекти ҳисобланган, суғуртанинг мустақил тармоғи. Суғурталанувчининг шахсий мулки, унинг қарамоғида жойлашган мол–мулклар суғурталаниши мумкин. Суғурталанувчи сифатида, нафақат мол–мулкнинг соҳиблари, балки мол–мулкнинг сақланиши учун масъулиятли бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин.
Нетто–ставка	брутто–ставканинг асосий таркибий қисми. Нетто–ставка суғурта қопламасини тўлашга мўлжалланган пул маблағлари ресурслари бўлиб, у брутто–ставканинг 90 фоизигача миқдорини ташкил этади.
Облигаторли қайта суғурталаш	1) қайта суғурталашнинг мажбурий шакли. Айрим мамлакатлар қонунчилигига кўра, ушбу мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта компаниялари қабул қилган рискларини бир қисмини мажбурий равишда қайта суғурталаш компаниясига беради. Бу чора қайта суғурталаш орқали чет элга валютани чиқиб кетишини олдини олади; 2) суғурта компанияси (цедент) маълум бир суғурта тури бўйича рискни қайта суғурталовчига беришини ва ўз навбатида, қайта суғурталовчи, рискни қабул қилишни назарда тутувчи қайта суғурталаш шартномаси.
Мажбурий суғурта	суғурта муносабатларининг қонун кучига эга бўлган шакли. Мажбурий суғурта қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Ушбу ҳужжатда суғуртага тортиладиган объектлар сони, суғурта жавобгарлигининг ҳажми, суғурта муносабатларида қатнашадиган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа реквизитлар кўрсатилади. Амалдаги қонунчиликка асосан, Ўзбекистонда мажбурий суғуртани тегишли лицензияга эга бўлган ҳар қандай суғурта компанияси ўтказиши мумкин.
Оферта	асосий шартлар кўрсатилган ҳолда суғурта шартномасини тузиш таклифи. Суғурта компанияси офертани конкрет юридик ёки жисмоний шахсга йўллаши мумкин.

Оффшор суғурта компанияси	махсус мақомга эга бўлган суғурта компанияси. Оффшор суғурта компаниялари солиқ тўлаш ставкалари энг кам булган оффшор зоналарда (Бермуд ороли, Гернси, Мэн ва Кэйманов ороллари) ташкил этилади. Оффшор зоналарда амалга ошириладиган суғурта операциялари суғурта компаниясини ташкил этишда қатнашган таъсисчилар жойлашган давлати органлари томонидан назорат этилмайди.
Пролонгация	ўзаро келишган ҳолда суғурта шартномасини амал қилиш муддатини узайтириш. Пролонгация ёзма кўринишда тасдиқланиши мумкин
Пропорционал қайта суғурталаш	қайта суғурталаш шартномасини тузиш шакли. Бу ерда қайта суғурталаш компанияси суғурта мукофотларини умумий тушумидаги ва суғурта қопламаларини тўлашда ўз улушига эга. Пропорционал қайта суғурталаш шартномалари квотали, экцедентли ва квота–экцедентли шартномаларини ўз ичига олади.
Рискларни жойлаштириш	1) суғурта манфаати туфайли юзага келадиган суғуртавий ҳуқуқий муносабатларнинг бошланиш жараёни. Рискларни бирламчи, иккиламчи ва учламчи жойлаштириш, тенг равишда суғурталаш, қайта суғурталаш ва ретроцессияга тўғри келади. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда рискларни жойлаштириш суғурта воситачилари орқали суғурта бозорида амалга оширилади; 2) суғурта брокери ёрдамида бир вақтнинг ўзида йирик ва хавфли рискларни қисмларга бўлиб, бир нечта суғурта компаниясида суғурталаш услуги. Бир қанча суғурта компаниялари таркибидан биттаси етакчи сифатида ажралиб чиқади ва у суғурта шартномасидаги шартларни маъқуллаб, рискнинг тегишли қисмини ўз жавобгарлигига олади.
Рақобат	суғурта компанияларининг суғурта бозоридаги ўз улушини эгаллаши учун ўзаро иқтисодий мусобақаси. Рақобат суғурталанувчи учун суғурта компанияларини танлаб олишларида кўмак беради. Рақобат суғурта хизматини кенгайтиришида ва уларнинг сифатини ошишида муҳим аҳамиятга эга. Бир суғурта хизматини кўрсатаётган бир неча суғурта компаниялари рақобат шароитида мижозларни жалб этиш учун уларга суғурта шартномаларини тузишда, суғурта мукофотларини тўлашда ва суғурта қопламаларини қисқа муддатларда тўлашда имконият яратади.
Ретроцедент	қабул қилиб олинган қайта суғурталаш рискни ретроцессияга (иккинчи қайта суғурталаш) берувчи суғурта ёки қайта суғурталовчи компания
Ретроцессионарий	ретроцедентдан рискни қабул қилиб олувчи қайта суғурталовчи компания.
Ретроцессия	1) қайта суғурталашга илгари қабул қилиб олинган рискларни яна қайта суғурталашга бериш; 2) рискларни учламчи жойлаштириш
Риск	1) битта кутилаётган ҳодиса бўйича хавфнинг юзага келиши. Риск тушунчаси кўринишларининг хилма–хиллиги, уни содир бўлиши натижасида юзага келган оқибатларнинг оғирлиги, рискни рўй бериши сабабли пайдо бўлган зарарларни мутлоқ тугатишни

	<p>имконияти бўлмаганлиги суғурта ишини ташкил этиш учун асос яратади. Шундай қилиб, риск суғуртавий ҳуқуқий муносабатларни шакллантириш учун шарт–шароит яратади. Риск–рискли ҳолатларнинг ягоналик ва ўзаро алоқадорлик йиғиндисидир. Суғурта фанида риск тушунчасига турлича тарифлар берилган. Жумладан, риск–бу конкрет ҳодиса ёки ҳодисалар йиғиндиси бўлиб, улар содир бўлган тақдирда суғурта компанияси қопламалар тўлайди. Риск суғурта объекти билан тўғридан тўғри боғланган. Объектга риск салбий таъсир кўрсатиб, уни шикастлаши ёхуд нобуд қилиши мумкин. Шу туфайли риск – бу ягона тасодифий ҳодиса бўлиб, унинг рўй бериши инсон онгига ёки иродасига боғлиқ эмас. Суғурта рискларининг рўйхати суғурталовчининг суғурта жавобгарлиги ҳажмини ташкил этади. Риск баҳосининг пулдаги ифодаси суғурта тариф ставкасини ташкил этади; 2) суғурта объекти; 3) суғурта жавобгарлигининг тури.</p>
Риск менежменти	<p>рискни камайтириш ёки чегаралаш бўйича суғурта компаниясининг мақсадли йўналтирилган ҳаракати. Риск менежментининг таркибий элементига қуйидагилар киради: рискни аниқлаш, рискни баҳолаш, рискни назорат қилиш ва рискни молиялаштириш</p>
Рискли ҳолатлар	<p>риск даражасига таъсир қилувчи омиллар. Суғурталанувчига маълум бўлган барча рискли ҳолатлар суғурта компаниясига хабар қилинади. Бу рискни баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Рискли ҳолатларни таҳлил этиш сюрвеер ёки аджастернинг функциясига киради. Бу суғурта компаниясини суғурта шартномасини тузиш ёки тузмаслик масаласи бўйича қарор қабул қилишида ҳамда суғурта қопламалари ва суммаларини тўлашда муҳим ўрин тутаяди. Рискли ҳолатлар: шахсий ва ашёвий; тўғри ва эгри; тасдиқланадиган ва инкор қилинадиган: объектив ва субъектив турларга бўлинади.</p>
Рискларни танлаш	<p>суғурта шартномасини тузиш бўйича мижозлардан келиб тушган таклифларни таҳлил этишга қаратилган суғурта компаниясининг фаолияти. Суғурта компаниясининг мувозанатлашган суғурта портфелини шаклланишида рискларни танлаш иборасини амалий жиҳатдан ишлатиш муҳимдир. Суғурта амалиётида рискларни танлаш ишини сюрвеерлар амалга оширади. Рискларни танлаш – бу риск менежмент соҳасида олиб бориладиган чора – тадбирларнинг бир қисмидир.</p>
Рискни баҳолаш	<p>риск параметрларини характерловчи барча рискли ҳолатларни натура ва қиймат кўринишида таҳлил этиш. Энг аҳамиятли белгисига қараб тегишли рисклар гуруҳи ажратилган ҳамда у рискни баҳолаш мезони ҳисобланади. Масалан, шахсий суғурта шартномасини тузишда инсоннинг ёшига эътибор берилади. Суғурта шартномаси тузилган моментдан, суғурталанувчининг ўлимига ёки ногирон бўлиб қолишига олиб келувчи хавфли касалликларни аниқлаш мақсадида мижоз кўшимча равишда дастлабки тиббий текширувдан ўтказилиши мумкин.</p>
Суғурта мукофотлари захираси	<p>ҳаётни ва нафақани узоқ муддатли суғурталаш бўйича тўловларни олдиндан тўлаш учун суғурта компаниясида ташкил этиладиган фонд. Бу фонд суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини</p>

	<p>таъминлашда ҳамда суғурталовчи зиммасидаги мажбуриятларни бажаришда муҳим ўрин тутлади. Ҳаёт суғуртаси шартномалари, одатда, бир неча йилга тузилади. Суғурта мукофотларини келиб тушиш ва суғурта суммасини тўлаш вақтлари ўзаро тўғри келмаганлиги учун, суғурта компаниясига келиб тушган суғурта мукофоти маълум вақт мобайнида унинг ихтиёрида бўш ҳолда бўлади. Келиб тушган суғурта мукофотларининг бир қисми жорий тўловлар учун сарфланади, қолган қисми эса заҳира фондини шакллантириш учун юналтирилади. Узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича заҳира фондининг маблағлари кредит ресурси сифатида фойдаланилиши мумкин.</p>
Суғурта заҳиралари	<p>суғурта суммаларини тўлашни кафолатлаш мақсадида суғурта компаниялари ташкил этган фондлар. Агар, маълум бир вақтда суғурта қопламаларини тўлаш учун жорий суғурта мукофотлари етмаса, суғурта компанияси заҳира фондларидан фойдаланиши мумкин. Суғурта заҳираларига қуйидагилар кириди: ҳаётни суғуртаси бўйича заҳира фондлари, рўй берган, аммо арз қилмаган зарарларни қоплаш заҳиралари ва бошқалар. Ушбу заҳира фондларининг маблағлари вақтинча бўш бўлгани учун инвестиция мақсадларида фойдаланилиши мумкин. Бунинг натижасида суғурта компанияси қўшимча даромад олади.</p>
Суғурта полиси	<p>суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полисида қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт: суғурта компаниясининг юридик манзили, суғурталанувчининг номи, суғурта объекти, суғурта мукофотининг миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати. Суғурта қопламасини тўлашда суғурталанувчи суғурта полисини суғурта компаниясига тақдим этиши зарур.</p>
Суғуртада тариф сиёсати	<p>суғурта операцияларини зарарсиз ўтказилишини ва суғурталанувчиларнинг манфаати йўлида суғурта тарифларини белгилаш, аниқлаш, тартибга солиш ва табақалаштириш бўйича суғурта компаниясининг мақсадли йўналтирилган фаолияти. Суғуртада тариф сиёсати қуйидаги асосий принципларга асосланади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Нетто–мукофотлар ва суғурта қопламаси ўртасидаги эквивалентлик. Ҳар бир суғурта тури бўйича нетто–ставка зарарларнинг эҳтимол тутилган миқдорига максимал даражада тўғри келиши зарур. 2. Суғурталанувчиларнинг асосий қисми учун суғурта тарифи миқдорининг қулайлиги. Тариф ставкаларини юқори даражада белгиланиши суғурта ишини ривожланиши учун тўсиқ бўлади. 3. Суғурта тарифи ставкаларининг барқарорлиги. Агар узоқ йиллар мобайнида тариф ставкалари ўзгармаса, бу ҳолат суғурталовчининг нуфузини оширади. Суғурта суммаларининг зарарлилик кўрсаткичи камайса, суғурталанувчиларнинг манфаати учун суғурта тарифи ставкасини ўзгартирмасдан жавобгарлик ҳажмини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. 4. Суғурта операцияларининг рентабеллигини таъминлаш.

Сиёсий риск	давлат органларининг ҳатти–ҳаракати ёхуд уюшган шахслар гуруҳининг сиёсий талаб бўйича чиқиши натижасида вужудга келадиган хавф. Сиёсий рискга уруш ҳаракатлари, сиёсий ҳокимиятнинг ёки тузумнинг ўзгариши, қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар, фуқароларнинг оммавий чиқишлари ва иш ташлашлари, миллийлаштириш, конфискация киради. Сиёсий риск рўй берган вақтда суғурта компанияси жавобгарликдан озод бўлади. Чунки сиёсий рисклар, фақат, давлатга қарашли махсус суғурта компаниялари томонидан суғурталаниши мумкин.
Суғурта портфели	суғурта компаниясига келиб тушган суғурта мукофотларининг йиғиндиси. Суғурталанган объектлар сони, суғурта шартномаларининг миқдори ҳам суғурта портфели тушунчасини англатади. Чет мамлакатлар суғурта амалиётида ушбу ибора ишлаб топилган суғурта мукофотининг ҳажми тушунчасига тўғри келади.
Суғурта далолатномаси	суғурта ходисаси рўй берганда суғурта компанияси томонидан тузиладиган ҳужжат. Далолатномада мол–мулкнинг зарарланиш ёхуд нобуд бўлиш сабаблари, кўрилган зарар миқдори ва бошқа кўрсаткичлар бўлади. Далолатномага, зарур ҳолларда суғурта ходисаси ва мол–мулкнинг зарарланганлигини тасдиқловчи тегишли ташкилотларнинг (ёнғинга қарши кураш, давлат автомобил назорати, қишлоқ хўжалиги, ветеринария хизмати ва бошқалар) ёзма ҳулосаси илова этилади. Халқаро суғурта муносабатларида суғурта далолатномасини аджастер тузади ва моҳиятан авария сертификатиға яқинлашади
Суғурта мукофот	суғурта мукофотининг миқдори суғурта суммасига нисбатан фоизларда аниқланади. Суғурта мукофотининг миқдори аниқ суммаларда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, автомобил эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш фуқаролик жавобгарлигини суғуртасида суғурта мукофоти аниқ пул бирлигида кўрсатилади
Суғуртавий фойда	суғурта хизматининг баҳоси ва таннархи ўртасидаги фарқ. Суғуртавий фойда суғурта операцияларини амалга ошириш натижасида шаклланади. Суғуртавий фойда баланс услуги асосида суғурта мукофотлари тушуми ва суғурта операциялари таннархини ўзаро таққослаш натижасида аниқланади. Суғурта операцияларининг таннархи бу, суғурта компаниясининг суғурта химоясини таъминлашга қаратилган тўғри ва эгри, (шу жумладан заҳира фондларига ажратмалар) харажатларнинг йиғиндисидир. Одатда, суғурта тарифини ҳисоблашда нетто–ставкага юкламада фойда улуши ҳам кўрсатилади. Шаклланиш манбаига кўра, ҳақиқатдаги суғуртавий фойда ўз ичига қуйидаги фойда турларини олади: суғурта суммаси зарарлик кўрсаткичини камайтиришдан олинган фойда, бошқарув харажатларини иқтисод қилиш натижасида олинган фойда, инвестициядан олинган фойда ва суғурта тарифида белгиланган фойда.
Суғурта пули	суғурта мажбуриятини бажариш ҳамда суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлмасдан ўзаро келишган ҳолда бир қанча суғурта

	компанияларининг ихтиёрий уюшмаси. Суғурта пули, асосан, хавфли, йирик объектларни суғурталаш мақсадида ташкил этилади. Ҳар қайси компания ўз суғурталанган рискни пулга беради ва бунинг учун, пул орқали йиғилган суғурта мукофотларининг бир қисмини олади. Олинган суғурта мукофотлари ҳажмида суғурта копламасини тўлаш бўйича жавобгарликни ўз зиммаларига олади. Хорижий мамлакатларда авиация, атом, харбий рискларни суғурталаш учун суғурта пули ташкил этилган.
Суғурта объекти	шахсий суғуртада фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, меҳнат қобилияти; мулкӣ суғуртада бинолар, қурилмалар, транспорт воситалари, уй–жой мулки, ташиладиган юклар ва бошқа моддий бойликларни сақлаш билан боғлиқ манфаатлар; жисмоний ёки юридик шахснинг ўз ҳатти–ҳаракати билан унинг шахсга зарар келтириш фуқаролик масъулияти – масъулиятни суғурталашда суғурта объектлари бўлиб ҳисобланади. Рискни баҳолаш мақсадида суғурта объекти суғурта компаниясининг мутахассислари томонидан экспертиза қилиниши мумкин.
Суғурта шартномаси	икки томонлама ёзма равишдаги битим бўлиб, бунда суғурта компанияси суғурта ходисаси туфайли зарар кўрилганда суғурталанувчига суғурта қопламаси ёки суғурта суммасини тўлаш мажбуриятини, суғурталанувчи эса белгиланган муддатларда суғурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқлаш учун суғурталовчи суғурталанувчига суғурта полиси беради. Суғурта шартномасини тузишдаги асосий, оддий ва қўшимча шартлар суғурта шартномасининг мазмунини ташкил этади.
Суғурта	ҳар хил нохуш ходисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ҳамда фуқароларнинг ҳаётида тегишли суғурта ходисалари рўй берганда уларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этиладиган ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ (мақсадли пул фондлари) иқтисодий муносабатлар йиғиндиси. Ўтказиш шартига қараб, суғурта мажбурий ва ихтиёрий бўлади. Объектига кўра, мулкӣ, шахсий ва жавобгарлик суғуртасига бўлинади. Суғуртанинг асосини риск ташкил этади. Суғурта – бу рискни тақсимлаш усулидир
Суғурталанувчи	қонун асосида ёки икки томонлама шартнома асосида суғурта компанияси билан фуқаролик–ҳуқуқий муносабатларга кирувчи юридик ёки жисмоний шахс. Суғурталанувчи учинчи шахс фойдасига суғурта шартномасини тузишга ҳақли. Суғурталанувчи суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаши шарт. Суғурта шартномасини тузиш жараёнида суғурталанувчи суғурта объектига тааллуқли бўлган барча маълумотларни суғурта компаниясига маълум қилиши шарт.
Суғурта қопламаси	мулкӣ суғуртада ва суғурталанувчининг учинчи шахс олдида фуқаролик жавобгарлигини суғуртасида зарарни қоплаш учун суғурта фондидан тўланадиган пул маблағи. Суғурта қопламаси суғурта суммасига тенг ёки ундан кам бўлиши мумкин. Суғурта ходисаси рўй берганлик холати ва шакли бўйича аджастер ёки авария

	комиссарининг хулосаси суғурта компанияси томонидан суғурта қопламаси тўланишида асос бўлиб хизмат қилади
Суғурта манфаати	суғуртада моддий манфаатдорлик чораси. Суғурта ходисаси рўй бериши натижасида суғурталанувчига моддий зарар келтирувчи предметлар – мол–мулк ёки суғурталанувчининг учинчи шахсга зарар келтириш ҳолатлари. Масалан, суғурталанувчининг автомобил транспорти йўл–транспорт ходисалари туфайли шикастланганда, суғурталанувчида ушбу мулкка нисбатан манфаатдорлик юзага келади ва суғурта моддий манфаатдорлик чораси сифатида майдонга чиқади.
Суғурта йиғими	Жисмоний шахснинг йўловчиларнинг мажбурий суғурта бўйича бир марта тўланадиган суғурта мукофоти. Одатда, суғурта йиғими йўл ҳақи таркибида бўлади ва чиптада суғурта йиғими «киритилган» деган сўз бўлади
Слип	рискни характерловчи ҳужжат. Слип суғурта брокери томонидан тузилади ва андеррайтерга берилади. Слипда суғурта компаниясининг рискни суғурталашдаги ҳиссаси кўрсатилади. Англияда слип суғурта полисига тенглаштирилади. Айрим ҳолатларда слип суғурта қопламасини тўлашда асосий ҳужжат ҳисобланади
Суғурта компанияси	суғурта шартномасини тузиш ва унга хизмат қилишни амалга оширувчи, суғурталанувчи билан ҳуқуқий муносабатда бўлувчи юридик шахс. У ўз Низоми асосида фаолият юритувчи мустақил хўжалик субъектидир. Тегишли иқтисодий муҳитда фаолият юритувчи суғурта компанияларининг йиғиндиси суғурта тузимини ташкил этади. Суғурта компаниялари бажарадиган суғурта операцияларига кўра, улар универсал ва ихтисослашган бўлади. Устав капитали миқдори ҳамда келиб тушган суғурта мукофотлари ҳажмига мувофиқ, суғурта компанияларини йирик, ўрта ва кичик гуруҳларга бўлиш мумкин.
Суғуртавийтиб биёт	турли касалликлардан мажбурий суғуртани назарда тутувчи соғлиқни сақлаш ишини ташкил этиш шакли. Суғуртавийтиббиёт бўйича суғурта фонди ишчи–ҳодимларнинг иш ҳақидан, тадбиркорларнинг фойдасидан, давлат дотацияси ҳисобидан ҳамда хайр–эҳсон фондларининг мажбурий ажратмаси ҳисобидан шаклланади. Суғуртавий тиббиёт бўйича суғурталанган контингентга тиббий суғурта полиси берилади. Суғурталанувчига тиббий суғурта полиси бўлган тақдирда тиббий хизмат кўрсатилади. Бунда тиббий суғурта компанияси, бир томондан суғурталанувчилар билан, иккинчи томондан тиббиёт муассасалари билан шартнома тузади.
Суғурта баҳоси	суғурталаш мақсадида аниқланадиган мол–мулкнинг қиймати. Амалиётда мол–мулклар ҳақиқий қиймати, бозор қиймати ва бошқа қийматлар воситасида баҳоланади. Зарур ҳолларда суғурта баҳосини тўғри ҳисоблаш учун малакали экспертлар жалб этилади. Суғурта баҳоси тўғрисидаги ҳақиқий маълумот таъриф ставкаси ва суғурта мукофоти миқдорини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги қонунчиликка биноан, суғурта суммаси мол–мулкнинг суғурта

	бахосидан ошиб кетмаслиги зарур
Суғурта тизими	1) турли хил суғурта компаниялари ва уларни суғурта назорати билан алоқадорлигини йиғиндиси: 2) суғурта ҳуқуқий муносабатларни ташкил этишнинг давлат – ҳуқуқий шакли.
Суғурта суммаси	суғурта манфаати ва суғурта рискига мос келувчи пул маблағи. Халқаро амалиётда суғурта суммаси суғурта қопламаси дейилади. Суғурта суммасига нисбатан суғурта мукофотианиқланади ва суғурта қопламаси тўланади. Суғурта суммаси ибораси, кўпроқ, шахсий суғуртада – фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғини суғурталашда ишлатилади.
Суғурта майдони	суғуртага тортилиши зарур бўлган объектларнинг энг катта сони. Айрим экспертлар хулосасига кўра, Ўзбекистонда суғурта майдони ҳали тўла ўзлаштирилмаган. Фақат мол–мулкларнинг 20–30 фоизигина суғуртага тортилган.
Суғурта суммасининг зарарлиги	суғурта суммаси ва суғурта қопламаси тўлови ўртасидаги нисбатни характерловчи иқтисодий кўрсаткич. Бу кўрсаткич зарар миқдори эҳтимоллигини кўрсатади ва ундан рискни ўзгариши устидан назорат ўрнатишда фойдаланилади. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи қуйидаги омиллар таъсири остида шаклланади: суғурталанган объектлар сони ва уларнинг суғурта суммаси, суғурта ходисаларининг сони, зарар кўрган объектлар сони ва суғурта қопламаси. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи нетто–ставка тузилишига қараб ҳар бир суғурта тури ёки жавобгарлик тури бўйича аниқланади. Агар зарарлилик кўрсаткичи нетто–ставкага яқинлашса ёки ундан ошиб кеца, бу ҳолда суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи юқори даражада эканлигидан далолат беради
Суғурта ҳуқуқи	суғурталовчилар, суғурталанувчилар ва улар ўртасидаги воситачиларнинг ҳатти–ҳаракати қоидалари йиғиндиси. Суғурта ҳуқуқи қонун ва қонун ҳужжатларида ўз аксини топади. Суғурта ҳуқуқи молиявий ҳуқуқнинг бир қисми ҳисобланади
Суғурта ҳодисаси	стихияли, табиий ёки олдиндан кўриб бўлмайдиган воқеа–ҳодисаларнинг амалда юз бериши. Суғурта ҳодисаси юзага келган зарар суғурта компанияси томонидан шартномага мувофиқ қопланади. Мулкий суғуртада суғурта ҳодисаси дейилганда, стихияли ҳодисалар, ёнғин, авария, портлаш, зилзила, довул ва бошқалар тушунилади. Шахсий суғуртада эса суғурта ҳодисасига фуқароларнинг маълум бир муддатгача яшаши, уларнинг ҳаётида бахциз ҳодисаларнинг рўй бериши ёки ўлими киради. Халқаро амалиётда суғурта ҳодисаси баъзан «форс–мажор» деб юритилади.
Суғурта ҳодисалари частотаси	иншоотларни ёниш даражасини, транспорт воситаларини авария бўлиш даражасини, аҳоли ногиронлиги даражаси ва шунга ўхшаш даражаларни ифодаловчи кўрсаткич. Суғурта ҳодисалари сонини суғурта қопламалари миқдорига ёки суғурталанган объектлар миқдорига нисбати суғурта ҳодисалари частотасини аниқлайди.
Суғурталовчил	суғурта фаолиятини мувофиқлаштириш, уюшма аъзоларининг

ар уюшмаси	манфаатини давлатнинг қонун чиқарувчи ва ижроия органлари олдида ҳимоя этиш ҳамда маҳаллий суғурта компаниялари ва хорижий суғурта компаниялари ўртасида ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш мақсадида ташкил этиладиган суғурта компанияларининг уюшмаси. Бунга ўзаро суғурталаш жамиятларини халқаро уюшмасини, техник рискларни суғурталовчи компаниялар иттифоқини, Буюк Британия суғурталовчилар уюшмасини мисол келтириш мумкин. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда суғурталовчилар уюшмаси ташкил этилмаган. Фақат, автосуғурталовчилар иттифоқи фаолият кўрсатмоқда
Суғурта қопламаси лимити	суғурта компаниясининг филиали, бўлими, шуъба корхонаси томонидан битта суғурта ҳодисаси бўйича мустақил тўланадиган суғурта қопламасининг энг юқори миқдори. Бу миқдорни суғурта компанияси бошқаруви жойлардаги суғурта суммасининг зарарлилик даражасидан, кадрларнинг малакасидан ва бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда белгилайди
Суғурталовчининг жавобгарлик лимити	тузилган суғурта шартномасидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган суғурта компаниясининг мумкин бўлган энг юқори даражадаги жавобгарлиги. Суғурталовчининг жавобгарлик лимити суғурта полисида ўз аксини топади.
суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари	қонунчилик ва суғурталовчининг (суғурта брокерининг) таъсис ҳужжатларига мувофиқ тайинланиши ёки сайланиши натижасида, тузилган меҳнат шартномасига асосан суғурталовчининг (суғурта брокерининг) ягона ижро этувчи органи бўлиб ҳисобланадиган ёки суғурталовчининг (суғурта брокерининг) коллегиял ижро этувчи органи устидан бошқарадиган жисмоний шахс
суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бош бухгалтери	суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқаруви функцияларини амалга оширувчи, бухгалтерия ҳисобини ташкиллаштиришни ҳамда моддий ва молиявий ресурсларни оқилона, тежамкорлик билан ишлатилишини назорат қилишни таъминлайдиган жисмоний шахс
Сюрвеер	суғуртага тортиладиган мол–мулкни кўриқдан ўтказувчи суғурта компаниясининг ходими. Суғурта компанияси сюрвеернинг ҳулосаси асосида суғурта шартномасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Чет эл амалиётида ёнғин ҳавфсизлигини таъминловчи ихтисослашган фирмалар, меҳнат муҳофазаси бўйича ташкилотлар сюрвеер функциясини бажаради.
Тариф ставкаси	суғурта рискин баҳоси; суғурта суммасига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган брутто–ставка. Тариф ставкаси (брутто–ставка) икки қисмдан иборат: нетто–ставка ва нетто–ставкага юклама. Нетто–ставка суғурта компаниясининг суғурта фондидан қиладиган харажатларини ифодалайди. Нетто–ставкага юклама суғурта компаниясининг иш юритиш харажатларини, комиссия ҳақини ва бошқа харажатларини ўз ичига олади. Шахсий суғурта бўйича тариф ставкаси мол–мулк суғуртасининг тариф ставкасидан кескин фарк қилади. Ҳаёт суғуртасидаги тариф ставкаси ҳаётийлик жадвали ва даромад нормасига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади

Эҳтимоллар назарияси	тасодифий ҳодисаларнинг эҳтимоллиги бўйича ўзаро алоқада бўлган бошқа ҳодисаларнинг эҳтимоллигини аниқлаш билан боғлиқ математика фани. Эҳтимоллар назарияси асосида тасодифий ҳодисаларнинг руй бериш эҳтимоллиги катта ёки кичик эканлиги аниқланади. Эҳтимоллар назарияси актуар ҳисоб–китобларни амалга оширишда муҳим восита ҳисобланади
Қайта суғурталаш	суғурталашга рискни қабул қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими (рисklarни бирламчи жойлаштириш); суғурталовчи мувозанатлашган суғурта портфелини яратиш ва суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини ўзаро келишилган ҳолда бошқа суғурталовчига бериши (рискни иккиламчи жойлаштириш).
Қайта суғурталовчи брокер	иккита суғурта компанияси ўртасидаги профессионал воситачи
Қайта суғурталовчи	суғурта брокери ёрдамида қайта суғурталаш учун рискни қабул қилиб оладиган жисмоний ёки юридик шахс. Қайта суғурталовчи ёрдамида рискни иккиламчи тақсимлаш амалга оширилади. Қайта суғурталовчи сифатида суғурта компанияси ҳам бўлиши мумкин. Жаҳондаги энг йирик қайта суғурталовчилар гуруҳига Мюнхен қайта суғурталаш жамияти, Швейцария қайта суғурталаш жамияти, Кёлн қайта суғурталаш жамиятлари киради.
Факултатив қайта суғурталаш	пропорционал қайта суғурталаш шартномасининг тури. Факултатив қайта суғурталашда ҳар бир берилаётган риск бўйича алоҳида шартнома тузилади. Цедент ҳар бир риск бўйича қайта суғурталаш зарур ёки зарур эмаслик масаласини мустақил кўриб чиқади. Ўз навбатида, қайта суғурталовчи ҳам цедентнинг таклифини қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги ҳам мумкин.
Факултатив облигатор шартномаси	цедент қайта суғурталовчи билан келишган тоифадаги ҳар қандай суғурта рискинни бериши, қайта суғурталовчи эса уларни қабул қилиши шарт эканлиги ҳақидаги қайта суғурталаш шартномаси
Францҳиза	суғурта шартномаси шартларида кўзда тутилдиган суғурталовчининг зарарни қоплашдан озод этиладиган қисми. Францҳиза суғурта суммасига нисбатан фоизларда белгиланадиган шартли ва шарциз францҳизаларга бўлинади. Шартли францҳизада суғурталовчи белгиланган францҳиза суммасидан ошмайдиган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этилади. Бу ҳолда, агар кўрилган зарар миқдори францҳиза суммаси миқдоридан ошиб кета, суғурта компанияси зарарни тўлиқ қоплайди. Шарциз францҳизада кўрилган зарар францҳиза суммасидан чегирилиб қопланади.
Фрахт	денгиз ёки ҳаво йўллари орқали юкни ташишда тўланадиган ҳақ. Ушбу ҳақ тариф ёки юкни ташиш тўғрисидаги шартнома бўйича ўзаро келишилган нарх асосида тўланади. Денгиз суғуртасида юкларни ташишда фрахт полиси ёзилади ва фрахт қилувчига берилади.

Фронтлаштирувчи компания	бошқа суғурта компаниясининг илтимосига кўра, ўз номидан суғурта полиси берувчи суғурта компанияси. Фронтлаштирувчи суғурта компанияси қабул қилиб олинган рискни юз фоиз миқдориди илтимос қилган суғурта компанияси ҳисобига ўтказди ва бунинг учун ундан комиссия ҳақ олади.
Фронтинг	қабул қилиб олинган рискни тегишли комиссия ҳақи эвазига тўлалигича бошқа суғурта ёки қайта қайта суғурталовчи компанияларига бериш.
Цессия	1) суғурта рискни қайта суғурталашга бериш жараёни. Цедент ва қайта суғурталовчи ўртасидан ҳуқуқий муносабатларда ишлатилади. 2) Хориж амалиётида цедентнинг олинган суғурта мукофоти маъносини билдиради.
Шомаж	суғурта ҳодисаси рўй бериши натижасида ишлаб чиқаришни тўхтаб қолиши билан боғлиқ фойда олмаслик рискни суғуртаси.
Экседент риски	мазкур тоифадаги риск бўйича зарарни қайта суғурталаш тўғрисидаги келишув.
Экседент зарари	нопропорционл қайта суғурталаш шакли. Бунда цедентга ўз зиммасида ушлаб қолинган зарардан ошган қисми қайта суғурталовчи компания томонидан қопланади.
Ўзаро суғурталаш жамияти	фойда олишни кўзламайдиган ноижорат шаклидаги суғурта компанияси. Суғурта қилишнинг ташкилий шакли. Ўзларининг мулкӣ манфаатларини суғуртавий ҳимоялаш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий битим асосида бирлашуви. Ўзаро суғурталаш жамияти юридик шахс ҳисобланиб, ҳар бир суғурталанувчи ушбу жамиятнинг аъзоси бўлади. АҚШ ва Японияда асосан, ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи компаниялар ўзаро суғурталаш жамияти шаклидадир. Ҳозирги пайтда Японияда ўзаро суғурталаш жамиятлари ҳаётни суғурталаш бозорининг 89,4%ни ташкил этади.

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаётовон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабр “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сонли Қонуни
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июн “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 феврал “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 август “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябр “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июн “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз

малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли ФАРМОНИ.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябр “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябр “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрел “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябр ПҚ-4022-сонли “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июн “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябр “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сонли Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январ “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4563 -сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябр “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сонли Қарори.

26. 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4563 -сонли Қарори.

II. Махсус адабиётлар.

1. Агеев Ш.Р., Васильев Н.М., Катярин С.Н. Страхование (теория, практика и зарубежный опыт). – М.: Экспертное бюро, 2009. – С. 497.

2. Балабанов И.Т. Риск-менеджмент. М.: Финансы и статистика, 2006. – С. 250.
3. Белых В.С. Страхование право. – 3-е изд., перераб. и доп. М.: Норма, 2009. – С. 352.
4. Гражданское право / под ред. Е. Н. Суханова. – Т. 2. – М., 2009. – С. 496.
5. Манэс А. Основы страхового дела. – М.: Анкил, 2010. – С. 108.
6. Страхование: под ред. проф. Федоровой М.А. – М.: Издательство БЕК, 2002. – С. 746.
7. Сплетухов Ю.А. Страхование: Учебное пособие. М: ИНФРА-М, 2010. – С. 312.
8. Шинкаренко И.Э. Страхование ответственности: Справочник. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Анкил, 2011. – С. 308.
9. А.М. Best Company/ Understanding the Insurance Industry: An overview for those working with and in one of the world's most interesting and vital industries. CreateSpace Independent Publishing Platform (October 31, 2014).-64 p.
10. Marshall Wilson III Reavis. Insurance: Concepts & Coverage. FriesenPress, 2012. – 96 p.
11. Peter Zweifel, Roland Eisen. Insurance Economics. Springer; 2012 edition (February 24, 2012). – 452 p.
12. Reggy de Feniks. Roger Peverelli. Reinventing Financial Services - What consumers expect from future banks and insurers. Pearson Education Benelux / Financial Times / Prentice Hall (August 6, 2011). – 335 p.

III. Интернет ресурслар

1. <http://www.znay.ru> – Электрон кутубхона.
2. <http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий сайти.
3. <http://www.press-service.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.
4. <http://www.worldbank.org> – Жаҳон банки расмий сайти.